ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХЧИЛАРИ

**I жилд**

**(Биобиблиографик маълумотнома)**

Тошкент – 2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЖ: 94 (575)
КБК 633(54)

Ўзбекистон тарихчилари. I жилд (биобиблиографик маълумотнома). Т.: «Fan va tehnologiya», 2012, 246 бет.

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритган ва юритаётган тарих фанининг намоёндалари, хусусан, фан докторларининг илмий фаолият доираси, тарих илмига қўшган ҳиссалари ўз аксини топган. Китоб тарих ихтисосликларининг барча жабҳаларини қамраб олган.

ISBN 978-9944-10-811-0

**Масъул муҳаррир:**
тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазаева.

**Таҳририят ҳайъати:**
тарих фанлари доктори, профессор Б.Ж.Эшов;
тарих фанлари доктори Х.Э.Юнусова;
тарих фанлари номзоди, доцент М.М.Ҳайдаров;
тарих фанлари номзоди, доцент А.А.Одилов;
тарих фанлари номзоди, доцент Н.Т.Полвонов;
тарих фанлари номзоди К.Д.Саипова;
катта ўқитувчи А.М.Хидиров.

**Тақризчилар:**
тарих фанлари доктори, профессор Г.А.Агзамова;
тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кенгашининг 2012 йил 26 сентябрдаги 2-сонли мажлиси томонидан нашрга тавсия этилган.

"Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш" гранти ҳисобидан нашр этилди.

©«Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУҚАДДИМА

XXI асрга ривожланишнинг замонавий тараққиёт йўли билан кириб келган, бой маданияти ва бебаҳо маънавиятига эга бўлган ўзбек халқи ўзининг минг йилликлар қаърига кириб борган тарихий ўтмиши билан жаҳон цивилизациялар тармоғида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар турли даврларда мамлакат келажак тараққиёти нуқтаи-назаридан амалга оширилган ислоҳотлар шунингдек, юксалиш ва инқироз ҳолатлари, чет эл босқинларига қарши озодлик курашлари юртимизнинг ўзига хос серқирра ва ранг-баранг ўтмишидан далолат беради. Шу боис ҳам бу тарих энг қадимги даврдан бошлаб кўп минг йиллар давомида аждодларимиз ва халқимиз тарихи сифатида нафақат ўзбекистонлик, балки хориж олимлари томонидан ҳам тан олиниб ўрганилди, тадқиқ этилди ва айни пайтда ҳам шу йўналишдаги илмий-тадқиқотлар изчиллик билан давом этмоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, Ватан тарихига муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида тарихнинг улкан аҳамияти ҳақидаги тарихчи олимларни асл манбалар ва далилларга асосланган ҳаққоний тарихимизни яратиш борасида илгари сурган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Тарих – миллат кўзгуси”, “Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон”, “Халқимизни тарих билан қуроллантириш зарур”, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби кўплаб асосли ва катта аҳамиятга молик ғоялари республика тарихчи олимларини янгидан-янги илмий-тадқиқотларга даъват этаётганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди”.

Тарихнинг яратувчиси ва ижодкори халқдир. Бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар, воқелик ва ҳодисалар, ислоҳотларни халқсиз ва тарихий шахсларсиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Тарих – халқнинг фикр ҳамда тафаккурининг ҳосиласидир. Айнан шунинг учун ҳам тарих – ибрат мактаби бўлиб, ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни англаш ва улардан тегишли сабоқ чиқариш,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳушёрлик ва огоҳликка, бузғунчи ғояларга қарши туришга ундовчи, миллий бирлик, ҳамкорлик ва бағрикенгликка чақирувчи беқиёс аҳамиятли мактабдир. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, қадим ўтмиш билан бугунги куннинг, ўтмиш аждодларимиз билан бугунги авлодларимиз ўртасидаги боғлиқликни унутмасдан янада мустаҳкамлаш миллий тараққиётнинг асосий кафолати ҳисобланади. Бундай боғланишда эса тарих асосий кўприк вазифасини бажаради.

Тарих – халқ хотираси, ўтмиш ва мозий бўлиб, ушбу бўлиб ўтган тарихийликни фуқароларга ҳаққоний етказиш тарихни фан даражасига кўтаради. Тарихни фан сифатида ўқиш, ўрганиш, талқин этиш ва чуқур англаб етиш бевосита илмий тадқиқотларнинг самараси ҳисобланади. Фақат илмий-тадқиқотлар орқалигина бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни холис таҳлил қилиш ва мантиқий талқин этиш, қиёсий ва танқидий солиштириш асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, тарихий дунёқараш асосида воқеа-ҳодисалар, тарихий жараёнларга баҳо бериш, тарих фалсафасини англаб етиш имкониятлари янада кенгаяди.

Давр тақозоси ва замонавий шарт-шароит, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб бугунги тарихий изланиш ва тадқиқотлар янги аснода жадал ривожланаётганлигини мамнуният билан эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги тарихий тадқиқотларнинг тараққий этишида Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистон Фанлар Академиясининг Тарих ва этнология институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих, Археология, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Ислом университетлари қошида фаолият кўрсатган ихтисослашган кенгашлар катта аҳамият касб этди.

Ушбу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлиги жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган ҳолда эътироф этилди. Тарихнинг турли даврларига оид инновациялар ва кашфиётлар диссертациялар, илмий ишланмалар, фундаментал асарлар, монографиялар ва мақолалар кўринишида илмий муомалага киритилди. Жумладан, ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиёт поғоналари, ўзбек ҳалқи этногенези масалалари, давлат бошқаруви, алоҳида



www.ziyouz.com kutubxonasi

олинган тарихий шахслар фаолияти, қадимги ва ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт тарихи, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги мустамлака Туркистонда кечган турли воқеликлар ҳамда жараёнлар, мустабид совет давлатининг республикада юритган бир томонлама ижтимоий-иқтисодий, маданий сиёсатининг салбий оқибатлари, қатағонлик сиёсати ва бошқалар илк бора тарихчи олимлар саъй-ҳаракатлари боис ўтмиш зарварақларида ўз ифодасини топди. Тарихнинг турли соҳалари ва йўналишлари бўйича мавжуд илмий мактаблар қаторига янги мактаблар қўшилди, устоз-шогирд анъаналари замонавий асосларда тараққий этиб бормоқда. Ўтган аждодларнинг муборак номларини тиклаш, қадимий шаҳарлар таваллуд ёшини белгилаш, манбаларни халқ бебаҳо меросига қайтариш ва бошқа хайрли ишларда тарихчиларнинг муносиб ўрни ва ҳиссалари мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларига ҳаётга изчил тадбиқ этилаётган янгиликлар ва кенг қўламли ишлар қаторида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – “И.Каримов модели”га мувофиқ таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этиш натижасида эришилаётган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда муносиб баҳоланмоқда ва эътироф этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишда тарихчи олимларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, XXI аср баркамол авлодига таълим-тарбия бериш борасида тарихчи олимлар томонидан миллий истиқлол руҳида ёзилган, эътиборга молик кўплаб янги авлод адабиётлари яратилди.

Ўзбекистон тарихи, умуман, тарихнинг бугунги кундаги беқиёс аҳамияти ва бу йўналишда олиб борилган ҳамда давом этаётган илмий кашфиётларни табиийки, ушбу китобнинг кириш қисмида ёритиб беришнинг имкони йўқ. Зеро, қилинган ишлар ҳақида кўплаб китоблар ёзиш мумкин. Аммо, тарихий тадқиқотлар, тарихнинг таркибий қисми бўлмиш – археология, нумизматика, санъатшунослик, тарихшунослик, манбашунослик, музейшунослик, тарихий демография, фан тарихи каби соҳаларда тадқиқотларга муҳтож бўлган мавзулар, қиёсий-солиштирма ишланмалар, баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигини таъкидлаш лозим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Айнан мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси жамоаси эътиборингизга ҳавола этаётган "Ўзбекистон тарихчилари (биобиблиографик маълумотнома)»ни чоп этишдек хайрли ишга қўл урди. Кези келганда таъкидлаш лозимки, "Ўзбекистон тарихи" кафедраси нафақат университетда, балки республика олий ўқув юртлари турдош кафедралар орасида таянч кафедра ҳисобланиб, тарих фанидан ўқув дастурлари, дарсликлари ва услубий қўлланмаларни яратишда шунингдек, тарих фанининг долзарб илмий-назарий масалалари ечимига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, китобни яратишдан кўзланган асосий мақсад, аввало тарихчи олимларнинг биографик маълумотлари, уларнинг тарих илмига қўшган ҳиссаларини кўрсатиш, тарихий йўналишларда илмий-тадқиқот ишларни олиб борувчи бўлажак ёш олимларга ким, қайси соҳа бўйича тадқиқот олиб борганлиги ҳақида маълумот бериш ҳисобланади.

Республикада тарихнинг муайян йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб бориб, фан доктори даражасига кўтарилган, айрим сабабларга кўра номлари илмий жамоатчиликка кам маълум бўлган баъзи олимларимизни элга танитиш, уларнинг илмий мактаблари ва илмий йўналишлари ҳақида батафсилроқ маълумотлар бериш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикадаги илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасидаги илмий алмашинув, интеграция ва ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш, улар ўртасидаги устоз-шогирд анъаналарини янада кўпроқ ва сермаҳсул даражада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятнинг янада мустаҳкамланишида гуманитар таълим муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда муайян максадларга йўналтирилган таълим сиёсати олиб борилаётганлиги диққатга сазовордир.

Мазкур китобга киритилган академик, профессор, фан докторларининг тарихий тадқиқотлари ҳақидаги маълумотлар ёш тарихчиларни илмий муаммоларни чуқурроқ ўрганишга доир фикр-мулоҳазаларни юзага чиқаради. Янги фикрлар, таклифлар ҳамда тадқиқотлар асосида эса, мавжуд муаммолар уз ечимини топиши



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бирга, тарихни ўрганиш бўйича аниқ мақсадларга қаратилган янги йўналишлар пайдо бўлади. Ушбу китоб мазкур йўналишдаги ишларнинг дебочаси ҳисобланиб, келажакда уни тўлдириб бориш, кенгайтириш ҳам мақсад қилиб олинган.

***Раҳбархон Ҳамидовна Муртазаева,***
***тарих фанлари доктори, профессор.***



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУЛЛАЕВ РАВШАН МАЖИДОВИЧ



Тарих фанлари доктори Р.М.Абдуллаев 1956 йил 5 февралда Фарғона шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1978 йили Фарғона давлат педагогика институти тарих факультетини тамомлаган.

М.Абдуллаев 1986 йили “Демократическая Республика Афганистан и страны социалистического содружества (политическое, технико-экономическое и культурное сотрудничество в 1978-1985 гг.)” мавзусида номзодлик, 1998 йили “Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 гг.” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Мудофаа Вазирлиги Қуролли кучлари Академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтларида фаолият кўрсатган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти директори лавозимида ишламоқда. 2 нафар шогирди фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлган. Қатор халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар иштирокчиси. 80 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Миллий сиёсий ғоялар тарихидан (Из истории национальных политических идей) // Инсон ва сиёсат (Человек и политика), 1991 - №9 - Б.87-94 (на узб. и рус.яз.).

2. Туркестанские прогрессисты и национальное движение // Звезда Востока, 1992. - №1.- С.106 – 113.

3. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джадиды // Евразийское сообщество: экономика, политика, безопасность. - Алматы, 1997. - №2. - С.123-132.

4. Ўзбекистоннинг Янги тарихи (иккинчи китоб). Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Ташкент: Шарқ, 2000. 43,0 б.т. Б.10-33. (Ҳаммуалифликда).

5. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Тошкент: Шарқ, 2000. 35 п.л. С.9-61 (В соавторстве).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. История Узбекистана. Второе издание. (Учебное пособие). – Ташкент: Университет, 2004. 10 п.л. (в соавторстве).

7. Проблемы модернизации традиционного общества и национальная интеллектуальная элита Туркестана в начале XX века. Россия – Узбекистан: история и современность (часть IV). - Москва, 2008. - С.52-63.

8. Colonial Rule and Indigenous Responses, 1860 – 1917 // Ferghana Valley: The Heart of Central Asia. Edited by: S. Frederick Starr. New-York: Sharpe, 2011. -P. 69-93.

9. Soviet Rule and the Delineation of Borders in the Ferghana Valley, 1917 - 1930 // Ferghana Valley: The Heart of Central Asia. Edited by: S. Frederick Starr. New-York: Sharpe, 2011. -P. 94-118.

10. Реформаторское движение в тюркско-мусульманском мире и туркестанские джадиды в начале XX века // Сб. «Центральная Азия. Традиции и современность». – Москва, 2011.- С. 177-194.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК САЙДАНОВИЧ



Тарих фанлари доктори У.С.Абдуллаев 1956 йилнинг 8 августида Андижон вилояти, Жалалқудуқ туманида туғилган. Миллати ўзбек. Олим 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетини тамомлаган.

1983–1984 йилларда ЎзР ФА Тарих институтида катта лаборант, бўлиб ишлаган. 1984–1986 йилларда стажёр тадқиқотчи сифатида СССР ФА Миклухо-Маклай номидаги Этнография институтида таҳсил олган. 1986–1990 йилларда ЎзР ФА Тарих институти аспирантурасида ўқиб, 1990–1991 йилларда шу институтнинг кичик илмий ходими, 1991–1992 йилларда илмий ходим лавозимларида фаолият кўрсатган.

У.С.Абдуллаев 1992 йилда "Фарғона водийси қишлоқ жойларида анънавий ва замонавий этносларaро алоқалар" мавзусида номзодлик, 2006 йилда эса "Фарғона водийсида этносларaро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари)" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

1992–1999 йиллар мобайнида Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида (собиқ АИБИ) ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимида ишлаган. Ҳозирда Андижон машинасозлик институтида проректор лавозимида ишламоқда.

70 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар нашр этган. Шу жумладан:

1. Фарғона водийсида этносларaро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари). Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. (Монография).

2. Хозяйственно-торговые взаимосвязи народов Фарганской долины в конце XIX-начале XX века. // Обшественные науки в Узбекистане, 1991. –
№ 2.

3. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX- начале XX века.// O`zbekiston tarixi, 1999. – № 4.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Traditional Male and Female Uzbek Associations at the end of the 20 th Century// International of the Central Asia Studies Volime. 7. - Seoul. 2002. – P. 41–52.

5. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари. // Ozbekiston tarixi, 2002. – № 1.

6. Фарғона водийси халқларининг хўжалик фаолияти соҳасидаги ўзаро муносабатлар тарихидан. // Ozbekiston tarixi, 2002. – № 4.

7. On History of Uzbek and Kirghiz Ethnik and Cultyral Internationals (On materials of the Fergona Vallue) // International Journal of the Central Asia Studies Volume. 8.- Seoul. 2003. – P. 267 – 275.

8. Этнологияда терминалогия масалалари. // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. –Тошкент, 2004

9. Фарғона водийсидаги этнослараро муносабатлар тарихидан. // Ozbekiston tarixi, 2002 № 5.

10. Фарғона водийсида этнолингвистик жараёнлар. // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. – Тошкент, 2005. 2-кисм



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУЛЛАЕВА ЯХШИБЕКА АТАМУРАТОВНА



Тарих фанлари доктори Я.А.Абдуллаева 1958 йил 7 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1980 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетини тамомлаган.

Я.А.Абдуллаева 1996 йилда Москвада "Повышение трудовой и общественно-политической активности женщин Каракалпакстана (1965-1975 гг.)" мавзусида номзодлик, 2005 йили Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институтида "Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи (XIX асрнинг охири – XX аср)" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Ҳозирда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти тарих факультети декани лавозимида ишламоқда. "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат курсатган маориф ходими" (1998 йил) Давлат мукофоти совриндори. Бир неча шогирдлари илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бир қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси. 100 га яқин илмий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Женщины Арала на рубеже веков. //Международная женская научно-теоретическая конференция, посвященная 10-летию журнала «Арал кызлары». – Нукус, 2001 год 7 сентябрь.

2. Академик Яхё Ғуломов таваллудининг 95 йиллиги ва тарих институтининг 60 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон тарихи ва археология фанларининг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий анжумани. – Самарканд, 2003 йил 27-28 ноябрь.

3. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган Республика ёш олимлар илмий анжумани. – Тошкент, 2003 йил.

4. Аёл ва жамият. // Илмий-амалий анжуман. – Тошкент, 2003 йил 4 апрель.

5. Бағрикенглик – жамият барқарорлигининг асоси. // Илмий-амалий анжуман. – Тошкент: Университет, 2003.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Ёш олимлар» анъанавий илмий анжумани. – Тошкент, 2004.

7. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида. // Республика илмий-назарий анжумани. – Тошкент, 2004.

8. Қарақалпақстан ҳаял-қызлары жалынлы жылларда атамасында. // Ҳаял-қызлардың илимдеги орны әмелий конференциясы. – Нукус, 2008.

9. 2009-жыл «Аўылды рауажландырыў ҳәм абаданластырыў жылы»на бағышланған 2008-жыл илим-изертлеў жумысларының нәтийжелери бойынша профессор-оқытыўшылар ҳам аспирантлардың илимий-теориялық конференциясы. – Нукус, 2009.

10. Жанубий Орол бўйи археологияси, этнографияси ва тарихи муаммолари. // Халқаро илмий-амалий анжуман. – Нукус, 2011 йил 12–13-апрель.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУНАБИЕВ АБДУЛЛА ҒУЛОМОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.Ғ.Абдунабиев 1928 йил 25 январда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган. 2008 йил 9 августда вафот этган. Ғ.Абдунабиев 1950 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1953 йилдан бошлаб Ўзбекистон Маданият вазирлигининг ўрта махсус ва олий ўқув юртлари бошкармаси бошлиғи лавозимида ишлай бошлаган.

А.Ғ.Абдунабиев 1959 йилда Гулистон тумани ижроия қўмитаси раиси этиб сайланди. Шу йилнинг июнь ойида Мирзачўл шаҳар ижроия қўмитаси раиси этиб тайинланди.

1961 йил Янгийўл тумани ижроия қўмитаси раислигига, 1963 йил сентябрда Сирдарё вилоят ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимига сайланди. 1966 йил май ойида А.Ғ.Абдунабиев янги ташкил этилган Сирдарё педагогика институти ректори этиб тайинланди. 1961 йилдан бошлаб Тошкент давлат университети (ЎзМУ) да катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган. 1970 йил сентябрь ойидан бошлаб Тошкент Олий партия мактаби кафедра мудири лавозимига тайинланди. 1983 йил июль ойидан бошлаб А.Ғ.Абдунабиев Тошкент электр алоқа институти (ҳозирги ТАТУ) “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири лавозимида ишлади. 1992 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача шу кафедрада профессор лавозимида меҳнат қилган.

1965 йилда “Қўриқ ерларни ўзлаштириш борасида партия фаолияти (1956-1964 й.)” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1971 йилда эса “Ривожланган социализм даврида Ўзбекистон ирригациясини ривожлантиришда партия фаолияти” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Мустақиллик даврида эса Ўзбекистон Республикаси “Шуҳрат” медали соҳиби бўлган.

Давлат арбоби сифатидаги ҳизматларини илмий фаолият билан бирга олиб бориб, “Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонга сазовор бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир канча халқаро, республика илмий-назарий конференцияларида иштирок этган. А.Ғ.Абдунабиев шогирларидан 18 нафари фан номзоди даражасига эришган.

*Олим кўплаб илмий* ва илмий-оммабоп мақолалар, 35 та китоб ва рисолалар, 16 та ўқув-услубий қўлланмалар чоп эттирган. Жумладан:

1. Уложение Амира Темура и современность (к 660-летию *Амира Темура). Ташкент Республиканский общественний центр.*
2. Вечное стремление к миру и согласию (из далёкой истории Средней Азии). Т., 1996.
3. Вклад в мировую цивилизацию. - Т.: Узбекистан, 1998.
4. Об особенностях менталитета народов Узбекистана (исторический аспект). - Т., 2006. (Ҳаммуаллифликда).
5. К вопросу о формировании древней и средневековой городской культуры Самарканда. – // Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность. - Т., 2007. (Ҳаммуаллифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУРАҲИМОВА НОДИРА АБДУЛЛОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Н.А.Абдураҳимова 1938 йил 15 сентябрда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Миллати татар. 1960 йили ТошДУнинг тарих факультетини тамомлаган.

Илмий йўналиши XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон тарихи масаласи ҳисобланади.

Н.Абдураҳимова «Революционное движение и карательная политика царизма в Туркестане. (К истории царской тюрьмы в Туркестане)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг докторлик диссертацияси «Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв.» мавзусига бағишланган. Бир неча шогирдлари тадқиқотлар устида ишламоқдалар. Улардан 7 нафари фан номзоди даражасига эришган. Олима қатор халқаро ва Республика микёсидаги конференциялар иштирокчиси. Н.Абдураҳимова томонидан 90 дан зиёд илмий, илмий – услубий ишлар эълон қилинган. Жумладан:

1. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – 1-ой четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999. - 160 с.
2. Узбекистан в составе Российской империи – глава (с.120 – 140) в коллективной монографии «Очерки по истории государственности Узбекистана».- Ташкент: Шарк, 2001. - 207 с.
3. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. - 240 б.
4. Мустамлакачилик сиёсати ва Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Академия, 2005. - 160 б. (ҳаммуаллифликда).
5. Davlat muassasalari tarixi. – Тошкент: Шарқ, 2007. - 127 б.
6. Становление и особенности экономической политики России в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв. //



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Историческое пространство. Проблемы истории стран СНГ. 1 – 4. – Москва: Наука, 2008. – 62-89 с.

7. Tsarist Russia and Central Asia. History of civilizations of Central Asia. Volume VI. Multiple History Series. U N E S C O Publishing. 2005. Истории цивилизаций Центральной Азии. Царская Россия и Центральная Азия, 2005. - с. 125 – 153.

8. The colonial system of power in Turkistan (p. 239 – 262). International journal of Middle East studies. The Middle East studies association of North America Cambridge university press. Vol. 34, May 2002 No. 2

9. Зарубежные инвесторы в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX века). Информационно-аналитический бюллетень МГУ. – Москва, 2009. - №4.

10. Очерки по источниковедению истории Узбекистана. Учебное пособие. Статистические источники. – Ташкент, 2009.

11. Историко-краеведческая деятельность статистических комитетов Туркестана (вторая половина XIX – начало XX вв.). // Международной конференции. – Алматы, апрель, 2009.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# АБДУРАҲМОНОВ МУҲАММАДЖОН



Тарих фанлари доктори М.Абдураҳмонов 1949 йил 17 августда Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятида туғилган. Миллати ўзбек. 1973 йил Тошкент давлат педогогика институти тарих факультетини тугатган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети "Маънавият асослари ва диншунослик" кафедраси мудири лавозимида ишлайди.

Олимнинг бир қатор ишлари ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилган ва давом этмоқда. Бу соҳадаги илмий ҳамкорлик Россия Федерацияси ва Туркия мамалакатлари билан кенг йўлга қўйилган. М.Абдураҳмоновнинг номзодлик диссертацияси мавзуси "Ўзбекистон ишчиларининг саноат корхоналарини бошқаришдаги иштироки". Докторлик диссертацияси мавзуси эса, "А.З.Валидийнинг Туркистондаги илмий фаолияти". М.Абдураҳмонов томонидан жами 180 дан ортиқ илмий-услубий нашрлар амалга оширилган. Жумладан:

1. "Қутадғу билик" тарихий манба. – Тошкент, 1994.
2. А.З.Валидий Тўғоннинг Туркистон илмий сафарлари. (1913–1914) - Тошкент: Фан, 1997.
3. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане. – Ташкент: Фан, 2004.
4. А.З.Валиди: поиск истоков истории по духовному наследию Туркестана. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2000.
5. Маънавий салоҳият. – Тошкент, 2007.
6. Ўзбекистонда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи. – Тошкент: Akademiya, 2010.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент, 2010.
8. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: А. Навоий номидаги кутубхона нашриёти, 2011.



www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарини ўрганиш бўйича дастур ва услубий қўлланма. – Тошкент, 2008. "Маънавият асослари" намунавий ўкув дастури. – Тошкент, 2011.

10. "Шахс маънавий (ахлоқий-эстетик) камолотини ривожлантириш" бўйича тайёрланган ўқув-методик мажмуа (Олий таълим босқичи учун). –Тошкент, 2011 ва бошқалар.

Қуйидаги халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий *анжуманларида маърузалар билан иштирок этган:*

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган "А.З.Валидий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган" 2010 йил 21–22 майдаги Халқаро илмий-амалий конференцияда ва Бошқирдистон Республикаси Уфа шаҳрида, 2010 йил 21– 22 октябрда "Волга-Урал ҳудудида ислом цивилизацияси" мавзусидаги IV Халқаро Форумларда иштирок этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУҲАЛИМОВ БАҲРОМ АБДУРАҲИМОВИЧ



Тарих фанлари доктори Б.А.Абдуҳалимов 1959 йил 27 февралда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1976–1981 йилларда Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетида таҳсил олган.

Олим 1981–1983 йилларда Ливия давлатида таржимон сифатида фаолият бошлаган. 1983–1985 йиллари Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги етакчи иқтисодчиси лавозимида ишлаган Б.А.Абдуҳалимов 1985 йилдан – 2011 йилага қадар орадаги маълум танаффуслар билан Ўзбекистон Республикаси ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фаолият кўрсатиб келган. 2003–2004 йилларда Тошкент халқаро Вестминстер университети проректори, 2004–2006 йилларда ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори лавозимида ишлаган.

2006–2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси бўлган. 2008–2011 йилларда юқорида номи қайд этилган институт директори, 2011 йилдан то ҳозирги вақтгача Ўзбекистон ФА ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши бўйича вице-президент лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маълумоти бўйича филолог-шарқшунос бўлган Б.А.Абдуҳалимов араб ва инглиз тилларини мукаммал эгаллаган.

1994 йили “Кашф аз-зуннун” Хаджи Халифи как источник по истории точных наук Мавераннахра и Хорасана” мавзусида номзодлик, 2001 йили “Байт ул-ҳикма” ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Республика ва халқаро миқёсида илмий анжуманлар иштирокчиси. Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази ва Жанубий Кореяда малака оширган. Қувайт давлатининг “Имом Бухорий авлодларига” мукофоти билан тақдирланган (2004 йил). 5 нафар шогирди илмий-тадқиқотлар устида иш олиб бормоқда. Улардан 1 нафари фан номзоди диссертациясини ҳимоя қилган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

1 монография ва 50 дан зиёд илмий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. «Кашф аз-зунун» Хаджи Халифы как ситочник по истории точных наук Мавераннахра и Хорасана // Общественные науки в Узбекистане, 1993. - №1. – С.56-60.

2. О Белянской рукописи сочинения ал-Фергани «Элементы астрономии» // Общественные науки в Узбекистане, 1998. - №12. – С.67-69.

3. Ахмад ал-Фергани – знаток астрономии Востока // Ал-Хайят. – Лондон, 1998. - №12868 (на араб.яз.).

4. Малоизученный трактат Беруни // Общественные науки в Узбекистане, 1999. - №4. – С.74-76.

5. Среднеазиатские ученые в Багдаде (IX-XI вв.) // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 1999. - №4. – С.33-39.

6. Из городов Мавераннахра: Фергана // Ал-Файсал, Ар-Рийад (Саудовская Аравия), 2000. - №284. – С.73-77.

7. Хариф ал-Маъмун и «Байт ал-Хикма» // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2000. - №2. –С.37-40.

8. Когда был создан «Байт ал-Хикма» // Шарк Машъали. – Тошкент, 2000. №1-2. – С.63-68.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АБДУАЗИЗОВА НАЗИРА АБДУМАЖИДОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Н.А.Абдуазизова 1944 йил 21 сентябрда Тошкент шахрида туғилган. Миллати ўзбек.

Давлат мукофотлари: 2006 йил - Ўзбекистон Республикаси мустакиллигига 15 йил эсдалик нишони;

2006 йил - Журналист кадрларни тайёрлашдаги фаолияти учун ЮНЕСКОнинг "Олтин қалам" мукофотини олган;

2008 йил - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси;

2011 йил - Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил эсдалик нишони билан тақдирланган. 4 нафар шогирд тайёрлаган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳузурида ташкил этилган журналистнинг касб этикаси, ахлоқ-одоби кенгаши раиси.

«Узбекистон журналистикаси кайта қурилишлар даврида (20-йиллар охири - 30-йиллар)» мавзусида номзодлик, «Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналлар ва уларнинг тарихий-тадрижий таснифи масалалари (XIX аср охири - XX аср)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

15 та монография, 150 та мақола, 3 та ўқув, ўқув-услубий дастурлар муаллифи. Шу жумладан:

1. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). -Т.: Академия, 2000. 238-бет.

2. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. -Т.: Академия, 2002. -192-бет.

3. Матбуот ва сўз эркинлиги – олий қадрият. -Т.: Akademiya, 2006. - 136 бет.

4. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи (Янгиланиш ва равнақ топиш жараёнлари). -Т.: Akademiya, 2007. - 400 бет.

5. Тафаккур шажараси.Ноширлик тарихидан лавҳалар. -Т.: Akademiya, 2008. 160-бет.


www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Миллий журналистика тарихи. (Генезис ва эволюция). I жилд. -Т.: Шарк, 2008. - 25,12 б.т.

7. Миллий журналистика тарихи. (Миллий истиқлол даври). II жилд. -Т.: Шарк, 2008. 25 б.т.

8. Матбуот зиёси. (Фарғона вилояти матбуотига чизгилар). –Т.: Akademiya, 2009. 65-бет.

9. Тошкент матбуоти. –Т.: Akademiya, 2010. -11,6 б.т.

10. Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш: генезис ва амалиёт. –Т.: Akademiya, 2011. - 8,12 б.т.

Бир қатор Халқаро ва Республика илмий анжуманлари иштирокчиси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АГЗАМОВА ГУЛЧЕҲРА АЗИЗОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Г.А.Агзамова 1959 йил 4 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1982 йилда Ўзбекистон Миллий университети (ТошДУ) тарих факультетининг кечки бўлимини тугатган.

Олий ўкув юртида ўкиш билан биргаликда Ўзбекистон Фанлар Академияси Иктисод институтида 1978 йилдан дастлаб лаборант, сўнгра катта лаборант лавозимларида ишлаган. 1983 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида ишлаб келмокда. 2001 йилдан бери институтнинг “Ўрта асрлар бўлими”да етакчи илмий ходим лавозимида фаолият юритмокда. У томонидан 1990 йилда «XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг савдо марказлари ва уларни Россия билан боғлаган карвон йўллари» мавзусида номзодлик ва 2000 йилда «XVI–XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилинган. Унга 2012 йилда профессор илмий унвони берилган.

Асосий илмий изланишлари XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда кечган тарихий жараёнлар ва ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, улар тараққиётининг умумий ва ўзига хос томонлари, иқтисодий ҳаёт ва уларда шаҳарларнинг тутган ўрни, ҳунармандчилик, савдо, бозорлар, карвонсаройлар, шаҳар жамиятининг турли ижтимоий қатламлари, Ўрта Осиёни хорижий мамлакатлар билан боғлаган карвон йўллари каби масалаларни янгича ёндашувлар асосида ўрганишга қаратилган. У ўз тадкикотлари давомида Ўрта Осиё хонликларини хорижий мамлакатлар билан боғлаган карвон йўллари йўналишларида юз берган ўзгаришларни аниқлаб беришга муваффақ бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларининг XVI–XIX асрнинг биринчи ярмидаги ҳолати ва улар тараққиётига хос умумий ва ўзига хос хусусиятлар, шаҳар ҳаётининг муҳим йўналишлари ва жиҳатлари турли манбалар маълумотларини атрофлича ўрганиш асосида кўрсатиб берган.

Г.А.Агзамова мустакиллик йиллари давомида бир неча илмий лойиҳаларда фаол иштирок этди. Улар жумласига “Ўзбек


www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатчилиги тарихи", "Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи (энг қадимдан ҳозиргача)", "Хоразм давлатчилиги тарихи", "XV–XIX асрнинг биринчи ярмида халқаро алоқалар тизимида Ўзбекистоннинг тутган ўрни", "X–XIX асрлар Ўрта Осиё тарихини ўрганишда "Сафарномалар"нинг ўрни", "Ўзбекистонда тадбиркорлик тарихи (энг қадимдан ҳозиргача)" киритиш мумкин. Ҳозирда у "Ўзбекистон шаҳарлари тарихи" ҳамда "Ўзбекистон давлатчилиги тизимида дипломатик институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши" каби фундаментал ва амалий лойиҳаларда самарали иштирок этиб келмоқда.

Г.А.Агзамованинг тадқиқотлари натижасида эришилган натижалар ва илмий хулосалар унинг 130 дан ортиқ илмий ишларида ўз аксини топган. Нашр этилган ишларининг айримлари Москва, Санкт-Петербург, Уфа, *Тбилиси, Деҳли, Анкара, Сеул, Бишкек,* Алмати, Ашхабад каби шаҳарларда чоп этилган. Йирик жамоавий монографиялар ҳамда юбилей альбомлари тайёрлашда иштирок этган. Хусусан, у ўзбек давлатчилиги тарихининг турли масалаларини қамраб олган "Темур ва Улуғбек даври тарихи", "Амир Темур", "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари", "Очерки по истории государственности Узбекистана" жамоавий монографияларнинг, шунингдек, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари тарихий юбилейларига бағишлаб чиқарилган альбомларнинг муаллифларидан бири.

Унинг раҳбарлиги остида 7 нафар фан номзоди тайёрланди. Ҳозирда яна 4 тадқиқотчининг докторлик ишларига илмий раҳбарлик қилмоқда.

Г.А.Агзамованинг педагогик иш фаолияти қарийиб 10 йилни ташкил этади. 2000 йилдан бери у Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институнинг Бирлашган кафедраси аъзоси сифатида Тошкент давлат педагогика университети, ЎзМУ қошидаги тарих факультетларининг "Ўзбекистон тарихи" кафедраларида магистрлар учун ўрта асрлар тарихи бўйича махсус курслардан таълим берди. Шунингдек, у Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Тошкент *Ислом* университетида бакалавр ва магистратура тизимида маърузалар ўқиган.

Республика ва хорижда ўтказилган кўплаб илмий анжуманлар иштирокчиси.

Эълон қилинган илмий ишлари орасида энг диққатга сазоворлари:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Сўнгги Ўрта Осиё шаҳарлари – ҳунармандчилик ва савдо марказлари. Рисола. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 62 б.;

2. Ўзбекистон тарихи: Умумтаълим мактабларининг 7 - синфи учун синов дарслиги. Т.: Ўқитувчи, 1994. 145-170-б.

3. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т.: Шарқ, 2001. –104-128 б. (ҳаммуаллифликда);

4. Очерки по истории государственности Узбекистана. –Т.: Шарқ, 2001. С.96-120 (в соавторстве);

5. Савдо йўллари // Темур ва Улуғбек даври тарихи. –Т., 1996. 154-164 б.;

6. Торговые пути // Амир Темур. Жизнь и общественно-политическая деятельность. Т.:Университет, 1999. С. 126-141;

7. Волжско-Каспийский путь в XVI–первой половине XIX в. // Тюркологический сборник, 2002. Россия и тюркский мир. –М.: Восточная литература, 2003. –С.139-154;

8. Пути разрешения проблем в изучении истории среднеазиатских ханств в XVIII – первой половине XIX века. // К новым стандартам в развитии общественных наук в Центральной Азии. Материалы международной научной конференции. Алматы , 2006. С.144-152;

9. Самарқанд XVI–XIX асрнинг биринчи ярмида. Самарқанд – 2750. Альбом. Тошкент, 2007. –136-142 б.

10. Some problems of the history of Uzbekistans caravan-sarays (16-first half of the 19-th centuries) // Cities, Roads and Caravan sarais An Emblem of Linkages Throug the Ages (India, West and Central Asia). 8-12 January, 2008. –P.50-53;

11. Среднеазиатские ханства и Россия: к истории караванной торговли (XVI – первая половина XIX вв.) // Россия-Узбекистан: История и современность. Спецвыпуск. –Москва, Январь, 2008. – С. 13-25;

12. К вопросу о предпринимательской деятельности населения среднеазиатских ханств (XVI – середина XIX вв.) // Россия и Узбекистан: история и современность (ч. VIII). Тема номера: История среднеазиатского предпринимательства. Журнал «ЕвроАзия», февраль, 2010. № 1. –Москва. –С.55-66.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АГЗАМХОДЖАЕВ САИДАКБАР САИДОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор С.С.Агзамходжаев 1953 йил 2 майда Андижон шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1977 йилда Тошкент давлат университети Шарқ факультетининг араб бўлимини тугатган.

Олим 1977–1989 йилларда у ЎзФА Тарих институтида илмий ходим лавозимида ишлаган. 1974–1976 ва 1980–1983 йиллар давомида икки маротаба Ироқ Республикасида араб тилидан таржимон сифатида хизмат сафарида бўлган.

У 1988 йил “Узбекистан в сотрудничестве СССР с развивающимися странами Азии и Африки в области здравоохранения (1961–1985 гг.)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1989–1993 йилларда Москва ва Тошкентда докторантурани ўтади.

1993–1994 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг тарих факультетида, 1994–1997 йилларда эса ЎзР ФА Тарих институтида катта илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатди.

1996 йилда "Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917–1918 гг.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 2002 йилда профессор илмий унвонини олган.

С.С.Агзамходжаев 1997–1999 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг "Тарих, фалсафа ва маданиятшунослик" кафедраси доценти ва "Жаҳон ижтимоий-сиёсий тарихи" кафедраси мудири бўлиб ишлаган.

1999–2008 йилларда Тошкент Ислом университети "Ислом тарихи ва фалсафаси" факультети декани, Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор, "Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" ҳамда “Диншунослик” кафедралари мудири, 2008 йилдан то ҳозирги вақтгача Тошкент Ислом университетида “Тарих” кафедраси мудири лавозимида ишламоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2006 йилда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган.

Унинг раҳбарлигида 2 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Ҳозирги вақтда 8 нафар тадқиқотчига раҳбарлик қилмоқда. С.С.Агзамходжаев бир қатор халқаро конференция ва семинарларда мунтазам равишда қатнашиб, тарих ва исломшунослик бўйича олиб борган илмий изланишлари юзасидан 3 та монография, 10 та ўқув-услубий дастур ва қўлланма, 40 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолаларни нашрдан чиқарди.


1. Social and Political Views of the Leader of Jadid Movement in Turkistan.// Languages, Spiritual Culture, and History of the Turks: Tradition and the Present, Kazan, 1992.

2. Reforming movement in Central Asia in the beginning of XX century: new interpretation and reevaluation. // Central Asia: a Decade of reforms, Centuries of Memories. Venice, 1998.

3. Social-political processes and Islam in Uzbekistan in the first half of the 20[th] Century. // Central Asia: Past-Present-Future. – Wien, 2000.

4. The formation of the basis of parliamentarism in Turkistan.// Central Asia in Transition: models, disruption, centrality. – Bordeaux, 2002.

5. Teaching Islam in Uzbekistan. // Islam, Civilization, and Learning in the Eurasian Region". – Kazan, 2005.

6. Islamic reforming movement in Central Asia.// Islamic Learning in Central Asia". – Bishkek, 2006.

7. Политизация джадидского движения и выработка им программных проектов будущего устройства Туркестана:1905-1917гг.// Ислам в современном мире: внутригосударственный и международно-политический аспекты. Нижний Новгород, 2009.

8. Туркестанский комитет Временного Правительства. // Звезда Востока. - Ташкент, 1992. - № 2. - С. 135-148.

9. Из истории движения за автономию Туркестана. // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1996. - № 1-2-3. - С.40-48.

10. История джадидского возрождения в Туркестане в начале XX веке (на персидском языке). Central Asia and The Caucasus Review, 1997. - № 20. - С.29-41.




www.ziyouz.com kutubxonasi

## АЛИМОВ ИБРОҲИМ АБДУҒАФФАРОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор И.А.Алимов 1935 йил 5 апрель куни Андижон шаҳрида, хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 1953–1958 йилларда Москва давлат архив институтида таҳсил олган.

1958–1959 *йиллари собиқ Ўзбекистон ССР Марказий* давлат архивининг катта илмий ходими, 1954–1964 йилларда Ўзбекистон ССР министрлар совети хузуридаги Архив бошқармаси ҳужжатларидан фойдаланиш ва эълон қилиш бўлимининг мудири, 1965–1973 йиллари эса Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивининг директори лавозимида ишлади. 1966 йилда "Тошкент вилоятида ер-сув ислоҳоти (1925–1926 й.й.)" мавзусида номзодлик, 1980 йили ЎзССР ФА Тарих институтида "Хоразм ва Бухоро халк совет республикаларида аграр ислоҳотларнинг тарихий тажрибаси (1920–1924 й.й.)" мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

1986–1989 йиллари Андижон давлат педагогика институтида кафедра мудири, 1989–1996 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида "Ўзбекистоннинг 1940–1980 йиллар давридаги тарихи" бўлимининг мудири лавозимида, 1996–2001 йиллари эса Андижон давлат университетининг "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири лавозимида, 2001–2008 йилларда шу кафедрада профессор бўлиб ишлади. 2008 йилдан ҳозиргача Андижон давлат университети "Умумий тарих" кафедраси профессори сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда профессор И.А.Алимов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги К.067.02.12 рақамли Ўзбекистон тарихи бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатмоқда.

Устознинг раҳбарлигида саккизта докторлик ва ўндан ортиқ номзодлик диссертациялари тайёрланди.

Профессор И.А.Алимов илмий тадқиқотларининг бош йўналиши Ўзбекистон, БХСР ва ХХСР даги аграр ислоҳотлар тарихини ўрганишдан иборатдир.Тарихчи, архившунос ва архив ишларининг билимдони бўлган И.Алимовнинг илмий



www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқотлари архив манбалари, маҳаллий, республика ва собиқ иттифоқ давлатлари ҳамда партия архивлари материалларини чуқур ва кенг кўламда ўрганишга асосланади.

И.А.Алимовнинг эълон қилинган асарлари библиографияси 250 дан ортиқ номда бўлиб, қуйидагилар шулар жумласидандир:

1.Архившунослик.Ўқув қўлланма. –Андижон, 2005. – 6,0 б.т.

2.Архивоведение.Учебное пособие. –Андижан, 2005. – 6,0 п.л.

3. Андижондаги жоме мадрасасини ким қурган? // Андижон ёшлари. – № 13 – 15 (144). – 30 август 2008 йил.

4. Андижон мадраса ва мактаблари тарихидан. – Тошкент: "VEKTOR – PRESS", 2009. – 23 б. (Б.Тўхтабоев, Э.Эркаев билан ҳамкорликда).

5. Фарғона водийси жадидлари тарихидан. // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзуидаги республика илмий анжумани материаллари. –Фарғона: ФарДУ, 2009. Б. 217-221.

6. Ўзбекистонда вакф мулкларининг тугатилиши тарихи (1917 – 1929 йиллар). – Т.: Фан, 2009. – Б. 222.

7. Бухоро Республикасидаги вақф мулклари тарихидан.// Илмий хабарнома. З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети. – № 2. –Андижон, 2009. –Б. 57 – 61.

8. Қўқон хонлиги: Қўқон мулкининг мадрасалари тарихидан.// Илмий хабарнома. З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети. – № 4. –Андижон, 2010. – Б. 53 – 58.

9. Хоразм республикасида вакф соҳасидаги ўзгаришлар. // Илмий хабарнома. З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети. № 1. –Андижон, 2010. –Б.53-58.

10. Андижоннинг қадимги тарихий масжид ва мадрасалари. // Келажак, 2011 йил 14 май. 9 (305) сон.

И.А.Алимовнинг тарих фанини ривожлантиришдаги хизматлари, унинг педагогик ва ижтимоий фаолияти муносиб тақдирланди. Иброҳим Абдуғаффарович "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонларига сазовор бўлди, "Шавкатли меҳнати учун" медали билан тақдирланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АЛИМОВА ДИЛОРОМ АГЗАМОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Д.А.Алимова 1948 йил 25 майда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1971 йилда ТошДУ (ЎзМУ)нинг тарих факультетини тамомлаган.

Олима 1971 йили ўқишни битиргач, ўз илмий фаолиятини ЎзР ФА Тарих институтида бошлади. 1971–1986 йиллар давомида илмий изланишларини институт аспиранти, кичик илмий ходими, катта илмий ходими сифатида давом эттирди. Д.Алимова 1987–1988 йилларда Россия Фанлар академияси Тарих институти стажёр-тадқиқотчиси, 1988–1990 йилларда ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, 1990–1992 йилларда докторанти, етакчи илмий ходими, 1992–1995 йилларда илмий гуруҳ раҳбари бўлган, 1995–1998 йилларда Тарихшунослик бўлими мудири, 1998–2000 йилларда директор ўринбосари ва 2000–2010 йилларда институт директори лавозимларида ишлади. 2011 йилдан мазкур институтда «Тарихшунослик ва манбашунослик» бўлимини бошқариб келмоқда.

Д.Алимова 1980 йилда «Ўзбекистонда хотин-қизлар муаммосининг ҳал қилиниши тарихшунослиги (1917–1941 йй.)» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1991 йилда «Хотин-қизлар масаласи Ўрта Осиё совет тарихшунослигида (20–80-йиллар.)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2001 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлди.

Д.Алимова мамлакатимизда етук тарихчи кадрларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 10 та докторлик ва 18 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бугунги кунда Д.Алимова илмий раҳбарлиги остида 6 та докторлик ва 20 дан ортиқ номзодлик диссертациялари устида тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Д.Алимова ЎзР ФА Тарих институти қошидаги тарих фани бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш аъзоси (1998–2010 йилларда раиси); ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти


www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳузуридаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш аъзоси.

Д.Алимова Тарих фани бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши раиси. Шунингдек, Академик Яҳё Ғуломов номидаги "Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи" Республика илмий семинари раиси, "Ўзбекистон тарихи" илмий журналининг бош муҳаррири, республикамизда ва бошқа бир қатор мамлакатларда чоп этилаётган қатор илмий нашрлар ҳайъати аъзоси ҳамдир.

Д.Алимова Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Қарши, Тошкент шаҳарларининг юбилейи, буюк тарихий шахслар Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби алломаларнинг таваллудларига бағишланган илмий анжуманларни ўтказишда ташкилий қўмита аъзоси сифатида фаол иштирок этди. Шунингдек, олима Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган бир қатор республика, халқаро анжуманлар ташаббускори ва ташкилотчиси ҳисобланади.

Д.Алимова мамлакатда музейшунослик соҳаси ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, Республикадаги бир қатор музейларда экспозициялар яратишда фаол иштирок этган.

Профессор Д.А.Алимованинг илмий, жамоатчилик фаолияти муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон маорифи аълочиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени (2003) нишондори.

Д.Алимова Республика Хотин-қизлар қўмитаси аъзоси, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш бўйича Республика комиссияси аъзоси сифатида жамоатчилик ишларини олиб борган.

Д.Алимова ЮНЕСКОнинг 6 жилдлик Марказий Осиё цивилизацияси тарихини тайёрлаш бўйича қўмитасининг аъзоси ва вице-президенти сифатида фаолият кўрсатган, Марказий Осиёни ўрганиш Европа жамиятининг аъзоси.

Д.А.Алимова халқаро миқёсда эътироф этилган олима бўлиб, Ўзбекистон тарихи фанининг янги ютуқларини халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилиш орқали жаҳон илмий жамоатчилигига тақдим этиб келмоқда. Олима АҚШ, Англия, Австрия, Германия, Голландия, Франция, Япония, Корея, Туркия, Ҳиндистон, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистонда ўтказилган 40 дан ортиқ халқаро илмий анжуман ва семинарлар иштирокчиси. Д.А.Алимова 300 дан ортиқ нашрлар муаллифи, жумладан:


www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Международный конгресс историков. – Турция: Анкара, 1994.

2. Международная конференция по женскому вопросу. – Турция: Анкара, 2006.

3. Международная конференция по центральноазиатским исследованиям. - Вена, Австрия, 2000.

4. Womans position in Uzbekistan befor and after independs // Denjer and indentiti constraction women of Sentral Asia the Kankasus ancl Turkey. Brill London - Boston - Koln 2000. P. 293-304.

5. Международная конференция по центральноазиатским исследованиям. Бордо, Франция, Август, 2002.

6. Genetic basis of the intelectual and social protest and merge of philosophical ideas of the west and the east in views of jadids // Culture in Mind, Mind in Culture. Uzbekistan - Korea International Symposium. – Tashkent, 2004. April 17. P. 32-38.

7. Генетическая основа интеллектуального протеста и слияния философских идей Запада и Востока в воззрениях джадидов // Международный конгресс востоковедов. Icanas. XXXVII. Т. 1, август, 2004 год, Москва. С.260-262.

8. Туркестанские прогрессисты и младотурецкое движение: идейная общность и национальные особенности.// Международная научная конференция «Взаимоотношение Турция-Центральная Азия в контексте расширяющейся Европы». - Алма-Аты, 2005.

9. Историческая память как ресурс для духовной общности народов и государств Центральной Азии // Культурное наследие – источник изучения истории, культурного и духовного возрождения мира. Материалы международной научной конференции 14-15 марта 2008 г. – Ашгабат, 2008. С. 363-364.

10. Tashkent on the Crossroad of the Great Silk Road // Cities Roads ad Caravan an emblem of linkages through the ages (India, West and Central Asia). International seminar and exhibition. – New Delhi, 2008. – Pp. 82-83.

11. Evolution of Tashkent in the context of modern culture // Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни. Халқаро анжуман. – Париж, ЮНЕСКО Бош қароргоҳи, 2009. 9 апрель.

12. Средняя Азия – Закавказье – Рим: о назначении водного пути по Аму-дарье через Каспийское море в Закавказье// Материалы международной конференции "Дорога Страбона как



www.ziyouz.com kutubxonasi

часть Великого шелкого пути", Баку, 28-29 ноября 2008 г. – Самарканд – Ташкент, 2009. - С. 9-14.

13. Central Asian Jadidizm and Egyptian Islamic Reformizm: Some Comparative Remarks.(Touraj Atabaki. Modernity and its Agenciec Young Movements the History of the South) – Manihar: Sepis, 2010. – Pp.77-86.

14. Distictive Features of National Education Evolved in Turkestan // Journal of International Culture. 2010.8.Vol.3-2. Chosun University- Gwangju, Korea. P. 27-59.

15. Cultural Heritage of the Silk Rote and Uzbekistan // Silk Route and Eurasia. Peace and cooperation. Edited by Aijaz A Bandey. Centre of Central Asian Studies University of Kashmir Srinagar. 2011. Pp. 67-76.

16. Особая миссия Ташкента: историческая ретроспектива // Международная научно-теоретическая конференция "Роль Ташкента в истории научных и культурных связей Узбекистана". - Ташкент, 5 апреля 2011 г.

17. Национальная элита Туркестана: феномен трансформационных процессов начала 20 века// 2011 ICAS International Academic Conference "Socio-cultural changes and elites in Central Asia". 2011. Pp. 3-9.

18. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы /20-80 е гг./ Ташкент: Фан. 1991.

19. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. Тошкент: Академия, 1999. 52 б.

20. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари (Алимова Д. Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадидларнинг давлатчиликка оид қарашлари. 149-171 б.) (Масъул муҳаррирлар: Д.Алимова, Э.Ртвеладзе.) Тошкент: Шарқ, 2001. 224 б.

21. Ўзбекистон тарихи. Ўрта мактаблар учун дарслик. 10 синф. -Тошкент, 2004. (ҳаммуаллифликда).

22. Основы философии (книга) / Раздел II, глава 3, § 5. - Ташкент, 2004. С.142- 149.

23. История как история, история как наука: История и историческое сознание. –Т.: Узбекистан, 2008. -Т. 1. -280 с.

24. История как история, история как наука: Феномен джадидизма. –Т.: Узбекистан, 2009. - Т. 2. -170 с.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## АМИНОВА РАҲИМА ҲОДИЕВНА



Р.Ҳ.Аминова тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 16 декабрь 2001 йилда вафот этган.

1925 йил 18 ноябрда Қўқон шаҳрида туғилган. 1949 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) шарқ факультетининг хорижий шарқ мамлакатлари тарихи бўлимини тугатган. 1949–1952 йилларда Ўзбекистан ФА Тарих ва археология институти аспирантурасида ўқиб, академиклар И.К.Додонов, К.Е.Житов, И.М.Мўминов, Я.Ғ.Ғуломов каби таниқли тарихшунос олимлардан таълим олган. Олима 1953 йилда "Народное движение в ирригационном строительстве Узбекистана" деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлаган ва 1955 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА Тарих институтида турли лавозимда ишлаган.

Р.Аминова ўзининг илмий фаолиятини Ўзбекистонда аграр муносабатлар масаласини чуқур ва атрофлича ўрганишга қаратди, бу борада жуда кўп илмий изланишлар олиб борди. Натижада, бу мавзуга бағишланган 11 монография, бир неча рисола ва мақолалар юзага келди. Олима 1963 йилда "Аграрная политика Советской власти в Узбекистане" деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олима ўзининг сермаҳсул илмий фаолиятини педагогик фаолият билан қўшиб олиб борди ва кўп йиллар давомида ТошДУ қошидаги ижтимоий фанлар бўйича ўқитувчиларнинг малака ошириш институтида дарс берди.

Р.Аминова ёшларнинг ғамхўр мураббийсидир. У республикада тарихчи мутахассислар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган бўлиб, олиманинг раҳбарлигида 12 фан доктори ва 50 га яқин фан номзодларини етишиб чиққан.

Р.Аминова кўп йиллар давомида Ўзбекистон ФА Тарих институтининг номзодлик дессертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш раиси бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олима собиқ иттифоқнинг турли шаҳарларида, шунингдек, чет элларда бўлиб, бир қанча халқаро илмий анжуманларда: 1970 йилда Москвада тарих фанлари бўйича бўлиб ўтган XIII конгрессда, 1975 йилда Сан-Францискода бўлиб ўтган XIV халқаро конгрессда, 1978 йилда Швецияда, 1982 йилда Мехико шаҳрида ўтказилган жаҳон конгрессларида, 1985 йилда Германияда ўтказилган халқаро конгрессда ҳамда Куба, Эфиопия, Жазоир, Болгария, Германия каби мамлакатларда ўтказилган турли анжуманларда Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар билан қатнашиб, ўзбек тарихшунослиги ютуқларини дунёга таништирди.

Р.Аминова Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги фундаментал тадқиқот ишлари ҳамда малакали тарихшунос кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун 1966 йилда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси унвонига сазовор бўлган. 1968 йилда эса олимага Беруний номидаги Давлат мукофоти берилган. 1985 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига мушарраф бўлган.

Р.Аминованинг илмий фаолияти давомида 300 га яқин ишлари нашр этилди. Бу ишларнинг 14 таси монография, кўп миқдори рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, тақризлар шаклида эълон қилинган бўлиб, улардан бир қанчаси Москва, Киев, Олмаота, Бишкек, Душанбе шаҳарларида, айримлари эса чет элларда хорижий тилларда чоп этилгандир. Жумладан:

1. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925–1929 гг.). – Ташкент, 1969. – 468 с.

2. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929–1932 гг.). – Ташкент, 1977. – 312 с.

3. Колхозное крестьянство Узбекистана в годы войны (1941–1945 гг.). – Ташкент, 1979. – 392 с.

4. Победа колхозного строя в Узбекистане (1933–1941 гг.). – Ташкент, 1981. – 290 с.

5. Исторический опыт в сельском хозяйстве Узбекистана. – М., 1981. – 102 с. (на языке дари).

6. Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. –Ташкент, 1983. – 359 с.

7. Совхозы Узбекистана в 1961–1985 годы: опыт, проблемы, уроки. – Ташкент: Фан, 1996. – 437 с.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## АРИФХАНОВА ЗОЯ ҲАМИДУЛЛАЕВНА



Тарих фанлари доктори З. Ҳ.Арифханова 1933 йил 19 июль куни Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек.

1956 йилда Москва давлат университетининг тарих факультетини тугатган. 1964–1986 йиллардаги изланишлари Ўзбекистон ва Ўрта Осиё регионида миллий жараёнлар ва этносларaро муносабатларнинг илмий таҳлилига йўналтирилган. 1987 йилдан тарих фанининг тарихий этнография ва этнология соҳасида изланишлар олиб борди. 1987–2005 йилларда ЎзР ФА Тарих институтининг "Этнология" бўлимини бошқарди. Кейинги йилларда ўзбек халқининг этномаданий тикланиши ва ривожланиши, ўзбек маҳалласида қўшничилик жамоалари функциялари, ўзбек шаҳар оиласининг маданияти ва турмуши, Ўзбекистоннинг замонавий қишлоқларида этномаданий жараёнлар каби этнология фанининг долзарб муаммолари билан шуғулланади. Номзодлик диссертацияси мавзуси – "Роль рабочего класса в проведении сплошной коллективизации в Узбекистане" (1964 йил).

Докторлик диссертацияси мавзуси – "Торжество ленинских принципов пролетарского интернационализма в Средней Азии" (1984 йил).

Нашр этган асосий илмий ишлари:

1. Сельское население Ферганской долины. Ж. «Восток». Берлин. 1999.
2. Современная жизнь традиционной махалли в г. Ташкенте. –Т., 2000.
3. Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. –Т., 2002. (ҳаммуаллифликда).
4. Современные этнокультурные процессы в махаллях Ташкента. –Т., 2005. (ҳаммуаллифликда).
5. Постсоветские трансформации обрядово - ритуальной жизни узбеков Ташкента. –Т., 2006. (ҳаммуаллифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Этнокультурные процессы в современном полиэтническом городе (на материалах Ташкента). –Т., 2011. – 163с. (ҳаммуаллифликда).

7. Этнокультурные процессы в полиэтническом мегаполисе (на примере Ташкента) // Этнопанорама. – Оренбург, 2006. –№ 1-2. (ҳаммуаллифликда).

8. Ещё раз о проблемах этнологии в Узбекистане (в дополнение к дискуссии) 2006 г. // ЭО. –№ 3. (ҳаммуаллифликда).

9. Семейная обрядность узбеков Ташкента на рубеже двух тысячелетий//Среднеазиатский этнографический сборник. Вып V. – М., 2006.

10. Возрождение религиозности как важнейщего компонента духовности населения Ташкента (1991–2006 гг.) // Ozbekiston tarixi. – Тошкент, 2007. - № 2.

11. Постсоветские трансформации обрядово-ритуальной жизни узбеков Ташкента // Journal of Central Asian stadies. Srinajar. India. 2007. Vol. 1.

•



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АСҚАРОВ АҲМАДАЛИ АСҚАРОВИЧ



Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А.А.Асқаров 1935 йил 25 сентябрда Наманган вилояти Норин туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек.

1957 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим жамоатчилик асосида Ўзбек миллий "Кураш" ассоциациясининг раиси. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати (1985 йил). 1992 йили "Мустакиллик» эсдалик нишони билан такдирлаган. 1993 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 50 йиллик нишони билан, 2003 йил Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 60 йиллик нишони билан, 1995 йилда Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги медаль билан тақдирланган. 1995 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонини олишга сазовор бўлган.

Академик А.Асқаров 21 нафар шогирд тайёрлаган. Улардан 16 нафари фан номзодлари ва 5 нафари фан доктори.

Бронза ва илк темир даври қадимги деҳқончилик ва чорвачилик маданиятлари, Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарсозлик маданияти ва ўзбек халқи давлатчилигининг илк босқичлари, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи каби масалалар олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

А.Асқаров биринчи ўзбек археологи академик Я.Ғ.Ғуломов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси. "Бронза даврида қуйи Зарафшон маданияти" мавзусида номзодлик диссертациясини, «Жанубий Ўзбекистон бронза даврида (қадимги Шарқ тамаддунининг маҳаллий ўчоғини ташкил топиш муаммосига доир)» мавзусида докторлик диссертацияни ҳимоя қилган.

Академик А.Асқаровнинг илмий ва илмий-услубий ишлари 450 дан ортиқ. Уларнинг 16 таси монография. Умум ишларнинг 50 дан ортиғи хорижий мамлакатларда (инглиз, француз, немис, япон, форс ва хитой тилларида), 200 га яқин ишлар рус тилида чоп этилган. 1 та ўқув қўлланмаси, 8 та ўқув-услубий ишлари ва 175 та



www.ziyouz.com kutubxonasi

илмий ва илмий-оммабоп мақолалари ўзбек тилида чоп этилган. Жумладан:

1. Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида суғориладиган деҳқончиликнинг вужудга келиши (Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана). –Тошкент: Фан, 1966. (ҳаммуаллифликда).

2. Сапаллитепа. – Тошкент: Фан, 1973.

3. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.

4. Поселение Кучуктепа. –Т.: Фан, 1979. (Ҳаммуаллифликда).

5. Джаркутан. –Ташкент: Фан, 1983. (Ҳаммуаллифликда).

6. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. –Самарканд: Фан, 1993. (Ҳаммуаллифликда).

7. Southern Uzbekistan in the Second Millennium B. C. “The Bronze Age Civilization of Central Asia”. New York. 1981. p. 256–272.

8. Kuchuk-Tepe. “Beitrage zur allgemeinen und vergleichenden archaologie”. Berlin. 1982. p. 1–22.

9. The beginning of the Iron Age in Transoxania. “History of Civilizations of Central Asia”. Vol.1. UNESCO. – Paris. 1992. p. 441–458. 19-ая

10. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. “Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Тошкент: Фан, 2005. - 69–80 бетлар.

11. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет, 2007.

12. К вопросу о взаимоотношении населения степей Евразии и Средней Азии в эпоху бронзы. // Тюркская цивилизация и суверенный Казахстан. Том-1. – Астана, 2001. - С. 104–117.

Академик А.Асқаров кўп йиллик илмий фаолияти давомида (1966-2003 йиллар оралиғида) 80 дан ортиқ халқаро илмий анжуманларда (Берлин, Париж, Нью-Йорк, Кёльн, Рим, Техрон, Исфахон, Анқара, Истанбул, Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Душанбе, Алма-Ати, Бишкек, Ашхабад, Киев, Тбилиси, Баку, Рига, Минск, Уфа, Ереван ва бошқалар) ва 100 дан ортиқ Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда ўзбек халқи тарихи ва маданиятини ўрганишга бағишланган илмий маърузалари билан иштирок этган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## АТАХОДЖАЕВ АЗИМХЎЖА МУЗАФАРОВИЧ



Тарих фанлари доктори А.М.Атаходжаев 1962 йил 14 сентябрида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1975 йилда Тошкент давлат маданият институтини тугатган.

Илк ўрта асрлар даври тарихи – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади. Илмий мактаби: суғдшунослик.

1999 йилда «Суғд тилида олмош туркуми» мавзусидаги номзодлик, 2011 йилда «Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларда турк-суғд муносабатлари» мавзусидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Ҳозирда ЎзР ФА Тарих институти "Ўрта асрлар даври тарихи" бўлими бошлиғи.

Илмий ва ўқув-услубий ишларнинг умумий сони 90 та. Жумладан:

1. Суғд маҳаллий-маъмурий бошқаруви тизимида туркийлар (Муғ архиви ҳужжатлари асосида) // Ozbekiston tarixi, 2004. - № 1. – Б. 40–51.

2. Ғарбий Суғднинг суғориш тармоқлари билан боғлиқ атамалар хусусида // Ozbekiston tarixi, 2005. - № 3. – Б. 3–12.

3. Суғд ва суғдликлар (тарихий географик ва этник номлашга оид айрим мулоҳазалар) // Ozbekiston tarixi, 2006. - № 1. – Б. 3–10.

4. Суғд ва араб тамаддунларининг ўзаро таъсири ҳамда яқинлашуви // ЎзР ВМ ҳузуридаги Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2007. - № 4. – Б. 55–58.

5. Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносбатларда Суғд ва Чоч // Ozbekiston tarixi, 2009. - № 1. – Б. 15–24.

6. Согдийцы и народы Центральной Азии в ранее средневековье // The Review of Central Asian Studies. Vol. 2 (November, 30, 2009). Institute of Central Asian Studies, Kangnam University, Korea. – P. 37–51 (Abstract. –P. 50–51).

7. Место Согда и согдийцев в региональной торговле // Евроазия. История среднеазиатского предпринимательства: Россия



www.ziyouz.com kutubxonasi

– Узбекистан: история и современность. Часть VIII, 2010. – С. 18–26.

8. Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент: Art flex, 2010. – 219 б.

9. Абу Али ибн Сино. – Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT, 2011. – 32 бет.

10. Абу Райҳон Беруний. – Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT, 2011. – 32 бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АХАДОВ ШАКАР АХАДОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Ш.А.Ахадов 1937 йили Самарканд вилояти, Пайариқ туманида таваллуд топган. Миллати узбек. 1975 йили Самарқанд давлат университетининг Тарих факультетини тугатган.

Олим «Олий таълим аълочиси» унвони ва кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 ва 20 йиллиги кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Туркистонда ижтимоий-сиёсий тафаккур ва унинг ўзбек миллий давлатчилигини мустаҳкамлашдаги роли – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

«Деятельность Компартии Узбекистана по развитию потребительской кооперации в республике (1925–1932 гг.)» мавзусида номзодлик, «Становление и развитие потребительской кооперации в республиках Средней Азии (1917–1937 гг.) мавзусида докторлик диссертацияларни ҳимоя қилган. 280 дан зиёд илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Деятельность Компартии Узбекистана по развитию потребительской кооперации. – Минск: Наука, 1997.

2. Потребительская кооперация республик Средней Азии в 20–30 гг. – Ташкент: Наука, 1991.

3. Темурийлар маданияти (дастлабки манбалар ва янги тадқиқотлар асосида. – Тошкент: Фан, 1998.

4. Аждодлар шажараси. Ўзбекистон халқлари тарихи. – Самарқанд, 2006.

5. Амир Темур ва Темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. – Самарқанд, 2004.

6. Диний экстремизм ва терроризм ҳаракатларининг салбий оқибатлари ва унга қарши курашнинг тарихий сабоқлари. - Самарқанд, 2010.

7. Олимнинг ҳаёт йўли. Акад.Т.Ширинқулов ҳақида. Библиографик тарихий очерк. – Самарқанд, 2007.

8. СамДАҚИнинг 40 йиллик тарихи (1996–2006 й.й.). – Самарқанд, 2006.



www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Илмий маънавиятимизнинг буюк даҳолари. - Самарқанд. 2010.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АҲМАДЖОНОВ ҒУЛОМЖОН АХМЕДЖАНОВИЧ



Ғ.А.Аҳмаджонов 1928 йил 18 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1951 йилда Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи ихтисослиги бўйича тугатган.

1952–1955 йиллар Тошкент давлат университетининг шарқ факультети аспирантурасида таҳсил кўрди.

Ғ.Аҳмаджонов 1955 йили "Гератский плацдарм в планах британской агрессии на Среднем Востоке и в Средней Азии (30–60 годы XIX в.)" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ғ.Аҳмаджонов 1956–1959 йилларда ТошДУнинг шарқ ва тарих факультетларида – умумий тарих кафедрасида, кейин хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасида ишлаб, хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, янги ва энг янги тарих каби фанлардан ҳамда XIX асрда Ҳирот масаласи бўйича махсус курслардан маърузалар ўқиди.

1963 йилда "Советская историография завоевания Туркестана и установление господства России в Средней Азии" деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим 1991 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасига мудир этиб тайинланди. 1992 йилда унга профессорлик унвони берилди. Ҳозирги кунда Ғ.Аҳмаджонов мазкур кафедранинг профессори сифатида хизмат қилмоқда. Унинг асосий илмий ишлари:

1. Чернышевский и Добролюбов об Индии. Отд. общ. наук АН Узбекистан. - Ташкент, 1958.
2. Мухаммад Али. Афганистан (совместно с А.Ганиевым). - «Звезда Востока». - Ташкент, 1958. - №4.
3. Улуғ рус революцион демократлари ва ҳинд миллий-озодлик ҳаракати // Шарқ юлдузи, 1958. - № 6.
4. Обобщающий труд по новой истории Туркменистана (совместно с А.Ильясовым) // Коммунист Туркменистана, 1958.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5. К русско-афганским отношениям на рубеже XIX–XX вв. «Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVIII – XIX в.». - Ташкент, 1963.

6. Гератский вопрос в XIX в. – Ташкент: Фан, 1971.

7. Советская историография присоединения Средней Азии к России. – Ташкент: Фан, 1989.

8. Программа «Социально-политическая история Узбекистана на рубеже XIX–XX вв.» (в соавторстве с проф. Т.Жураевым). - Ташкент, 1992.

9. Завоевание Туркестана и установление господства России в Средней Азии // Маяк Востока, 1992.- №2.

10. Туркистоннинг босиб олиниши // Шарқ машъали, 1994. - № 2.

11. Российская империя в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 1995.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# АҲМЕДОВ АШРАФ



Тарих фанлари доктори А.Аҳмедов 1939 йил 29 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1963 йили Тошкент Давлат университетини тамомлаган.

Ҳозирги кунда ЎзР ФА Беруний номидаги шарқшунослик институти етакчи илмий ходими. Фан ва техника бўйича Беруний номли Давлат мукофоти лауреати (1989), “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган (2000), I даражали Давлат мукофоти лауреати (2009).

1970 йилда “Шамсиддин Самарқандийнинг “Ашкол ат-таъсис” асарининг геометрияни асослашдаги роли” мавзусида номзодлик диссертациясини имоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1986 йили “Ал-Хоразмийнинг илмий мероси ва унинг фан ва маданият тарихидаги ўрни” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб тарих фанлари доктори илмий даражасини олган. А.Аҳмедов – шарқшунос-манбашунос, фан тарихчиси, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг араб ва форс адабиёти ёдгорликлари бўйича тадқиқотчи-таржимон ҳам ҳисобланади. 230 дан ортиқ нашр қилинган ўрта асрларда шарқ астрономияси, география, математика ва тарих фанига бағишланган асарлар муаллифидир. 6 нафар номзоди ва 1 нафар фан доктори тайёрлаган.

А.Аҳмедов фан тарихида биринчи марта Мирзо Улуғбекнинг “Зижи жадиди Гурагоний” асарини рус ва ўзбек тилларига тўла илмий изоҳлар билан таржимасини, Шарофуддин Али Яздий “Зафарнома”сини эски ўзбекча ва русча таржималарини нашр қилган. Берунийнинг “Тажхим” асарини рус ва ўзбек тилларида, “Қонуни Масъудий” асарини ҳамкорликда рус-ўзбек тилларида чоп этди, Хоразмийнинг “Астрономик рисолалари”ни рус тилида нашр қилди.

А.Аҳмедов 1995–2001 йиллар Самарқандда ЮНЕСКО ҳомийлигида таъсисланган Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг биринчи директори лавозимида хизмат қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АҲМЕДОВ БЎРИБОЙ АҲМЕДОВИЧ



Б.Аҳмедов тарихчи-шарқшунос, мантшунос ва манбашунос олим, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби.

2002 йил 16 майда вафот этган.

Олим 1924 йил 12 августда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида Қорасув қишлоғида туғилган. 1948–1953 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқ факультетида ўқиб, унинг тарих бўлимини томомлади. 1953–1957 йиллар мобайнида ўрта мактабда директор ва тарих ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1957–1960 йилларда Ленинград давлат университети қошидаги аспирантурада таҳсил олган. 1961 йилда Ленинградда "Государство кочевых узбеков при Абу-л-хайр-хане" мавзусида номзодлик диссертациясини ва 1974 йилда "Балхские ханства в XVI – перв. половине XVIII вв." деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим 1960 йилдан вафотига қадар Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий ходим, илмий котиб, бўлим бошлиғи вазифаларида хизмат қилиб келди. Темурийлар Давлат музейи директори, Амир Темур жамғармаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. У Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида тузилган Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси бўлган. Шу билан бирга, "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар", "Шарқ юлдузи", "Мулоқот", "Сирли олам", "Шарқ машъали" каби журналларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳамда "Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш" ва "Республика қадрият ва маънавият" жамиятлари бошқармаси аъзоси сифатида аҳамиятга молик ишлар олиб борган.

Илмий йўналиши: Ўзбекистон халқлари ва маданияти тарихи, Ўрта Осиё, халқлари ва ўрта асрлар адабиёти, Темур ва темурийлар даври тарихи. Кўплаб монографиялар, илмий-оммабоп китоб ва рисолалар ҳамда илмий ва маърифий мақолалар муаллифи. Шарқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлёзмаларини, Ўзбекистон халқларининг маданий меросини ўрганиш бўйича бир қанча халқаро симпозиум ва конгресслар иштирокчиси.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофати соҳиби (1989), Ўзбекистон Республикаси Фанлар акдемиясининг ҳақиқий аъзоси (1995), Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (1942–1945), «Дўстлик» (1997) ва «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари ва бир қанча медаллар билан тақдирланган.

У 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига ва 1995 йил июнь ойида ҳақиқий аъзолигига сайланган. 40 дан ортиқ фан доктори ва фан номзодларини етиштирган. Манбашуносликда ўз илмий мактабини яратган. Олим бир қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси. Кўплаб тарихий адабиётлар муаллифи. Жумладан:

1. Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан. - Тошкент, 1963.
2. Государство кочевых узбеков. - М., 1965.
3. Ҳофиз Таниш Бухорий. "Абдулланома", I – II. - Тошкент, 1966, 1969.
4. Маҳмуд ибн Вали. - Тошкент, 1977.
5. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. - Тошкент, 1977.
6. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. - Тошкент, 1981.
7. История Балха. - Ташкент, 1982.
8. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. -Ташкент, 1985.
9. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент, 1991 (қайта ишланган 2-нашр 2010 йилда).
10. Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария. - Тошкент, 1991.
11. Ўзбек улуси. – Тошкент, 1992.
12. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент, 1994.
13. Амир Темур. Тарихий биографик романи. – Тошкент, 1995.
14. Улуғбек (эссе). – Тошкент, 1989.
15. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Тошкент, 2003.

**Б.Аҳмедов ҳақида:** Аҳмедов Бори Аҳмедович – С.Д.Милибанд. Библиографический словарь. - М., 1975, с. 49; Иброҳимжон Искандаров. Халқпарвар муаррих. – "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газ., 1994 йил 23 декабрь.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АХУНДЖАНОВ ЭРКИН ОДИЛОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Ахунджанов Эркин Одилович 1946 йилида 31 октябрда, Тошкент шахрида туғилган. Миллати ўзбек. 1960 йилда Москва полиграфия институтини тамомлаган.

Туркистон (Ўрта Осиё) китобат маданияти тарихи (ёзув маданияти тарихи, китоб нашриётчилиги ва қўлёзма китоблар купайтирилиши, кутубхоначилик, библиография, китоб савдоси, қўлёзма, тошбосма ва босма китоблар репертуари тарихи) олимнинг илмий йўналиши хисобланади.

Туркистон (Ўрта Осиё) китобат маданияти тарихини ўрганиш илмий мактабини яратган. Ўзбекистон ССРда китоб нашриётчилигининг қад кўтариши ва ривожланиши (Асосий даврлари ва етакчи тамойиллари) мавзусида номзодлик, «Туркистонда китоб ва китобат иши тарихини тарихий-типологик таҳлили. Қадимият. Ўрта асрлар» мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилган.

2 фан номзоди ва бир нафар фан доктори тайёрлаган.

Халқаро илмий китобшунослик муаммолари бўйича бешинчи (1984), олтинчи (1988), еттинчи (1992), ўн иккинчи (2009) конференцияларининг иштирокчиси, «Книга в развитии культуры народов Востока: история и современность», Душанбе, 1990 й.

Халқаро конференцияси иштирокчиси, «Научное и культурное наследие человечества – третьему тысячелетию» 1997 й. Халқаро симпозиум иштирокчиси, Халқаро ПИАК тюркологик илмий конференцияси (Прага, 1999 й.) иштирокчиси, 2008 ва 2010 йилларда Тохоки Университети (Япония), халқаро шимолий-шарқий Осиё тарихини ўрганишига бағишланган илмий симпозиумлар иштирокчиси.

Бир қатор илмий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Книга и книжное дело в Узбекистане: Обзор и указатель источников и литературы по книжному делу в Узбекистане (1875–



www.ziyouz.com kutubxonasi

1977 гг.). Ответств. ред. проф. Г.Н. Чабров. – Ташкент: Узбекистан, 1978. – 67 с.

2. Здравствуй, книга. Становление, развитие и современное состояние книгоиздательского дела, полиграфии и книжной торговли в Советском Узбекистане. 1917–1982 гг. - Ташкент: Узбекистан, 1982. – 277 с.

3. Письмо и книга: Из истории письменности и рукописной книги в Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1983. - 74 с.

4. Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии: Древность. Средние века. – Ташкент: Ибн Сино, 1993. – 160 с.

5. Туркистонда ўрта аср кутубхоначилик ва библиография ишлари маданияти. – Тошкент, 1994. –59 б.

6. Письменная культура Средней Азии (Древняя и раннесредневековая история письменности и книги Средней Азии). - Ташкент: А. Кадыри, 2000. – 112 с.

7. Ватан кутубхоначилиги тарихи. Биринчи қисм. Қадимият, илк ўрта ва ўрта асрлар. Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2004. – 106 б.

8. Ватан кутубхоначилиги тарихи. Иккинчи қисм. Мустамлака Туркистон, Туркистон АССР, Ўзбекистон ССР ва мустақил Ўзбекистон Республикаси даврлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – 306 б.

9. История книги в Туркестане. Древность. Средние века. - Челябинск, 2009. – 401 с.

10. Кутубхонашунослик, архившунослик, китобшунослик: назарияси ва тарихи. Дарслик. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2011. - 520 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## АШИРОВ АДҲАМЖОН АЗИМБОЕВИЧ



Тарих фанлари доктори А.А.Аширов 1972 йил 11 ноябрда Наманган вилоятининг Косонсой туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1996 йилда Низомий номидаги ТДПУни тугатган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: "Фарғона водий аҳолиси турмуш тарзида қадимий диний эътиқод излари", докторлик диссертацияси мавзуси: "Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар (Фарғона водийси материаллари асосида)".

Тарих фанлари доктори (2009), катта илмий ходим (2011). ЎзР ФА Тарих институти Этнология бўлими бошлиғи.

2002 йил А. Аширов Республика ёш олимлари ўртасида ўтказилган йилнинг энг яхши ёш олими танловида ғолиби бўлган.

Унинг раҳбарлигида 1 та фан номзоди тайёрланган.

Ўзбек халқининг анъанавий ва замонавий этнологияси, диний эътиқодлар ва маросимлар-олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

А.Аширов Тошкент Ислом университети ва Низомий номидаги ТДПУда "Этнология", "Ўзбекистон тарихи", "Марказий Осиё халқлари дини, маданияти ва урф-одатлари" каби фанлардан талабаларга маърузалар ўқиб келмоқда.

А.А.Аширов ОАКнинг Фалсафа, тарих ва ҳуқуқ фанлари бўйича эксперт кенгаши аъзоси ва ЎзФА Тарих институти ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси ҳисобланади. Шунингдек, у Ўз ФА Ёш олимлар илмий Кенгаши раис ўринбосари, Тарих институти Ёш олимлари кенгаши раисидир.

А.А. Аширов 100 зиёд илмий ва ўқув-услубий ишларни нашр этган. Жумладан:

1. Relict of Ancient Religious Beliefs of the Residents of the Ferghana Valley. T. CAFE Center for Academic Research, 2000.- 48 p.
2. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 272 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Etnologiya (Oquv qollanma) . - Toshkent "IQTISOD-MOLIYA" nashriyoti, 2008. 174 b.( Ш.Атаджанов билан ҳаммуаллифликда).

4. Косонсой тарихи (тарихий лавҳалар). - Тошкент, 2010. (Ҳ.Ҳомидов ва М.Умаралиев билан ҳаммуаллифликда).

5. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. (Ўкув қўлланма). – Тошкент: Янги нашр, 2011. - 326 бет. (А.Дониёров ва О.Бўриев билан ҳаммуаллифликда).

6. «Авесто» ва зардуштийларнинг оила-турмуш маросимлари ҳақида // O'zbekistonda ijtimoiy fanlar, 2002. - №1. – Б. 49-54.

7. On the concept of Uzbek Etnic mentality// Central Asian Studies Vol. 8. Seoul – 2003. – P. 261-267.

8. Дуализм в традиционном образе жизни узбекского народа // Central Asian Studies Vol.9. – Seoul, 2004. – P. 148-155.

9. On tne problem of initiation and cyclical in Uzbek family ceremonies in the 20[th] century // XXth Century in the history of Central Asia. – Tashkent, 2004. – P.61-63.

10. Traces of Shamanistic Beliefs in Life Patterns of the Uzbeks in the Fergana Valley // Continuity, Symbiosis, and the Mind in Traditional Cultures of Modern Societies. Hokkaido University, Sapporo, Japan 2011. - P.107-117.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАБАХОДЖАЕВ МАРАТ АБДУСАМАТОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор М.А.Бабаходжаев 31 октябрь 1929 йилда Сурхондарё вилоятининг, Термиз шаҳрида таваллуд топган. Олим 1951 йилда Тошкент давлат университетининг шарқ факультетини тамомлаган.

2008 йил вафот этган.

М.А.Бабаходжаев 1951 йилдан 1954 йилгача Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олган. 1954–1955 йилларда Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги доимий ваколатхонасида маслаҳатчи лавозимида ишлаган. 1956 йилдан 1960 йилгача Москва шаҳрида собиқ иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институтида кичик илмий ходим, 1960–1971 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, 1971–1994 йилларда бўлим мудири, 1994–1999 йилларда етакчи илмий ходим, 1999 йилдан 2008 йилга қадар Тошкент давлат шарқшунослик институти "Марказий Осиё халқлари тарихи" кафедраси профессори лавозимларида меҳнат қилган.

М.А.Бабаходжаев 1956 йил Москва шаҳрида "Борьба афганского народа против английских захватчиков" мавзусида номзодлик диссертациясини, 1976 йилда "Основные проблемы эволюции афганского государства (конец XIX в.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.А.Бабаходжаев 100 дан ортиқ китоблар, монографиялар, илмий рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи ҳамдир. Бундан ташқари у 10 га яқин илмий тўпламларнинг масъул муҳаррири ва муаллифларидан бири.

Шунингдек, олимнинг кўплаб мақолалари ҳамда илмий асарлари рус, форс, ҳинд, афғон тилларига таржима қилинган ва чоп этилган (масалан, "Борьба Афганистана за независимость (Москва, 1960), "Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII–начале XX веков" (Кабул, 1965), "Очерки социально-экономической и политической истории



www.ziyouz.com kutubxonasi

Афганистана (конец XIX века) (Кабул, 1975), "Республика Узбекистан: очерки межнациональных и межконфессимональных отношений, внешнеэкономической связи" (Ташкент, 1996), "Суверенный Узбекистан" (вопросы внутренней и внешнеэкономической политики) (Ташкент, 2003).

М.А. Бабаходжаев ўзининг илмий мактабини яратган олим эди. Унинг раҳбарлигида 15 нафар фан номзодлари ва докторлари тайёрланган (Т.Абаева, А.Исахўжаев, О.Стародубова, Н.Жўрабоев, Р.Ражабов, А.Ғофуров ва бошқалар). Бир қатор шогирдлари чет мамлакатларнинг илмий муассасаларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Олим М.А. Бабахаджаев 2000 йилда самарали меҳнатлари учун "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонига сазовор бўлган.

Унинг нашр этган ишларидан асосийлари:

1. Борьба Афганистана за независимость. - М., 1960.
2. Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII–начале XX вв. - Ташкент, 1965.
3. Герат эпохи Алишера Навои. - Ташкент, 1968.
4. Очерки социально-экономической и политической истории Афганистана. - Ташкент, 1975.
5. Межнациональные отношения в Республике Узбекистан. - Ташкент, 1994.
6. Ўзбекистон халқлари тарихи (муаллифлардан бири). 1-ва 2-китоблар (ўзбек ва рус тилларида). - Ташкент, 1992–1994.
7. Республика Узбекистан: очерки межнациональных и межконфессиональных отношений, внешне-экономических связей. – Ташкент, 1996.
8. Суверенный Узбекистан: Очерки межнациональных и межконфессиональных отношений, внешнеэкономических связей. – Ташкент, 1996.- 104 с.

**М.Бабаходжаев ҳақида:** Бабаходжаев Марат Абдусаматович. С.Д.Малибанд. Библиографический словарь. - М., 1975. – С.53 .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАБАХОДЖАЕВА ЛОЛА МАРАТОВНА



Тарих фанлари доктори Л.М.Бабаходжаева 1959 йил 9 июлда Москва шаҳрида туғилган. 1982 йилда Тошкент Давлат консерваториясини, 1989 йилда Фарғона ДПИ тарих факультетини тамомлаган.

Л.М.Бабаходжаева ўзининг меҳнат фаолиятини 1982 йилдан В.Успенский номидаги Республика ўрта-махсус мусиқа мактабида, Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида олиб борди. 2001 йилдан бошлаб Тошкент автомобиль ва йўллар институти "Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик" кафедрасида ишлаб келмоқда.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Участие Узбекистана в международном культурном сотрудничестве СССР (конец 70-х–начало 90-х годов)» (1991 й.), докторлик диссертацияси мавзуси: «Основные тенденции и направления международного культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан (период независимости)» (2011 й.). Олимнинг илмий йўналиши – халқаро маданий-гуманитар ҳамкорликнинг асосий тенденцияларини комплекс тадқиқ этиш, унинг ривожланиши динамикасига мамлакатнинг энг муҳим тарихий босқичи давомида таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади.

Л.М.Бабаходжаеванинг 2 та монографияси, 50 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлари хорижий ва республика илмий журналларида, илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида чоп этилган. Шу жумладан:

1. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). - Ташкент, 2011.
2. Формирование государственной политики Республики Узбекистан в области международных культурно-гуманитарных связей. - Ташкент, 2011.
3. Международное культурное сотрудничество как фактор демократизации общества. - Ташкент, 2010.


www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Состояние и перспективы культурного сотрудничества между ЕС и Узбекистаном. - Москва, 2008.

5. На пути культурно-духовного возрождения. - Ош, 2007.

6. Основные направления международного сотрудничества Республики Узбекистан в области популяризации национального наследия. - Ташкент, 2006.

7. Международные связи Академии Художеств Узбекистана. - Ташкент, 2004.

8. Международное сотрудничество РУз в области кинематографии. -Ташкент, 2002.

9. Международные культурные связи Республики Узбекистан – важный фактор роста духовного потенциала страны. - Ташкент, 1995.

Бундан ташқари, муаллифлар жамоаси таркибида «Мустақиллик» (Тошкент 1998, 2000, 2006), «Независимый Узбекистан» (Тошкент 2002, 2007) изоҳли илмий-оммабоп луғатларини тузишда қатнашди; ф.ф.н. Г.Тулеметова билан ҳаммуаллифликда тайёрланиб, чоп эттирилган 2 та ўқув қўлланмаси ўқув жараёнида самарали қўлланилаб келинмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЛЛИЕВА РУЗА



Тарих фанлари доктори Р.Буллиева 1959 йили 19 мартда Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманида таваллуд топган. Миллати қорақалпоқ.

1994 йили Москва шаҳрида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш» ихтисослиги бўйича «Традиционное природопользование в Каракалпакии в связи с выходом из экологического кризиса» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2003 йили Москва шаҳрида «Каракалпакский этнос и традиционное природопользование» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Илмий ва ўқув-услубий ишларининг умумий сони 80 дан ортиқ. Жумладан:

1. Традиционное природопользование Каракалпакии. – Нукус: Каракалпакстан, 1996. 7.п.л.
2. Этнокультурные особенности природопользования народов Приаралья (в конце XIX и начале XX века). - М., 2003. 6.п.л.
3. Природа особенности расселения и хозяйство Каракалпакии конца XIX в. // Вестник МГУ Серия география. - №4, 1996. - С.71-78.
4. Традиционное природопользование и пища // Вестник Каракалпакского Отделения Академии Наук Республики Узбекистан.- №5, 2000. - С.42-47.
5. Соотношение традиционного и рационального в природопользовании // Территориальные системы природопользования. Анализ и синтез. – М, 2001. - С. 42-54.
6. Анализ особенностей традиционного природопользования как метод изучения взаимодействия общества и природы в прошлом // Материалы международной научной



www.ziyouz.com kutubxonasi

конференции. Историческая геоэкология, география и природопользование. – М., 2002.- С.145-148.

7. Проблемы природопользования в Каракалпакии в *советский период и их последствия* // Материалы научной конференции «Ломоносовские чтения». – М., 2002. С.85-88.

8. Этнокультурные аспекты экологических проблем Приаралье // Актуальные проблемы современной науки. - №1. - М., 2002. - С.20-22.

9. Традиционное природопользование, расселения и жилище народов Южного Приаралья в конце XIX века // Сб.Этноэколические исследование. - М., 2004. - С.136-152

10. Экологический кризис и проблемы изучения традиционного природопользования // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 31-жилд. – Ташкент, 2008. - С.23-26.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОБОЖОНОВ БАХТИЁР МИРОНОВИЧ



Тарих фанлари доктори Б.М.Бобожонов 1958 йили Тошкент вилоятининг Тошкент туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1985 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

«Политическая деятельность суфийских шайхов в Мавераннахре (I половина XVI в.)» мавзусида номзодлик, “Власть и религия в Кокандском ханстве” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя килган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ФА Беруний номидаги Шаркшунослик институтида катта илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатиб килмоқда.

Бир неча шогирдлари илмий-тадкиқотлар устида иш олиб бормоқдалар. 2 нафар шогирди фан номзоди илмий даражасига эга бўлган. Бир катор республика ва ҳалқаро миқёсидаги анжуманлар иштирокчиси. 120 га яқин илмий нашрлар муаллифи.

Илмий ва ўқув-услубий ишларининг умумий сони 112 тани ташкил этади. Шу жумладан:

1. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма // Из истории суфизма : источники и социальная практика. – Ташкент: Шарк, 1991. – С. 89-98 (0,5 б.т.);

2. Могильный камень из коллекции музея в Арке // // Памятники истории и культуры Бухары / Сборник статей. – Бухара, 1994. – Вып.3. – С. 29-35 (0,5 б.т.);

3. On the history of the Naqshbandiya-Mujaddidiya in Central Mavara'annahr in the late 18th and Early 19th Centuries // Muslim Culture in Russia and Central Asia from 18th – to the early 20th Centuries / Ed. M. Kemper, A.v. Kügelgen, D. Ermakov. – Berlin: KS, 1996. – Vol. 1. – P. 385-413 (2 б.т.).

4. Dukčī Išhan und Aufstand von Andižan 1898 // Muslim Culture in Russia and Central Asia from 18th – to the early 20th Centuries, vol. 2 (Inter-Regional and Inter Ethnic Relations) / Ed. A.v. Kügelgen,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Michael Kemper, Alen J. Frank. – Berlin: KS, 1998. – S. 167-191 (1,8 б.т.);

5. Monuments épigraphiques de l'ensemble de Fathâbâd à Boukhara. Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique // Cahiers d'Asie centrale. Tashkent - Aix-en-Provense, 1999. – N° 7. – P. 195-210 (1 б.т.);

6. Ислом, тасаввуф ва ҳукмдорларга насиҳат // Ислом, тарих ва манавият. – Тошкент: Meros, 2000. – 41-64 Б. (0,8 б.т.);

7. Les inscription persanes de Châr Bakr, necropole familiale des khwäja Jūybary près de Boukhara // London: Corpus Inscriptionum Iranicarum, 2002. – 340 P. (15 б.т.);

8. *Манакиб-и Дукчи Ишан* (Аноним жития Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898 года) // Перевод, предисловие Б.М. Бабаджанова. – Ташкент-Берн-Алматы: Daik-Press, 2004. – 310 С. (12 б.т.);

9. «Новшество (*бид'а*) – худшее из заблуждений»? Фетишизация ритуальной практики глазами кокандских авторов XIX в. // Pax Islamica (Мир ислама). – М., 2010. – № 1 (4). – 54-62 (2 б.т.);

10. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент: Yangi nashr, 2010. – 744 С. (44 б.т.).

Халқаро, Республика илмий-амалий анжуманларида иштироки: 30 дан ортиқ халқаро конференция ва симпозиумлар (Франция, Германия, АҚШ, Эрон, Япония, Миср, Голландия, Россия ва бошқа мамлакатлар); Республика микёсида 15 дан ортиқ илмий анжуманлар иштирокчиси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОБОЖОНОВА ДИЛОРОМ БОБОЖОНОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Д.Б.Бобожонова 1952 йилнинг 25 октябрида Хоразм вилоятида туғилган. Миллати ўзбек. 1977 йилда Тошкент давлат университети (ЎзМУ)нинг тарих факультетини тугатган.

1989 йилда “Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантиришда қардош республикалар ишчилар синфининг ҳамкорлиги (XX асрнинг 70-йиллари)” мавзуида тарих фанлари бўйича номзодлик диссертациясини, 1997 йилда “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (1970–1985 йиллар)” мавзуида тарих фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари” кафедраси профессори лавозимида ишлайди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси раисининг мафкуравий, ташвиқот-тарғибот ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги “Сиёсий таълим маркази” раҳбари. 2006 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган.

10 дан зиёд шогирдлари бўлиб, улар ичида 6 нафари фан номзоди илмий даражасини олган.

“Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар”, “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар”, “Ўзбекистонда демографик жараёнлар” мавзулари олиманинг илмий йўналиши ҳисобланади.

130 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлари мавжуд. Жумладан:

1. Енгил саноатда фан-техника тараққиёти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. –24 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. *Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожининг* ижтимоий-иқтисодий омиллари. –Тошкент: ЎзР ФА Тарих институти, 1986. –48 б.

3. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 96 б.

4. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. Тошкент: ТДТУ, 1995. – 24 б.

5. Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. – Тошкент: Фан, 1996. –28 б.

6. Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар. – Тошкент: Фан, 1996. –28 б.

7. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (ўқув қўлланмаси). – Тошкент: Шарқ, 1999. –160 б.

8. Ўзбекистонда маънавий-маърифий тикланиш ва таълим тизимидаги ислоҳотлар. Услубий қўлланма (ҳаммуаллиф). – Тошкент: ТМИ, 2004. – 46 б.

9. Миллат ғурурига айланган аёл// Фан ва турмуш. –1996. – №1.

10. Ўзбекистон демографияси // Фан ва турмуш. –1996. –№3.

11. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўрни. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1996. –№ 11-12.

12. Фан, маданият ва жамият тараққиётида аёлларнинг ўрни. // Илм сарчашмалари. – 2004. –№ 11-12.

13. Мустақиллик йилларида Хоразм ва Қорақалпоғистон шаҳарлари тараққиёти. Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ЎзМУ, 2007. – 2-қисм.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУРЯКОВ ЮРИЙ ФЕДОРОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги Ю.Ф.Буряков 1934 йил 15 мартда Қирғизстон Республика-сининг Ўш вилояти, Учқўрғон қишлоғида таваллуд топган. 1956 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг Археология бўлимини тугатган.

Талабалик йилларида у ёш археологлар илмий тўгарагида фаол иштирок этади, илмий маърузалар билан қатнашади ва ўзининг дастлабки илмий нашрлари устида ишлайди. Тоғ-кон саноати, металлургия, Тошкент ҳудуди урбанизацияси ва шаҳарлари тарихий топографияси ёш олимнинг тадқиқот мавзусига айланади.

Ю. Ф. Буряков 1956–1965 йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик, сўнгра катта илмий ходим, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлади. 1965–1966 йилларда Ўзбекистон маданият вазирлигининг музейлар бўйича бош инспектори лавозимида иш олиб боради. Ушбу йилларда у, неолит давридан (Жойтун, Чуст, Намозгоҳ, Яздепа, Қизилқир, Қадимги Марв, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент) тортиб ўрта асрларгача бўлган ёдгорликларни тадқиқ этган археологик экспедицияларда иштирок этди.

Олимнинг 1963, 1966 ва 1968 йилларда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ҳамда Тарих ва археология институтининг археологик экспедицияси таркибида Чотқол – Қурама тоғ-кон саноати ёдгорликлари ва Оҳангарон ҳудудини археологик-топографик ўрганиш бўйича олиб борган ишлари сермахсул бўлди.

Ушбу олиб борган тадқиқот ишлари кўпгина илмий мақолалар, номзодлик диссертацияси ва «Горное дело и металлургия средневекового Илака V–начало XIII вв.» номли монографиясида ўз аксини топган.

Унинг илмий фаолиятини яна бир муҳим йўналиши археологик ёдгорликларни аниқлаш ва уларни сақлаш ҳисобланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

У бу борадаги тадқиқотларини Тарих ва археология институтида Я. Ғуломов раҳбарлиги остида давом эттиради.

1966 йилда олим «Из прошлого Чаткало-Кураминское промышленного работа (К истории горного дела и металлургии Илака)» мавзусидаги номзодлик, 1985 йилда Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса (в древности и средневековье) мавзусидаги докторлик дисертацияларини ҳимоя қилди.

1967–1970 йилларда Ю. Ф. Буряков Тарих ва Археология институтида кичик илмий ходим, 1970–1973 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтида илмий котиб, 1979 йилдан илмий ишлар бўйича директор муовини, 1993 йилдан бошлаб эса ўрта асрлар археологияси бўлими мудири бўлиб ишлади. Шу билан бир вақтнинг ўзида йирик Чоч – Илоқ, сўнгра Чоч – Уструшона археологик экмпедицияларига раҳбарлик қилган. Олиб борилган тадқиқот ишлари ўзбек ва рус тилларида "Тошкент воҳасининг археологик ёдгорликлари", «Древности Чарвака», «Древности Туябугуза» ва «Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака)» номли монографияларда ўз аксини топган.

Олимнинг кейинги йиллардаги илмий тадқиқот фаолияти аҳолининг жойлашиши, хом ашё ресурслари ва қадимги давр маданияти объектларининг тизимли тадқиқот усуллари билан боғлиқ бўлиб, улар "Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса" монографиясида ўз аксини топган ва докторлик диссертациясининг асосини ташкил этган.

Чоч – Уструшона экспедицияси ташкил этилиши муносабти билан Мовароуннаҳрнинг кам ўрганилган тарихий вилоятларидан Уструшона ҳудудида мунтазам археологик ишлари ташкил этилиб, Сирдарё ва Жиззах вилояти худудларида Ю. Ф. Буряков бошчилигида амалга оширилган тадқиқот ишлари натижасида археологик ёдгорликлар ҳисобга олиниб, уларнинг айримларида қазишма ишлари амалга оширилди.

Олим 1985 йилда Беруний номидаги Фан ва техника давлат мукофоти билан тақдирланган. Олим томонидан 15 га яқин монография, 700 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар республикамизда ва шунингдек, хорижий мамлакатларда нашр этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг илмий раҳбарлигида 20 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Олим нафақат республикамиз, балки жаҳон фанида ҳам салмоқли мавқега эга. У Германияда илмий маърузалар қилган, АҚШ, Франция, Ҳиндистон илмий симпозиумлари ва ЮНЕСКО коллеквиумларида ўзининг илмий маърузалари билан қатнашган. ЮНЕСКОнинг "Буюк ипак йўли – халқлар мулоқоти йўли" мавзусидаги Археология институти илмий дастурини бошқарган. Ю.Ф. Буряков Германия Археология институти фахрий мухбир аъзоси сифатида сайланган.

1995 йилда олим Ўзбекистон Фанлар Академиясининг аъзолигига сайланади. 2003 йилда тарих фани ривожига қўшган хиссаси ва Фанлар Акадеияси ташкил этилганлигининг 65 йиллиги мунособати билан олим «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотланган.

Ҳозирда Ю.Ф.Буряков ЎзМУ тарих факультети Археология кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси. 80 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Археология древнего и средневекового периода Средней Азии.

2. Древняя история среднеазиатского региона, историческая топография древних и средневековых городов.

3. История древнего и средневекового Чача – Ташкента по археологическим данным материальной культуры, топонимика, нумизматика, эпиграфика, история древних культов и религий Средней Азии.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАСЬКИН ИГОРЬ НИКОЛАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори И.Н.Васькин 1938 йил 23 январда Қўқон шаҳрида туғилган. 1961 йилда Тошкент давлат университети Шарқ факультетини тамомлаган.

2002 йилда вафот этган.

И.Н.Васькин 1961 йилда ҳарбий хизматга чақирилади. Кейинчалик у ҳарбий таржимон сифатида турли ҳарбий округ қисмларда хизматни давом эттиради. И.Н.Васькин 1973–1975 йилларда Ҳиндистонда, 1981 йилдан Афғонистонда ва бошқа хорижий мамлакатларда хизмат сафарида бўлди.

И.Н.Васькин 1988 йилда полковник унвонида истеъфога чиқди ва илмий соҳага ишга ўтди. У 1968–1971 йиллар ЎзФА Шарқшунослик институтининг аспирантурасида Покистон тарихи бўйича сиртдан ўқийди. 1971 йили "Пресса Пакистана" мавзусида номзодлик, 1993 йилда "История вооруженных сил Пакистана (1947–1988 гг.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим 1988 йилдан Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Жанубий Осиё мамлакатлари бўлимида илмий ходим бўлиб ишга келади ва умрининг охиригача катта ва етакчи илмий ходим лавозимларида хизмат қилади.

И.Н.Васькин Покистон тарихи бўйича етакчи олимлардан биридир. У 3 монография, бир қанча мақола ва рисолалар муаллифи. Жумладан:

1. Покистон: ҳозирги сиёсий-мафкуравий вазият. "Инсон ва сиёсат" тўпламида. Т., 1991, №7.
2. История вооруженных сил Пакистана (1947–1988 гг.). - Ташкент, 1992.
3. Совет-Покистон муносабатлари. "Халқ ва демогратия". - Ташкент, 1992, №3-4.
4. Премьер министр Исламской Республики Пакистан Беназир Бхутто. «Политическая биография». - Ташкент, 1993.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. (Монография в соавторстве в проф. Касымовым А.М.) – Ташкент: Узбекистан, 1994.

6. Иран. Справочник. - Ташкент, 1994

7. Пакистан. Справочник. - Ташкент, 1994.

8. Афганистан. Справочник. - Ташкент, 1994.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВОҲИДОВ ШОДМОН ҲУСЕЙНОВИЧ



1961 йил 19 декабрида Тожикистоннинг Панжакент шаҳрида туғилган. Миллати тожик. 1984 йилда Тожикистон давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1984–1986 йиллари собиқ иттифоқ қуролли кучлари сафида ҳарбий хизматда бўлган. Тошкентдаги собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлигига қарашли Олий курсларда офицер-таржимон сифатида хизмат қилган.

1987–1990 йилларида Ўзбекистон ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти аспирантурасида таҳсил олган. Ш.Воҳидов 1990 йилда “Аваз Муҳаммад Аттор Ҳуқандий ва унинг “Тарихи жаҳоннамойи” асари (тадқиқот, таржима ва изоҳлар)” мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 1998 йилда эса “Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши (XIX аср–XX асрнинг бошлари)” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим турли йилларда Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, ЎзФА Тарих институти, ЎзМУнинг Тарих институти, ЎзМУнинг тарих факультети, ТошДШИ, ТошДТУда илмий ва педагогик фаолият олиб борган. Европа ва Осиё давлатларида бўлиб ўтган илмий анжуманлар иштирокчиси. Франциядаги ИТМ (MSH) қошидаги Денни Дидро гранти соҳиби бўлган.

Ш.Воҳидов бир қатор республика ва хорижий журналларнинг таҳририят аъзоси, халқаро илмий анжуманлар иштирокчиси ва кўплгина илмий кенгашлар, ташкилотларнинг аъзосидир. У Марказий Осиё тарихи мутахассисдир. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида тўртта туркум бўйича Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид 20га яқин манбалар турли тиллардан таржима қилиниб, чоп эттирилган. “Мозийдан садо”, “Эронномa”, “Номайи донишгоҳ”, “Научный мир Казахстан” журналларининг таҳририят аъзоси. Ўзбекистон,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тожикистон, Қозоқистонда фаолият олиб бораётган Махсус илмий кенгашларнинг аъзосидир.

Асосий илмий ишлари қуйидагилардир:

1. Қўқон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. – Тошкент, 1996. – 24 б.

2. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. – Тошкент, 1997. (Ҳаммуалиф.). – 182 б.

3. Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-Сурах. Введение, перевод с арабского и персидского, текст, факсимиле и комментарии и указатели. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. (Ҳаммуалиф.).– 410 с.

4. Абд ал-Кадир ибн Мухаммад Амин. Маджма ал-ансаб ва-л-ашджар. Введение, перевод с арабского-персидского и тюркского, текст, факсимиле автографа, комментарии и указатели. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. (Ҳаммуалиф.). – 692 с.

5. Муизз ал-ансаб. Введение, перевод, факсимиле Парижского списка, комментарии и указатели. - Алматы: Дайк-Пресс, 2006. (Ҳаммуалиф.). – 670 с.

6. Марказий Осиё давлатларида бошқарув тарихидан. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. (Ҳаммуалиф.).– 80 б.

7. Садр-и Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре начала XX века. Книги, библиотека, каталоги. Т.1. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2007. – 352 с.

8. Исмоилхон Фақирий. Баёзи Фақирий. – Тошкент: Адолат, 2006. (Ҳаммуалиф.). – 200 б.

9. Фитрат. Раҳбари нажот. – Тошкент: Маъанвит, 2001.

10. Фитрат. Оила ёки бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 1998, 2000. – 120 б.

11. Une sourse meconnue pour letude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim Khan II (Khina, fin XIXe s/). In: A.Muminov. F.Richard et M.Szuppe (eds.). Patrimoine manuscript et vie intellectuelle de l Asie centrale islamque. [Cahiers d Asie Centrale 7], IFEAC – Edisud. – Tachkent- Aix-en-Provence, 1999.-P.175-193.

12. Les particularizes paleographiques et codicologiques des fonds particuliers de Rawnaqi et Faqiri (Shahrisabx, Uzbekistan). // Manuckripta Orintalia. – St Peterdurg, 2003. – P.52-56.

13. The histori of the Idhqiyya Brotherhoods Secred riliks. II. The katta Langar (New Fragments). // Manuckripta Orintalia. – St Peterdurg, 2002.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВОХИДОВА СОФИЯ АХМЕДОВНА



Халк маорифи аълочиси, тарих фанлари доктори, профессор С.А.Вохидова 1937 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1961 йилда Тошкент давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимини тамомлаган.

Олима иш фаолиятини Андижон давлат педагогика институтидан бошлайди. 1979 йилдан 1993 йилгача мазкур институтда кафедра мудири лавозимида ишлаб келган, 1980–1985 йилларда Андижон шахар Кенгашига депутат бўлган. Олима "Ўзбекистон колхозчи-дехконлари маданий техника савиясининг ўсиши (Андижон вилояти мисолида)" мавзуидаги номзодлик, "Ўзбекистон колхозчи-дехконларни маданий ва касб-хунар савиясини ошириш (1959–1975 йиллар)" мавзуидаги докторлик диссертацияларини химоя килган.

*С.А.Вохидова ўз илмий тадкикотларида* кишлок инфратузилмасини ўзгартириш муаммоларини, кишлок ахолисини айникса, ёшларни маданийлик даражасини, касб-хунар эгаллашдаги савиясини кўтариш, турмуш тарзини, урф-одатларини замонавий хаёт билан боғлаш каби долзарб муаммоларни кўтариб чиккан. Ўз фаолияти даврида вазирлик, вилоят хокимлиги ўзи фаолият кўрсатган олий таълим муассасалари рахбарлари томонидан бир неча бор рағбатлантирилган.

Професор С.А.Вохидованинг илмий йўналиши бир канча сохаларни камраб олган. Ўзбекистон колхозчи-дехконларни маданий ва касб-хунар хаёт фаолиятини ўрганган, сиёсатшунослик асослари йўналишида фаолият кўрсатган.

Профессор С.А.Вохидова куйидаги илмий ўкув-услубий ишларни чоп эттирган.

1. Ўзбекистон колхозчи-дехконлари маданий ва профессионал техника савиясининг ўсиши (1959-1970 йй). - Т.: Фан, 1975 й.
2. Кишлок мехнаткашлари маданияти ва мехнат малакасини ошириш масалалари. - Т.: Фан, 1977 й.
3. Хозирги замон кишлок маданияти. - Т.: Фан, 1979 й.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҒАФФОРОВ ШОКИР САФАРОВИЧ



Тарих фанлари доктори Ш.С.Ғаффоров 1958 йил 6 декабрда Навоий вилояти Хатирчи туманида таваллуд топган. Миллати узбек. 1983 йилда Самарқанд давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

1990 йили "Маҳаллий советлар томонидан Ўзбекистонда кооператив планининг амалга оширилиши (1917–1928 йиллар)" мавзусида номзодлик, 2003 йили "Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши)" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ҳозирда Самарқанд давлат университети тарих факультети декани лавозимида ишламоқда.

1999 йилда "Олий ва ўрта махсус таълим фидойиси" кўкрак нишони, 2006 ва 2011 йилларда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 ва 20 йилликлари" кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Бир қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси.

160 дан зиёд илмий ишлар муаллифи. Шу жумладан:

1. Влияние колонизации Туркестана Россией на жизнь Бухары и Хивы (1865–1917 гг.). // Научное и культурное наследие человечества в третьем тысячелетии. Тезисы докладов международного симпозиума, посвященного 2500-летию Бухары и Хивы. 18–20 октября 1997 г. Бухара –Хива – Ташкент, "Ўзбекистон", 1997.

2. Чоризмнинг кўчириш сиёсати ва унинг оқибатлари. СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2000. - №2.

3. Кўчириш ва шовинистик сиёсат. Чор ҳукуматининг аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсатини қандай даврларга бўлиш мумкин? // Жамият ва бошқарув, 2001. - №4.

4. Чор истибдоди даврида Туркистондаги таълим тизими. Монография. Самарқанд, 2001. 8,0 босма табоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Политика заселения туркменских территорий российскими переселенцами в колониальный период. Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини янгича ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. Самарқанд, 25–26 октябрь, I-қисм, 2002 йил. Самарқанд, 2002.

6. Шўролар чоризмнинг давомчиси эдими? // Тафаккур, 2003. - №2.

7. Туркистонда Россия империясининг аҳолини кўчириш сиёсати ва рус тузем мактаблари. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий-амалий анжуман. Тошкент, 2003.

8. Ўрта Осиёдаги илк шаҳар ва давлатлар (Самарқанд ҳудудидаги энг қадимги шаҳар ва илк давлатчилик маданияти). Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2004. 6,8 босма табоқ.

9. Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасига кўчириб келтирилган аҳолининг этно-демографик аҳволи. Ўзбекистонда этно-демографик жараёнлар // Халқаро илмий-амалий анжуманлар материаллари. – Тошкент, 2005.

10. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши). – Тошкент: Фан, 2006. монография. 12,0 босма табоқ.

11. Россия империяси томонидан Туркистон маданий бойликларини талон-тарож қилиниши. Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). // - Тошкент: Тафаккур, 2011.

12. Мустамлака даврида Самарқанд бошқарув тизими ва саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. – Самарқанд, 2011, монография. 6,5 босма табоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҒИЁСОВ ТЕМУР ҒИЁСОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Т.Ғ.Ғиёсов 1931 йил 28 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. У 1953 йилда Тошкент давлат университети (ҳозир ЎзМУ)нинг Шарқ факультетини тамомлаган.

Олим 1953–1956 йилларда Шарқ факультетининг Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи (Хорижий мамлакатлар тарихи ) бўйича аспирантурада таҳсил олган.

1958 йилда Темур Ғиёсов "Ҳиндистоннинг Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда кескинликни юмшатиш учун кураши" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1973 йилда эса "Ҳиндистон дипломатиясининг Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёда агрессия ва неоколониализмга қарши кураши (1947–1967 йиллар)" мавзусидаги докторлик диссертациясини қилди.

Т.Ғиёсов 1956 йилдан бошлаб Шарқ факультетининг "Хорижий мамлакатлар тарихи" кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади, 1962 йилдан катта ўқитувчи ва доцент лавозимига ўтиб, 1977 йилда профессор унвонини олган.

Т.Ғиёсов аввал Тошкент давлат университети (ҳозир ЎзМУ)нинг Шарқ факультетида, сўнгра Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг "Хорижий мамлакатлар тарихи" кафедрасида "Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи", "Ҳиндистон тарихи", "Покистон тарихи", "Покистоннинг ижтимоий-сиёсий, давлат тузуми ва ҳуқуқи", "Ҳиндистон ва Покистон тарихнавислиги ва манбашунослиги", "Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикаси билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари", "Ҳиндистоннинг халқаро муносабатлардаги роли", "Ҳиндистоннинг Араб Шарқидаги сиёсати", "Ҳиндистоннинг афғон масаласидаги сиёсати", "Хорижий Шарқнинг янги ва энг янги тарихининг концептуал муаммолари" фанларидан маърузалар ўқиди ва ўқимоқда.

Сўнги икки йил мобайнида у 20 дан ортиқ ўқув дастурларини чоп эттирди. Унинг 200 га яқин илмий-оммабоп мақолалари нашр этилган. Ўзбекистон Совет энциклопедиясининг ҳамма



www.ziyouz.com kutubxonasi

жилдларида, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг ҳам барча жилдларида жаҳон тарихи, Осиё ва Африка мамлакатлари ва Ҳиндистон тарихи бўйича 80 га яқин мақолалари чоп этилган.

Т.Ғиёсов 20 дан ортиқ фан номзодлари ва фан докторларини етиштирди. Т.Ғиёсов устозлик қилган шарқшунос мутахассислар Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ республикаларида, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Ливия, Вьетнам ва бошқа юртларда самарали меҳнат қилмоқдалар. У ҳозирги кунда қатор магистантлар, докторантлар ва илмий изланувчиларнинг диссертацияларига раҳбарлик қилмоқда.

Т.Ғиёсов 120 дан ортиқ илмий ишлар муаллифидир. Жумладан:

1. Ҳиндистоннинг Жанубий-шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда кескинликни юмшатиш учун кураши. - Т., 1957.
2. Ҳиндистонинг Жазоир муаммосини тинчлик билан ҳал қилиш учун кураши. – ТошДУ илмий ишлари, Шарқшунослик. - Т., 1964.
3. Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни мустаҳкамлашда Ҳиндистонинг роли. Т., 1970.
4. Тинчлик ва ҳамкорлик йўлидан. – “Совет Лэнд”. – Деҳли, 1977. - № 2.
5. Бугунги Ҳиндистон. - Т.: Ўзбекистон, 1981.
6. Ҳиндистон Республикасининг “Афғон масаласидаги” позицияси. ТошДУ илмий ишлари, Шарқшунослик. Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи. - Т., 1983
7. Қўшилмаслик ҳаракати – халқаро хавфсизликнинг муҳим омили. - Т.: Ўзбекистон, 1984.
8. Ҳиндистон Республикасининг асосий ташқи сиёсий муаммолари. – Илмий докладлар тўплами. - Т.: Фан, 1988.
9. Ватанини ташкил этган инсон. Ж.Неру туғилганининг 100 йиллигига. //Фан ва турмуш”, 1989. - № 11.
10. Ҳиндистоннинг Ҳинди-Хитой халқлари озодлик ва мустақиллиги учун кураши. - Т., 1991.
11. Эрон билан Ироқ можаросини тинчлик билан ҳал этишда Ҳиндистоннинг роли. // ЎзР ФА шарқшуносл institute илмий ишлар тўплами, “Жанубий Осиё ва замонимиз”. - Т., 1991.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҒУЛОМОВ ХОНДАМИРМИРЗА ҒОФУРОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Х.Ғ.Ғуломов 1947 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида зиёли хонадонида таваллуд топган. Миллати ўзбек. ТошДУ (ҳозирда ЎзМУ)нинг тарих факультетини тамомлаган.

Олим бир неча йил ЎзМУ Тарих факультети декани, университет илмий ва халқаро алоқалар бўйича проректори лавозимларида ишлаган. Ҳозирда ЎзМУ тарих факультети профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти Ихтисослашган кенгаши қошидаги илмий семинар раиси.

“Дипломатические отношения Бухарского ханства с Россией в XVIII веке” мавзусида номзодлик, “История дипломатических отношений государств Средней Азии с Россией (XVIII – первая половина XIX вв.)” докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

10 га яқин шогирдлари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 3 та монография, 4 та ўқув қўлланма, 50 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Бир қатор халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар иштирокчиси. Жумладан:

1. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританей. ИСШ. НУУз, 2002.
2. Средная Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений (начало XVIII века). НУУз, 2005.
3. Ўрта Осиё ва Россия (XVIII аср бошларида давлатлараро муносабатларнинг шаклланиши). –Тошкент: ЎзМУ, 2007.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГЕНТШКЕ ВАЛЕРИЯ ЛЬВОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор В.Л.Гентшке 1950 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати рус. 1972 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тугатган.

Олима 1972 – 1975 йилларда аспирантурада таҳсил олган. 1976 йилдан – 2004 йилгача ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозиларида ишлаган. 1999 – 2004 йиллари ЎзМУ тарих факультети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири.

2004–2006 йилларда Москвадаги нодавлат чет тиллар институти профессори, 2007 йили "Российская эмиграция: прошлое и современность" журналида масъул котиб, 2007 йил охиридан то ҳозирги кунгача Бутунроссия ҳукуматлар ва архив иши илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими лавозимида ишламоқда. 1976 йили "Коммунистическая партия – организатор шефского рабочего движения в республиках Средней Азии и Казахстане (1928–1932 гг.)" мавзусида номзодлик, 1990 йили "Деятельность Коммунистической партии по обеспечению ведущей роли рабочего класса в социалистическом строительстве в республиках Средней Азии: (Середина 20-х – середина 30-х годов)" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

7 нафар шогирди тарих фанлари номзоди илмий даражасига эришган. Бир қатор халқаро ва республика микёсидаги анжуманлар иштирокчиси. 140 дан зиёд илмий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Партия, рабочий класс, дехканство. - Ташкент, 1989;
2. ТошДУ – илм ва маърифат маскани. - Тошкент, 1995 (чл. авт. кол.);
3. *История Узбекистана. Уч. пос.* - Ташкент, 2002 (отв. ред.,чл. авт. кол.);
4. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. - Ташкент, 2002. (в соавт);
5. Этнический атлас Узбекистана. - Ташкент, 2002 (чл. авт. кол.);



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Uzbekistan: the external ethnic migrations (1991 - 2001) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8-1, 2003;

7. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. - Ташкент, 2004 (в соавт.);

8. Русское зарубежье в архивах США: аннотированный указатель статей из отечественных журналов и продолжающихся изданий (2005–2009 гг.). // Российская история.- Москва, 2010. №6. С.203-214 (в соавт.)

9. Миграции и «этническое лицо» Узбекистана (конец XIX – XX вв.) // Центральная Азия Традиции и современность. - Москва. 2011. С. 317-328.

10. Узбекистан многонациональный: историко – демографический аспект. Изд.2., доп. - Ташкент, 2011, (в соавт.).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ГОЛОВАНОВ АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.А.Голованов 1946 йил 11 февралда Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида туғилган. Миллати рус. 1969 йили Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1982–1986 йиллари ЎзФА Тарих институтида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган. 1986–1988 йиллари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида фаолият кўрсатган.

1996–1998 ва 2000–2002 йилларда ЎзФА Тарих Институтида етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган. 2005–2011 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатган.

А.А.Голованов 1990 йил "Сельскохозяйственный отряд рабочего класса Узбекистана в период 50–60-х гг." мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. У совет даври ва мустақиллик даври тарихи бўйича мутахассис ҳисобланади. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россияда ўтказилган қатор халқаро анжуманлар иштирокчиси. Унинг раҳбарлигида 10 га яқин фан номзодлари етишиб чиққан.

А.Голованов 100 дан зиёд илмий мақолалар, тўпламлар ва монографиялар муаллифи. Жумладан:

1. Политическое противоборство по национально-государствен-ному самоопределению узбекского народа (1917–1920 гг.). - Ташкент, 2005.
2. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. - Ташкент, 2006.
3. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половине XIX – первой трети XX вв. - Ташкент, 2007.
4. «Истории и цивилизации Центральной Азии» китобининг 6-томини ёзишда иштирок этган.
5. Узбекистан в 1917–1990 гг.: противоборство идей и идеологий. – Ташкент, 2002.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДОНИЁРОВ АЛИШЕР ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор, тарихшунос, этнограф олим А.Х.Дониёров 1966 йили 30 июнь куни Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, Бешкент қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1983 йили Тошкент давлат университетининг тарих факультетини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1984 йили Тошкент давлат университети қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларини малакасини ошириш институтида комендант, ётоқхона мудири лавозимларида ишлаш билан бошлаган. 1986 йилдан бошлаб ўриндошлик асосида Чирчиқ шаҳридаги №14 ҳамда Тошкент шаҳридаги №65 ўрта мактабларда тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс бериш билан бирга 1986-1997 йиллар давомида Ўзбекистон телевидениесида штатсиз мухбир, муҳаррир, катта муҳаррир лавозимларида ҳам ўриндошлик асосида фаолият кўрсатиб “Оила”, “Ўзингни эр билсанг...”, “Халқаро телеканал” муаллифлик кўрсатувларини тайёрлаб олиб борган.

1989 йили ТошДУ тарих факультетини тарихчи, тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатиб, ушбу факультетнинг «Этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи» кафедрасида ўқитувчилик лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1994 йили ТошДУ тарих факультети «Этнография» кафедрасига кундузги бўлим аспирантурага кабул қилиниб, 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида «Ўзбекистонда этнографик билимларнинг ривожланиши: асосий йўналишлари ва натижалари» мавзусида номзодлик, 2003 йилда «Ўзбекистонда ХХ асрда этнографик тадқиқотлар: асосий босқичлари, муаммолари, ривожланиш истиқболлари» мавзусида "Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар усуллари" - 07.00.09 ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1997–1999 йилларида Тошкент давлат шарқшунослик институти «Марказий Осиё халқлари тарихи" кафедрасида катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган.

1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти Этнология бўлимида докторант, 2004 йилдан 2009 йил октябрига қадар ўриндошлик асосида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатган.

А.Х.Дониёров 1999 йил май ойидан 2009 йилгача давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатиш билан бир пайтда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедрасида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирган.

У 2009 йил октябрь ойидан Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Этнография асослари», «Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи», «Шарқ мамлакатлари этнографияси» ва «Этнография тарихшунослиги» ва «Марказий Осиё халқлари тарихи» курслари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратиб, маърузалар ўқиб келмоқда.

А.Х.Дониёров "Тарихшунослик ўқишлари" ва "Академик Карим Шониёзов ўқишлари" туркумидаги Республика илмий–назарий конференция, республика ва халқаро илмий анжуманлари, симпозиумларда, институт профессор-ўқитувчиларининг илмий конференцияларида илмий маърузалари билан қатнашиб келади. Илмий журналлар ва тўпламларда 100дан ортиқ илмий мақола ва рисолаларни чоп эттирган.

Тарихшунослик, этнология, этнология тарихшунослиги йўналишида унинг раҳбарлигида 3 та фан номзоди тайёрланган ва 1 та фан докторлик, 6 та номзодлик ишлари олиб борилмоқда.

А.Х. Дониёров ЎзФА Тарих институти ҳузуридаги Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш ва Мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзоси. У "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони (2001 й.), "Шуҳрат" медали (2006 й.) соҳиби.

Олимнинг асосий илмий ишлари:

1. *Организация этнографической науки в Узбекистане* (20-30-е годы ХХв.). - Т., 2002.

2. Развитие этнографических знаний в Узбекистане (40-50-е годы ХХ в.). – Т., 2002.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Историография этнографии Узбекистана (60-70-е годы XX в.). – Т., 2002.

4. Историография этнографии независимого Узбекистана (1991-2001 гг.). – Т., 2003.

5. Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари. – Т., 2003.

6. Ўзбекистон этнографияси тарихидан айрим лавҳалар (XX асрнинг 20-80 – йиллари). – Т., 2003.

7. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке. – Т., 2005.

8. Ўзбекистон этнографияси тарихшунослиги очерки (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср 30-йиллари). Т., 2005.

9. Хоразм археология-этнография экспедицияси Ўзбекистон этнография фанида. – Т., 2007.

10. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи фанидан таълим технологияси. – Т., 2010.

11. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. (О.Бўриев ва А.Ашировлар билан ҳамкорликда). –Т, 2011.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДЖУРАҚУЛОВ МАВЛОН ДЖУРАҚУЛОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси М.Д.Джуракулов 1932 йил 9 майда Самарқанд вилояти, Қўшработ туманининг Боғожот кишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. СамДУ тарих факультетини тамомлаган.

Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университетида ишлайди. 2 марта вилоят халқ депутати бўлиб сайланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълим ходими. 5 нафар фан номзоди, 1нафар фан доктори тайёрлаган.

Илмий йўналиши – Ўрта Осиё ибтидоий давр археологияси. Илмий мактаби – Ўрта Осиё тош даври археологияси.

“Ўрта Осиё тош даврининг ўрганилиш тарихи ва муаммолари” мавзусида номзодлик, “Зарафшон ҳавзаси тош асри маданияти” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя килган.

Олимнинг илмий ва ўкув-услубий ишлари:

1. Максуд Мўминов – олим, меҳрибон мураббий // Илм ва ибрат тимсоли. Проф. Максуд Мусаевич Мўминов ҳақида (17.12.1937-5.02.1998). –Самарқанд, 2008, 7–9 бб.

2. Самарканд тарихчилар мактабининг сардори // Самарқанд ҳудуди тарихи ва маданияти манбашунослиги. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М.У.Аминовнинг 100 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 2008, 3–11 бб., ҳаммуаллиф: Ғаффоров Ш.С.

3. Олим, педагог, ташкилотчи // Соли Акрамов ва Самарқанд тарихчилик мактаби. Илмий маколалар ва хотиралар тўплами. –Самарқанд, 2008, 6–8 бб.

4. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданият тарихи // *Я.Ғуломов ўкишига бағишланган* республика илмий конференциясида килган маърузаси. –Навоий,14 март 2008 йил.

5. Яҳё Ғуломов ва ҳозирги замон археологияси // Академик Яҳё Ғуломов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган



www.ziyouz.com kutubxonasi

минтақавий машваратда қилган маърузаси. –Самарқанд, 4 апрель 2008 йил.

6. Академик Яҳё Ғуломов Ўзбекистон археологиясининг ташкилотчиси // Академик Яҳё Ғуломов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий конференциясида қилган маърузаси. –Навоий, 3 апрель 2008 йил.

7. Навоий вилоятининг кўҳна тарихи саҳифасидан // Қуйи Зарафшон воҳаси. Ижтимоий, маданий, маънавий ҳаёти тарихи. Илмий тўплам. III китоб. –Навоий, 2008, 18–22 бб.

8. Самарқанд – 2750. Китоб альбом. (Ҳаммуаллифлар: Т.Ширинов, М.Исамитдинов ва бошқалар). –Тошкент, 2007, 271 саҳифа.

9. Палеолит Зеравшанской долины и его связи с памятниками Средней Азии. // Доклад на международной научной конференции «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единство и многообразии». –Самарканд: Узбекистан, 7–8 сентября 2009 г.

10. Самарқанд палеолит маконининг Ўрта Осиё тош асрида тутган ўрни. «Ўзбекистон археологияси», №1, 2009, 30–36 бб.

11. Зарафшон водийси тош асри жамоаларининг маданий алоқалари. Тошкент, «Зиёкор», 2009, №6, 9–17 бб.

12. Темирнинг кашф этилиши ишлаб чиқаришда иқтисодий омил. СамДУ «Ахборотнома»си, 2010 йил, 3-сон, 30–36 бб.

13. Самарқанд воҳасининг ибтидоий маданият тарихи саҳифасидан. «Ўзбекистон археологияси», 2011, №33, 40–48 бб.

14. Ёшлар тарбиясига бахшида ҳаёт. «Ижтимоий фанларнинг методологияси муаммолари» мавзусида ўтказилган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 8 апрель 2011йил. - 4–5 бб.

15. Самарқанд воҳасининг энг қадимги маданияти тарихи. Ўзбекистон тарихи ва маданияти мавзусида ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент, 2011. – 30–33 бб.

16. Археология фанининг билимдони ва моҳир педагог. Марказий Осиё деҳқончилик ва дашт цивилизциясининг ўзаро муносабатлари мавзусидаги илмий-назарий конференция анжумани материаллари. –Самарқанд, 2011. – 3–8 бб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖЎРАҚУЛОВ ОБОД



Тарих фанлари доктори, профессор О.Жўракулов 1936 йил 1 апрелда, Қашқадарё вилояти Қарши туманида Чандир қишлоғида таваллуд топган. Миллати туркман. Олим 1961 йилда Самарканд давлат университети тарих факультетини тугатган.

2010 йилда 30 июнда вафот этган.

1967 йилда «История создания и развития газовой промышленности в Узбекистане (1941–1965 гг.)» мавзусида номзодлик, 1984 йилда «Развитие газовой и нефтяной промышленности в Средней Азии (1946–1970 гг.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

1971–1978 йилларда Қарши давлат педагогика институти чет тиллар факультети декани, 1978–1993 йилларда мазкур олийгоҳнинг Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, 1993–2007 йилларда ҚарДУ тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, 2007–2010 йилларда Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори лавозимларида ишлаган.

7 нафар шогирди фан номзоди илмий даражани олган. 1999–2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтиосослашган кенгаш аъзоси бўлган. Қатор республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар иштирокчиси.

150 дан зиёд илмий нашрлари мавжуд. Жумладан:

1. Қудратли энергия манбаи. - Т.: Фан, 1982.
2. Қашқадарё манғитлари. - Т., 1991.
3. Чандир туркманлари. - Т., 1992.
4. Қашқадарё мармар саноати. - Т., 2002.
5. Шаҳрисабз йилномаси. - Т., 2006.
6. Генерал Жўрабек қадрияти. - Т., 2008.
7. Шаҳрисабз. Минг йиллар мероси. Альбом (Ҳаммуаллиф). - Т., 2002.
8. Қарши – 2700. Альбом (Ҳаммуаллиф). - Т., 2006.



www.ziyouz.com kutubxonasi

9. Амир Темур даврида Шахрисабз. “Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. - Қарши, 2006.

10. XX аср бошларида Қарши шаҳрининг сиёсий ҳаёти. “Нахшаб – Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида” мавзусидаги Халқаро илмий конференция. - Қарши, 2005.

11. Жонкуяр тарихчи олим. “Насаф ва Кеш манбаларда” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. - Қарши, 2010.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЗИЁЕВ ҲАМИД



Тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Зиёев 1923 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1946 йилда Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган.

Олим 1941–1942 йилларда иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, фашизмга қарши курашга ўз ҳиссасини қўшди ва фронтда яраланиб, ватанига қайтган.

1953 йилда Москвадаги Шарқшунослик илмий тадқиқот институтида "Шарқий Туркистонда 1826 йилги қўзғолон" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 1964 йилда *"Ўрта Осиё ва Сибир"* номли монографияси учун тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган.

Ҳамид Зиёев ЎзР ФА Тарих институтида (1964–1996 йиллар) "Ўзбекистоннинг янги тарих бўлими" мудири, 20 йил (1965–1985 йиллар) ЎзР ФА Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб борди. 1997 йилдан бери у "Ўзбекистоннинг XIX–XX аср тарихи" бўлимида етакчи илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган.

Ҳамид Зиёев ўз илмий фаолияти давомида нафақат Ўрта Осиё республикаларида, балки Қозоғистон, Россия, Татаристон, Бошқирдистон ва МДҲ даги бошқа республикаларда жойлашган 25 дан ортиқ давлат архивларида Ўзбекистон тарихи, Сибирда яшаган ўзбеклар ҳаёти ва фаолияти, Ўрта Осиё ва Россия алоқалари мавзусида изланишлар олиб бориб, муҳим тарихий маълумотларни тўплашга муваффақ бўлди. Туркистонда Россия империяси тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш тарихи, Ўрта Осиёнинг Сибир, Волга ва Ўрол бўйлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари тарихи олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

Ҳ.Зиёев Ўзбекистоннинг XVI–XIX асрлар тарихини ва айниқса, мустамлака даври тарихини ўрганишга асос солган, бу давр тарихи бўйича йирик асарлар яратган забардаст олим



www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам яхши танилган. Унинг асарларига хорижий тадқиқотларда кенг эътибор қаратилиб келинмоқда.

Олим 40 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилган. Унинг 18 та йирик илмий монография, 10 дан ортиқ илмий-оммабоп асарлари ва 400 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, бир нечта ибратли ҳикоялар тўплами чоп этилган. Жумладан:

1. Ўрта Осиё ва Сибир. - Тошкент, 1963.
2. ХУI–ХIХ асрларда Ўрта Осиё ва Сибир. - Тошкент. 1964.
3. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. - Тошкент, 1965.
4. Узбеки в Сибири. - Тошкент, 1967.
5. Ўрта Осиё ва Ўрол бўйлари. - Тошкент, 1973.
6. Экономические связи Средней Азии с Сибирью. 1985.
7. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги. - Тошкент, 1996.
8. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII–XX аср бошлари). - Тошкент, 1998.
9. Истиқлол – маънавият негизи. -Тошкент, 1999.
10. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. - Тошкент, 2000.
11. Сибир, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). - Тошкент, 2003.
12. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). - Тошкент, 2006.
13. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. - Тошкент, 2008.
14. Ўзбекистон Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушлари даврида. - Тошкент, 2011.

Ҳамид Зиёев ҳақида:

1.Профессор Ҳамид Зиёевнинг илмий ва педагогик фаолияти // Тузувчилар: А. Шарафиддинов, З. Файзиева, Н.Л. Кравец. – Тошкент: Шарқ, 1999.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЗИЁЕВ АЗАМАТ ХАМИДОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.Зиёев 1963 йил 23 июнда Тошкентда зиёли оиласида таваллуд топган. Миллати узбек. 1980–1985 йилларда Тошкент давлат университетининг шарқ факультети Эрон филологияси бўлимида таҳсил олган.

Олим 1985 йилдан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга келиб, 1985 йилдан буён мазкур институтнинг Ўрта Осиё ва Хитой тарихий-маданий алоқаларини ўрганиш бўлимида кичик илмий ходим ва 1993 йилдан катта илмий ходим лавозимларида фаолият кўрсатиб келди. А. Зиёев 1990 йилда "Силсилот ас-салотин" тарихий манба сифатида" мавзусида, номзодлик диссертациясини, 1999 йилда эса "Ўзбек давлатчилиги тарихидан (энг қадимги замонлардан Россия босқинига қадар)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1997–1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош маслаҳатчиси, 1998–1999 йиллари Президент матбуоти котиби, 1999 йили Президент Давлат маслаҳатчиси, Ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича гуруҳ раҳбари, 1999–2000 йиллари Президент Матбуот котиби вазифаларини бажарган.

1998–1999 йилларда Олий Мажлис депутатлигига, 2004, 2009 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган. 2000–2005 йиллари Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси, 2005–2010 йиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси лавозимида ишлаган. 2010 йилдан буён Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзосидир.

1996 йилда "Шуҳрат" медали, 2003 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

А. Зиёев Марказий Осиё мамлакатлари тарихи, манбашунослиги, Марказий Осиё халқлари этногенези ва этник тарихи, давлат тузилиши, ташқи алоқалари каби масалаларга бағишланган 200 га яқин илмий ишлар эълон қилган. Жумладан:



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1-нашр. – Тошкент: Шарқ, 2000. 2-нашр.- 2001. - 368 б.

2. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. – Тошкент: Фан, 2002. 50 б.

3. Ўзбекистонда Фирдавсий ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1987. - №8. - Б.69 72.

4. "Силсилот ас-салотин" тарихий манба сифатида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Тошкент, 1990. - №9.

5. Шайбоний ва Аштархоний ҳукмдорларнинг Эрон ва Ҳиндистон билан ёзишмалари // Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти тарихига оид тадқиқотлар ва материаллар. - Тошкент, 1993.

6. Темур туғилган жой масаласига доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Тошкент, 1994. - №3-4.

7. "Жаҳонгирнома" Улуғбек ва Темур ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Тошкент, 1994. - №7.

8. XVI–XVII асрлар Ҳиндистон форсийзабон тарихий манбалари ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Тошкент, 1994. - №7. - Б.40 44.

9. XVI–XVII асрлар форс тарихнавислиги (Ҳиндистон мисолида) // Шарқшунослик. - Тошкент, 1995. - №6.

10. Амир Темур хорижда // Гулистон. - Тошкент, 1996. - №3.

11. Амир Темур ва Туғлуқ Темур // Шарқшунослик. - Тошкент, 1996. - №7.

12. Темурийлар даври Ҳиндистон тарихнавислиги // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Тошкент, 1996. - №7-10. - Б.38–43.

13. "Амали Солиҳ" тарихий манба сифатида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Тошкент, 1997. - №11–12.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЗИЁЕВА ДОНО ҲАМИДОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Д.Ҳ.Зиёева 1961 йил 12 августда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 1983 йилда Низомий номидаги ТДПИнинг тарих факультетини тамомлаган.

Олима ўз илмий фаолиятини 1983 йилда ЎзР ФА Тарих институтида кичик илмий ходим сифатида бошлади.

Д.Ҳ.Зиёева 1990 йилда “Туркистонда XIX–XX аср бошидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги” мавзусида номзодлик, 1999 йилда «1917–1924 йилларда Туристондаги миллий-озодлик ҳаракатлари XX аср тарихшунослигида» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Д.Ҳ.Зиёева 2000–2005 йилларда ЎзР ФА Тарих институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди, 1998 йилдан то ҳозиргача «Ўзбекистоннинг XIX–XX аср тарихи» бўлимини бошқариб келмоқда. Унинг раҳбарлигида «Ўзбекистон тарихи»нинг V жилди, «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси” нинг IV жилди, «Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи (энг қадимдан ҳозиргача)», «Ўзбекистонда тадбиркорлик тарихи (энг қадимдан ҳозиргача)»” каби йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Д.Ҳ.Зиёева ўз илмий фаолияти давомида аниқланган илмий натижаларни республикадаги қатор музейлар экспозициялари тарзида татбиқ қилиб келмоқда.

Д.Ҳ.Зиёева тарих фани бўйича дарсликлар ва адабиётларни тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги эксперт кенгашининг аъзоси. Шунингдек, у 2004 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси архивларининг Жамоатчилик кенгаши раиси сифатида иш олиб бориб, архив манбашунослиги йўналишини ривожлантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. 2000–2009 йилларда у тарих фани бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгашлар аъзоси, 2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ижтимоий фанлар бўйича эксперт гуруҳи аъзоси сифатида фаолият юритиб келган.

Д.Зияева Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлар тарихи ва тарихшунослиги йўналишида ўз илмий мактабини шакллантириб келмоқда. Унинг илмий раҳбарлиги остида 16 нафар тадқиқотчилар (2 фан доктори, 13 фан номзоди (шулардан 1 нафари Жанубий Корея фуқароси) диссертация ҳимоя қилди.

Унинг 120 га яқин илмий нашрлари чоп этилган. Шунингдек, илмий мақолалари хорижий журналлар ва нашрлар (Ҳиндистон, Туркия, Россия, Жанубий Корея, Қозогистон) да ҳам чоп этилган.

Д.Ҳ.Зиёева раҳбарлиги остида Ўзбекистонда энг қадимдан ҳозирга қадар ҳарбий иш тарихи, тадбиркорлик тарихи каби йирик жамоавий монографиялар тайёрланиб, чоп этилди. У қатор ўқув қўлланмаларига масъул муҳаррир бўлган, йирик жамоавий монографиялар ҳамда Самарқанд ва Марғилон шаҳри тарихига бағишланган юбилей альбомларида ҳаммуаллиф сифатида иштирок этган.

Д.Ҳ.Зиёева республика ва халқаро микёсдаги қатор илмий-амалий анжуманлар иштирокчиси. Олиманинг йирик ишлари қуйидагилар:

1. Туркистон миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида.- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2000. - 174 б.
2. Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2000. - 32 б.
3. Ўзбекистонда XX асрда маданий ҳаёт: анъаналар ва трансформация жараёнлари. Хаммуаллиф. – Тошкент, 2009.
4. Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. Масъул муҳаррир ва ҳаммуаллиф. – Тошкент, 2010.
5. История формирования и развития предпринимательства в Узбекистане. Масъул муҳаррир ва ҳаммуаллиф. – Тошкент, 2011. - 176 б.
6. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи (энг қадимдан ҳозиргача). Маъсул муҳаррир ва ҳаммуаллиф. – Тошкент: Шарқ, 2012. - 256 б.
7. Ўзбекистонниг мустамлака даври тарихини ўрганиш масалалари. //Ўзбекистон тарихи, 2003. - № 4.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИНОЯТОВ ҚУТЛУҒ ҲАМДАМОВИЧ



Тарих фанлари доктори Қутлуғ Ҳамдамович Иноятов 1950 йил 14 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1973 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1982 йилда «Французская историография о межнациональных отношенях в Средней Азии» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1994 йили «Историографические аспекты историографии Узбекистана» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Икки нафар шогирди фан номзоди илмий даражасига эришган. Ҳозирда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида фаолият кўрсатмоқда. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда иштирок этган. 60 га яқин илмий, ўқув-услубий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Из истории государственности Хорезма. Методологическое пособие. Жаҳон тиллари университети. - Тошкент, 2002, 1,5 п.л.
2. Музей ва мактаблар. Қўлланма. - Тошкент, 2002. 2,0 б.т.
3. "История древнего Хорезма" // Общественные науки в Узбекистане, 2005. - № 5-6. – 0,5 п.л.
4. Музейлар тараққиёти. Музейлар замонавий маданият тизимида - Тошкент: San'at, 2007. - 64–68 бетлар.
5. Ёшлар Ватан ардоғида. К.Беҳзод номидаги МРДИ. – Тошкент, 2007. - 30 бет.
6. "Ўзбекистон тарихи". Ўқув-услубиий қўлланма. – Тошкент: МРДИ, 2008. - 48 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарини ўрганиш юзасидан тавсиялар. К.Беҳзод номидаги МРДИ. – Тошкент, 2008.- 41 бет.
8. Навқирон ва қадимий Тошкент (2200 йил), (илмий мақолалар тўплами). - Тошкент. МРДИ, 2009.- 0,3 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИНОЯТОВ СУЛАЙМОН ИНОЯТОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор С.И.Иноятов 1938 йил 12 мартда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1961 йилда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)нинг тарих-филология факультетини тамомлаган.

Олим 1964–1966 йилларда БухДПИда ўқитувчи бўлиб ишлаб, 1966-1969 йилларда Самарқанд давлат университетининг аспирантурасида таҳсил олган, 1969 йилида "Ўзбекистон матбуотининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдаги роли" мавзусида номзодлик диссертациясини, 1987 йилда Москвада тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун "Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда матбуотнинг ўрни (Ўрта Осиё Республикалари мисолида. 1961–1985 й.й.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1969–1982 йиллар давомида Бухоро давлат педагогика институтида дарс бериш билан бир қаторда, рус филологияси факультетида декан муовини, декан лавозимларида ишлаб келган.

1982–1984 йилларда катта илмий ходим лавозимига ўтказилган.

1984–1989 йилларда Бухоро давлат педагогика институтида кафедра мудири, 1989–1992 йилларда илмий ишлар бўйича проректор, 1992–1995 йиллар давомида университетнинг тарих факультети декани лавозимларида ишлаб келган.

С.И.Иноятов 1995 йилнинг 7 июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармонига асосан Навоий давлат кончилик институти очилиши муносабати билан шу институтда биринчи проректор лавозимида фаолиятини давом эттирган.

С.Иноятов 2000 йилнинг апрелида Республика Маънавият ва маърифат Маркази Навоий вилояти бўлими котиби ва марказ раҳбарлигига сайланиб, у ерда 2003 йил декабригача ишлади. «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

С.Иноятов 2003 йилнинг декабридан Навоий давлат педагогика институти «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг профессори, 2005 йил ноябридан «Миллий истиклол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатиб келди. 2011 йил февралидан шу кафедранинг профессори сифатида ишлаб келмоқда.

С.И.Иноятов 1996–2002 йиларда Халқаро Амир Темур жамғармасининг Навоий вилоят бўлими раиси бўлган.

Профессор С.И.Иноятов кўп қиррали фаолияти учун "Олий таълим аълочиси" (2001), «Устоз» фахрий унвони (2001), «Мустақилликнинг 10 йиллиги» медали (2001) ва «Дўстлик» (2002) орденлари билан тақдирланган.

30 дан ортиқ монография, рисолалари, 200 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Жумладан:

1. Роль печати в интернациональном воспитании трудяшихся. -Т.: Фан, 1986. – 10,0 б.т.

2. "Могучее средство интернационального воспитания масс (Роль печати республик Средней Азии в интернационализации соревнования)". -Т.: Ўзбекистон, 1987. – 2,0 б.т. 31 б.

3. Независимый Узбекистан по пути прогресса и демократии. -Т., 1992. 3 б.т., 37 б.

4. *Ўзбекистон – истиклол йўлида. -Бухоро, 1992. – 2,0 б.т.,* 25 б.

5. Бухарский дом просвещения в Москве. -Навоий., 1996. – 3,0 б.т.

6. Жизнь отданная народу (к 100 летию Файзуллы Ходжаева). -Навоий, 1996. - 5,5 б.т.

7. Амир Темур – государственный деятель и великий полководец. -Навоий, 1996. – 2,0 б.т. 25 б.

8. Амир Темур в Работи Малике. -Т.: Шарқ, 1998. - 3,5 б.т.

9. Раҳбар маънавияти. -Навоий, 2000. – 2,0 б.т. 20 б.

10. Соҳибқирон ва темурийлар назари тушган диёр. -Т.: Шарқ, 2002. -32 б.

11. Амир Абдулахадхон даврида Кармана. -Т.: Шарқ, 2004. - 48 б.

12. Кармана тарих кўзгусида. - Т.: Шарқ, 2006. – 11,0 б.т. 190 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИРНАЗАРОВ ҚУДРАТ ТЎҒОНОВИЧ



Тарих фанлари доктори Қ.Т.Ирназаров 1950 йил 19 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. 1973 йил Ленинград давлат университетинининг журналистика факультетини тамомлаган.

Олим 1973 йилдан 1976 йилгача "Комсомолец Узбекистана" газетасида адабий ходим; мухбир лавозимларида фаолият кўрсатган.

1976 йилда Москва давлат университети журналистика факультети аспирантурасига ўқишга кирган ва уни 1979 йилда битирган. Қ.Т.Ирназаров 1979 йилда шу факультетида "Особенности взаимодействия печати республик Средней Азии в укреплении дружбы советских народов в условиях развитого социализма" мавзуидаги номзодлик диссертациясини, 2003 йилда "Пресса и международные отношения критика стереотипов тоталитаризма, анализ политики независимого развития"(на примере материалов печати Узбекистана за 1971–2001)" мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1980 йилдан 1983 йилгача Тошкент Давлат политехника институти "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1983–1990 йилларда "Партия совет матбуоти тарихи ва назарияси кафедраси"да катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

1979–1999 йилгача "Халқаро журналистика" кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган. 2001–2010 йилларда ЎзМУ журналистика факультетининг декани лавозимида фаолият кўрсатган.

2003 йилдан ўриндошлик асосида "Оммавий алоқалар ва реклама" кафедраси мудири лавозимига тайинланган. 2010 йилдан Олий журналистика курслари раҳбари ва "Оммавий алоқалар" кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2008 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ирназаров Қ.Т. жами 70 дан ортиқ илмий мақолалар, 20 дан ортиқ илмий-услубий, 10 дан ортиқ ўқув қўлланма, 1 та дарслик муаллифидир. Жумладан:

1. Опыт Узбекистана в повышении роли общественных организаций, ННО в формировании сильного гражданского общества. 25 мая 2011 г.

2. Предвыборная кампания и вопросы использования СМИ и политтехнологий в период проведения выборов. 18 июня 2009 г. г.Ташкент.

3. Реализация приоритетных задач по развитию информационной сферы в соответствии с Концепцией дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране ». 29 апреля 2011 год, МБЦ.

4. Повышение эффективности парламентского и депутатского контроля в партийных печатных и электронных СМИ. - Самарканд. - 28–30 сентября 2011 год.

5. Культура ведения PR -кампаний. 7 июля 2008 г. Отель «Шодлик».

6. Правовые аспекты обеспечения условий равной конкуренции и недопущения монополизации секторов электронного медиа-рынка. - Ташкент. - 6–7 ноября 2011 г.

7. Актуальные вопросы развития партийной печати Узбекистана. – Ташкент, 2010 – 2011 гг. ИИГО.

8. Молодежная пресса Узбекистана: современное состояние и тенденции развития. – Ташкент, 2011.

9. Методика организации и проведения комплексного мониторинга СМИ. – Ташкент, 2011.

10. Повышение роли СМИ в системе политических институтов. Центр. экономических исследований при Президенте РУз., 2011 г.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИСЛОМОВ ЎТКИР ИСЛОМОВИЧ



ЎзР ФА академиги, тарих фанлари доктори Ў.И.Исломов 1932 йил 22 ноябрь Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1956 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим илмий фаолиятини 1957 йилда ЎзССР ФА Тарих ва археология институти лаборанти лавозимидан бошлаган ва 1992 йилгача шу ташкилотда кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида ишлаган. 1992 йилдан ҳозирга қадар ЎзФА Я.Ғуломов номидаги Археология институти Тошкент бўлимининг мудири лавозимида ишламоқда.

Ў.И.Исломов Марказий Осиё ҳудудида одамнинг пайдо бўлиши, илк моддий маданият маконларининг вужудга келиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганиш бўйича йирик мутахассисларидан бири бўлиб, 1963 йилда "Қуйи Зарафшоннинг неолит маданияти" мавзусида номзодлик, 1979 йилда эса "Ўрта Осиёда мезолит даври" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Олим Марказий Осиё ҳудудида илк одамлар бундан 1,5 млн. йил илгари пайдо бўлганлигини илмий асослаб берган. Кўплаб ёшларнинг номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилган. У 25 дан ортиқ халқаро симпозиум ва конференцияларда иштирок этиб, АҚШ, Германия, Франция, Россия, Қозиғистон каби давлатларда тош даври бўйича маърузалар ўқиган.

Ў.И.Исломов қуйидаги илмий йўналишлар бўйича фаолият олиб борган:

1. Ўзбекистоннинг неолит даври жамоалари ва уларнинг маданий алоқалари;

2. Мезолит даври одамларининг моддий маданияти ва турмуш тарзи;

3. Ўрта Осиёда одамнинг пайдо бўлиши ва палеоэкологик шароит.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Асосий илмий ишлари:*

1. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. – Ташкент, 1966 (в соавторст.).

2. Мезолитические памятники Ферганской долины. Ташкент, 1967.

3. Пещера Мачай. – Ташкент, 1975.

4. Обиширская культура. – Ташкент: Фан, 1980.

5. У истоков древней культуры Ташкента. – Ташкент: Фан, 1982 (в соавторст.).

6. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Ташкент, 1986 (в соавторст.).

7. Кызылалма – древний палеолитический памятник Узбекистана. // ОНУз., №9-10, 1994.

8. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. – Ташкент, 1995. (в соавторст).

9. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Тошкент, 2001 (ҳаммуалиф).

10. Археологические работы в Паркентском, Бостанлыкском и Ахангаранском районах Ташкенткой области. // Археологические исследования в Узбекистане. – Ташкент, 2011(в соавторст).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИСОМИДДИНОВ МУҲАММАД ҲАСАНОВИЧ



Тарих фанлари доктори М.Ҳ.Исомиддинов 1946 йил 26 декабрда Фарғона вилояти Қувасой туманидаги Қўчқорчи қишлоғида туғилган. 1968 йили Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-география факультетини тугатган.

М.Ҳ.Исомиддинов 1971 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтида стажер-тадқиқотчи лавозимида ишлаб, 1972 йилда ўзининг ҳарбий хизмат вазифасини адо этади. 1973–1975 йилларда собиқ СССР Фанлар академияси Археология институти Ленинград бўлимида стажер-тадқиқотчи ва 1975–1978 йиллари шу институтнинг аспирантурасига ўқишга кириб, 1979 йилда шу институтнинг илмий Кенгашида "Жанубий Суғднинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги кулолчилиги" мавзуидаги диссертацияни А.М.Беленицкий раҳбарлигида ҳимоя қилади.

1973–1987 йиллари Қарши воҳасидаги Еркўрғон, Қалъаи Зоҳаки Марон, Шуллуктепа, Исабойтепа, Косонтепа каби ёдгорликларни қазиш ишларида бевосита иштирок этади. 1980–1983 йиллари Наманган вилоятининг археологик ёдгорликлари мажмуасини тузишга бош-қош бўлади.

1988 йилдан Самарқанд воҳасини ўрганиш учун ўзбек-француз экспедицияси тузилиши муносабати билан шу экспедициянинг Ўзбекистон томонидан раҳбари этиб тайинланади ва Самарқанд воҳасидаги Афросиёб, Кўктепа, Қашқадарёнинг юқори оқимидаги Сангиртепа каби ёдгорликларни қазишда иштирок этади.

М.Ҳ.Исомиддинов 2000 йилда "Самарқанд Суғдининг қадимги шаҳарсозлик маданиятининг излари" мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ўрта Осиёда қадимги деҳқончилик маданиятини пайдо бўлиши ва ривожланишининг босқичлари, қадимги ва ўрта асрлардаги шаҳарсозлик, ҳунармандчиликнинг тараққиёти масалалари, археологик обидаларни сақлаш ва уларни ҳимоялаш – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.


www.ziyouz.com kutubxonasi

М.Ҳ.Исомиддинов Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти қошидаги ягона ихтисослашган докторлик ва Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти қошида ташкил этилган археология бўйича докторлик диссертациялари ҳимоялари Кенгашларининг аъзосидир.

Олим 6 та монография ва 150 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИСМОИЛОВА ЖАННАТ ҲАМИДОВНА



Тарих фанлари доктори Ж.Ҳ.Исмоилова 1959 йил 14 октябрда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1980 йилда ТДПИнинг тарих факультетини тамомлаган.

Олима фаолиятини 1979 йилда ФА Тарих институтидан бошлаган. 1985 йилдан – 2005 йилгача Ўзбекистон тарихи давлат музейида кичик илмий ходим, бўлим мудири, музей директори ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2005 йилдан то ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.

Ж.Ҳ.Исмоилова 1988 йилда "Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX аср иккинчи ярми–XX аср бошлари)" мавзусида номзодлик, 2002 йилда "Фарғона водийсида миллий-озодлик ҳаракатлари" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Республика музей экспонатларини яратиш ва ташкилий ишларида фаол иштирок этган. У Тошкент шаҳар кенгаши сайлов комиссияси, ФА Тарих институти Мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш аъзоси ҳисобланади.

2011 йили "Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. Бир қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси, 100 дан зиёд илмий ва ўқув-услубий ишларнинг муаллифи. Шу жумладан асосийлари:

1. Фарғонада миллий-озодлик курашлари. - Т., 2003. – 20,0 б.т.
2. XIX аср II ярми–XX аср бошларида Тошкентнинг янги шаҳар қисми тарихи - Т., 2004. – 12,0 б.т.
3. Кўҳна олам сирлари. Альбом. - Т., 2007. – 14,0 б.т.
4. From the History of Middle Asian Costume International. Costume Conference. Globalization&. Future of Korean Costume. P. 47-52. – Сеул, 2007


www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Representative List of Intangible Cultural Heritage of Uzbekistan. Asian Eco-Culture. Ministry of culture, Sports and Tourism. Korea. Сеул.2009

6. Ўзбекистон бағри кенг диёр. (А.М.Ревес хаммуаллиф). Методик қўлланма. - Т., 2008.

7. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Йўлкўрсаткич. - Т., 2010.

8 Аёлларнинг илм-фан тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Баку, 2010.

9. Ўзбекистонда ҳарбий санъат тарихи. // Альбом, - Т., 2011.

10. Музей ва педагогика. // Мозийдан садо, 2011. - №4.

Республика илмий-амалий анжуманлари ҳамда Япония, Корея, Озарбайжон, Россия каби давлатлардаги халқаро конференциялар иштирокчиси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАМОЛИДДИНОВ ШАМСИДДИН СИРОЖИДДИНОВИЧ



Тарих фанлари доктори Ш.С.Камолиддинов 1955 йил 20 ноябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Ш.Камолид-динов 1980 йилда Тошкент давлат университети шарқ факультетининг араб бўлимини тамомлаган.

Олим 1980 йилда институтни тугаллаб, шу ерга кичик илмий ходим бўлиб ишга кирди. 1983–1985 йилларда яна таржимон сифатида Ливия давлатида хизмат қилди ва 1986 йилдан қайта Шарқшунослик институтида ишини давом эттирди.

Ш.С.Камолиддинов 1988 йилда манбашунослик ихтисослиги бўйича "Китаб ал-ансаб" Абу Саьда Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Самъани – как источник по истории и истории культуры Средней Азии" деган мавзуда номзодлик диссертациясини, 1993 йилда "Историческая география Тахиристана и Южного Согда по арабоязычным источникам IX–нач. XIII вв" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ш.Камолиддинов ўз илмий фаолиятини қуйидаги икки йўналишда олиб бормоқда: манбашунослик ва тарихий география. Бир қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси. У бу икки йўналиш бўйича 60 дан ортиқ илмий ишлар ёзиб, нашр эттирган. Улар монографиялар, рисолалар ва илмий мақолалардан иборат. Жумладан:

1. Сведения «Китаб ал-ансаб» ас-Самани о Фергане // Общественные науки в Узбекистане, 1989. - №5. – С.37-43.
2. Сведения «Китаб ал-ансаб» ас-Самани о филологах и потах Средней Азии. // Памятники Туркменистана. – Ашхабад, 1989. - №2. – С.26-27.
3. Сведения «Китаб ал-ансаб» ас-Самани о ученых и поэтах Хорезма. // Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент, 1991. –С.61-67.
4. "Китаб ал-ансаб" Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани – как источник по истории и истории культуры Средней Азии" (монография). – Тошкент: Фан, 1993.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5. К исторической географии средневекового Сагдианы. – В кн: «Исследования по истории, науке и культуре народов Средней Азии». – Ташкент: Фан, 1993.

6. К исторической географии бассейна Средней Амударьи. – В кн: «Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии». - Ташкент: Фан, 1993. - 176-195 б.

7. Историческая география Южного Согда и Тахиристана по арабоязычным источникам IX–XII вв. – Ташкент: Ўзбекистон, 1995.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАМОЛОВ СОБИР КАМОЛИВИЧ



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўз ФА Академиги, тарих фанлари доктори, профессор С.К.Камолов 1924 йил 10 сентябрда Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида туғилган. Олим 1942 йилда Хўжайли педагогока билим юртини тамомлаган.

2009 йил вафот этган.

С.К.Камолов Иккинчи жахон урушида иштирок этган. 1943 йил Белоруссия фронтида оғир яраланиб, эвакуация қилинган. 1944–1948 йилларда Қороқолпоқ педагогика институтининг тарих факультетида таҳсил олган.

С.К.Камолов Қорақалпоғистон фанига улкан хисса қўшган, Марказий Осиёда таниқли олим хисобланиб, 1953 йилда "Россияга қўшиб олингунга қадар Хива хонлиги қорақалпоқлари (1800–1873йй)" мавзусида номзодлик, 1969 йилда эса "XVIII–XIX асрларда қорақалпоқлар (Россия ва Ўрта Осиёнинг бошқа хонликлар билан ўзаро муносабатлари тарихи) " мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Юқори ташкилотчилик ва илмий қобилиятга эга бўлган С.К. Камолов узоқ йилар мобайнида қорақалпоқ фанига етакчилик қилиб келган. Кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаган. Олимнинг хизматлари муносиб тақдирланиб икки марта "Меҳнат қизил байроқ" ордени (1961, 1971 йй.), "Халқлар дўстлиги" ордени (1981 й.), "Биринчи даражали Ватан уруши" ордени (1985 й.), "Эл-юрт ҳурмати" ордени (2003 й.), "Шуҳрат" медали (2004 й.) кабилар билан мукофотланган.

Олим Қорақалпоғистон тарихини турли йўналишлари бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борган бўлиб, 400 дан зиёд илмий ишларнинг муаллифидир.

**Асосий илмий ишлари:**

1. Каракалпаки в XVIII–XIX вв.(к истории взаимоотношений с Россией и Среднеазиатскими ханствами). – Ташкент: ФАН, 1968. – 328 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Взаимоотношение каракалпаков с казахскими жузами, Бухарскими и Хивинскими ханствами в XVII–XVIII вв. Из истории взаимоотношения каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII-начале XX вв. – Ташкент: Фан, 1988. – С.25–44.

3. Қарақалпақстан тарийхы. Нокис, 1993 (соавт. А.Кошанов).

4. Ерназар Алакоз. – Нокис: Қарақалпақстан, 1993.

5. Торткул - Қарақалпақстанның биринши пайтахты. – Нокис: Каракалпакстан, 1993, (соавт. А.Кошанов, Г.Ходжиев).

6. Политическая и социально-экономическая история каракалпаков в конце XVIII–первой половине XIX в. в составе Хивинского ханства. История Узбекистана. Т.3. – Ташкент, 1993. – С.298–316.

7. Каракалпакстан тарийхы. – Нокис: Билим, 1995. (соавт. Сарыбаев К.).

8. Climatic ecological affects of the environmental changes in the Aral Sea zone on Karakalpakstan. "The Aral Sea Basin". – Berlin, 1996. – C.103–106.

9. О государственности каракалпакского народа. Материалы Научной сессии ученого Совета, посвященной итогам научно-исследовательских работ 2001 года. – Нукус. 15–16 января 2001 года.

10. Қарақалпақстан тарийхы (9-класслар ушын). – Нокис: Қарақалпақстан, 2002 (соавт. К.Сарыбаев).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАРИМОВ КОМИЛ КАРИМОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор К.К.Каримов 1944 йил 14 августда Андижон шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек.

«Экономические, научно-технические и культурные связи Узбекистана со странами Европы» мавзусида номзодлик диссертациясини, «Партийное руководство развитием промышленности Узбекистана: уроки, проблемы и выводы (1965–1975 гг)» мавзусида эса докторлик диссертацияни ҳимоя қилган.

53 та илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Узбекистан в социалистическом содружестве. – Ташкент: Узбекистан, 1975. – 11,0 п.л.;
2. Деятельность компартии Узбекистана по повышению эффективности промышленного производства. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 13,0 п.л.;
3. История Узбекистана, Ч.1. – Ташкент: ТГЭУ, 2005. 22,0 п.л. (в соавторстве).
4. Образовательные технологии по предмету «История Узбекистана» - Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 23,0 п.л. (в соавторстве).
5. Учебно-методический комплекс по дисциплине «История Узбекистана» - Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 22,0 п.л. (в соавторстве).
6. История возникновения политических партий Узбекистана. – Ташкент: Темирюлчи, 2004. – 1,8 п.л.
7. Проблемы воспитания молодёжи на современном этапе. – Ташкент: ТГЭУ. – 1,5 п.л.
8. Вклад узбекского народа в победу над фашизмом во второй мировой войне. – Ташкент: ТГЭУ, 2005. – 1,9 п.л.
9. Амир Темур – жизнь и деятельность. – Ташкент: ТГЭУ, 2007. – 2,5 п.л.
10. Абдулхамид Чулпан. Жизнь, отданная за свободу Родины. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011. – 1,8 п.л.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАРИМОВ РАҲМОН ҲИКМАТОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Каримов Бухоро шаҳрида 1928 йил 20 сентябрда таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1950 йилда Р.Ҳ.Каримов Бухоро давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатган.

2002 йил 5 июлда вафот этган.

Москва давлат университети (МГУ) аспиранти (1950–1953). Бухоро давлат педагогика институтида кафедра мудири (1954–1959). Самарқанд кооператив институтининг Тошкент филиалида доцент (1960–1970), филиал директори, факультет декани (1970–1987), Ўзбекистон ФА Тарих институтида бўлим бошлиғи, етакчи илмий ходим (1987–1998) лавозимларида ишлаган.

Р.Каримовнинг илмий изланишлари XX аср биринчи чорагидаги Туркистон иқтисодий ва сиёсий тарихига оид бўлиб, у 1989 йилда "1921–1925 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши: муҳим жиҳатлар. Тарихий тажриба" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. «Узбекистан в период восстановления народного хозяйства СССР» (1974) монографияси, ҳаммуаллифликда яратилган «Ўзбекистон тарихи (1917–1993 й.)» 9-синф дарслиги (ўзбек ва рус тилларида; 1994–1995), «Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.)» 10-синф дарслиги (2000–2006 йилларда бу дарслик ўзбек, тожик, рус, қирғиз, туркман тилларида 10 марта нашр қилинди)нинг муаллифларидан бири.

Ўндан ортиқ китоб ва 120 та илмий мақолалар муаллифи. Халқаро, республика илмий-амалий анжуманларида иштироки: йигирмага яқин халқаро конференция ва қирқдан ортиқ республика конференцияларида қатнашган. У кўплаб шогирдларга устозлик қилган.

1. Узбекистан в период восстановления народного хозяйства СССР. –Ташкент: Фан, 1974.

2. Ўзбекистон тарихи (1917–1993 й.). 9-синф учун дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 400 бет.

3. История Узбекистана (1917–1993 гг.). Учебник для 9-классов. –Ташкент: Укитувчи, 1995. –386 стр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАРИМОВ УБАЙДУЛЛА ИСРОИЛОВИЧ



Ўзбекистон Республикаси ФА Академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти, Бобур номидаги олтин медаль соҳиби У.И. Каримов 1920 йил 1 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган.

У.Каримов 1941 йилда Ўрта Осиё индустриал институти кимё технологияси факультети (ҳозирги Кимё технологияси институти)ни, 1949 йилда эса Ўрта Осиё давлат университети Шарқ факультетининг эрон-афғон бўлимини тугатган.

1997 йил 11 октябрда вафот этган.

У.Каримов 1949–1951 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик инсититутининг аспирантурасида таҳсил кўриш билан бирга САГУнинг Шарқ факультетида форс тилидан дарс беради.

Олим 1952 йилдан Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инсититутида аввал кичик илмий ходим, сўнг катта илмий ходим лавозимларида ишлади. 1959–1975 йилларда шу институтнинг, Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва каталоглаштириш бўлимига мудирлик қилди. 1976–1988 йилларда Шарқ ёзма ёдгорликларини ўрганиш ва нашр этиш бўлимини бошқаради. 1988–1990 йилларда институтнинг етакчи илмий ходими, 1990–1997 йилларда институтнинг бош илмий ходими лавозимида ишлади.

У.Каримовнинг асосий илмий фаолияти Шарқдаги кимё, доришунослик, табобат тарихи каби соҳаларни ўрганишга қаратилган. Шу билан бирга, унинг араб бадиий адабиёти бўйича ҳам анчагина ишлари бор.

1953 йилда У.Каримов Шарқнинг буюк табиби ва кимёгари Абу Бакр Розийнинг фанга номаълум бўлган "Китоб сирр ал-асрор" асари бўйича "Неизвестное сочинение Абу Бакра ар-Рази "Книги тайны тайн" в свете других его трудов по химии" мавзусида номзодлик диссертациясини, 1972 йилда эса "Китоб ас-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сайдана" (Фармакогнозия) Беруни" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олим Абу Али ибн Сино илмий меросининг асосий тадқиқотчиси ва таржимонларидан бири. Унинг фаол иштирокида 1953–1961 йиллар "Тиб қонунлари" нинг барча беш китоби тўла ҳолда рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, илмий изоҳи билан нашр этилди. Русча таржиманинг 52 босма табоғи, ўзбекча таржиманинг 33 босма табоғи У.Каримов қаламига мансуб бўлиб, у яна 280 босма табоқдан иборат бўлган ўзбекча таржимага муҳаррирлик ҳам қилган. 1980–1982 йилларда чоп этилган "Тиб қонунлари"нинг икки тиллик тўлиқ нашри ҳам У.Каримов раҳбарлигида амалга оширилган.

У.Каримов 1980 йилда З.Бобохонов билан ҳамкорликда Ибн Синонинг гигиенага оид рисоласини рус тилида, 1987 йилда Ҳ.Ҳикматуллаев билан бирга Ибн Синонинг 11 рисоласини ўз ичига олган "Тиббий рисолалар" номли китобини ўзбек тилида чоп этди.

У.Каримов Абу Райҳон Беруний асарларининг илмий тадқиқоти ва нашрлари учун 1971 йилда Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Олим 1974 йилда Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси этиб сайланди, 1980 йилда унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони берилди.

1993 йил У.Каримов ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги хизматлари учун республикада биринчи бўлиб Бобур номидаги олтин медаль билан мукофотланган. Олим 1995 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланган.

Нашр этган асосий илмий асарлари:

1. Абу Али ибн Сино. Канон врачебной науки. (Перевод с арабского). Ташкент: Узбекистан, книга первая, 1954, 1981.

2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. (Арабчадан таржима). - Т.: Фан, биринчи китоб, 1954, 1982; иккинчи китоб (1956, 1982); бешинчи китоб (1961, 1980).

3. Неизвестное сочинение ар-Рази "Книга тайны тайн" (монография). - Т.: АН Узбекистана, 1957. - 192 с.

4. «Минг бир кеча» (Араб тилидан ўзбек тилига изоҳли таржима). Ўз. адабиёт нашр, 1961.

5. Абу Райхан Бируни. Фармакогнозия в медицине ("Китоб ас-сайдана фи-т-тибб"). - Т., 1973. - 1120 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Ибн Синонинг устозлари ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - Т., 1980. - №8-9. - 41–49 бетлар.

7. О медицинском наследии Ибн Сины. / Ибн Сина. К 1000-летию со дня рождения - Т., 1980. - с. 122–149

8. Среднеазиатские врачи эпохи Ибн Сины. / В сб.: Абу Али ибн Сина и естественные науки. –Т., 1980. с. 170–178.

9. "Тиб қонунлари"нинг ўрганилиш тарихидан. / Абу Али ибн Сино. Туғилган кунининг 1000 йиллиги. - Т., 1980. - 24–32 бетлар.

10. Абу Али ибн Сина. Трактат по гигиене. Предисловие и перевод с арабского на русский язык (В соавторстве с З.Бабахановым). - Т.: Узбекистан, 1982. – 112 с.

11. Врачи эпохи ал-Хорезми. // Общественные науки в Узбекистане. 1983. - №7. - с. 78–83.

12. Ибн Сина. Канон врачебной науки. Избранные разделы. (В соавторстве с Э.Хуршутом). - Т.: Фан, 1985. – 768 с.

13. Изучение научного наследия Ибн Сины в Узбекистане. – В кн.: "IV Всесоюзная конференция арабистов" Тезисы доклада. - Ереван, 1985.

14. Минг бир кеча (1001 ночь). (Араб тилидан ўзбек тилига таржима). – Т.: Ғафур Ғулом, 1986.

15. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар (Ҳ.Ҳикматуллаев билан ҳамкорликда). - Т.: Фан, 1987. – 357 б.

16. Навоий ҳаётининг сўнгги кунлари. // Шарқ юлдузи, 1987. - №2. - 180-183-бетлар.

17. "Книга тайн" и "Книга тайны тайн" ар-Рази (на арабском языке). – В кн.: "Новые исследования советских арабистов". - М., 1988.

18. Ибн Синога табобатдан дарс берган олим. // Шарқшунослик. - №1. 1990. - 12-19-бетлар.

19. "Словарь медицинских терминов" Абу Мансура ал-Кумри. / В сб. Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. Т.: Фан, 1991. – с. 112–155.

20. Абу Али ибн Сина «Канон врачебной науки». Избранные разделы (в 3-х томах). - М.-Т., 1994. (Совместно с Э. Хуршутом).

21. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдлик сайланма. (Ҳ.Ҳикматуллаев билан ҳамкорликда). - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ



Тарих фанлари доктори Э.Э.Каримов 1964 йили 10 февралда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1986 йили ТошДУ Шарқшунослик факультетини тугатган.

ЎзР ФА Тарих институти "Ўрта асрлар даври тарихи" бўлимида етакчи илмий ходим. 4 нафар шогирд тайёрлаган. Марказий Осиёда ўрта асрлар тасаввуф тарихи – олимнинг асосий илмий йўналиши ҳисобланади.

«Мовароуннаҳр руҳонийларининг роли, ўрни ва ижтимоий мавқеи» мавзусида номзодлик, «XII–XV асрлар Марказий Осиёда сўфийлик тариқатлари» мавзусида докторлик диссертацияларни ёқлаган.

Илмий ва ўқув-услубий ишларининг умумий сони 40 та, шу жумладан, асосийлари:

1. Ахмад Яссавий и ранняя суфийская традиция Средней Азии // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. - № 2. - Т., 1999.– Б. 40–52.

2. Ислам // История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века). Том III, Глава 2. - Т., 1993. –С. 336–349.

3. History of Civilization of Central Asia. Vol. 5.: Development in Contrast. Chapter 24: Religious movements, 16th to the mid. 19th Century, Islam / UNESCO, Paris. 2003. (0,5 п.л.).

4. Темур ва Темурийлар даврида диний мафкуравий вазият / Темур ва Улуғбек даври тарихи. - Т., 1996. – Б. 102–112.

5. Ўзбекистон ёшларида диний ва дунёвий қарашлар шаклланиши уйғунлиги муаммолари. Монография. - Т., 2004. (ҳаммуаллифликда).

6. Кубравийский вакф XVII–XIX вв. Письменные источники по истории суфийского братства кубравийа в Средней Азии. - Т.: Фан, 2008. - 280 с.

7. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. - Т.: Маънавият, 2003. - 48 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

8. "Меърожнома" тасвирларда // Фан ва турмуш. - Т., 1997. - № 6 (ноябрь-декабрь). 14-15 б.

9. "Temuriylar davrida sufiylik tariqatlari va ijtimoiy-siyosiy hayot" / Toshkent Islom Universiteti axborotnomasi. - T., 2003. – Б. 3.

10. "Ozbekiston tarixining orta asrlar davrini organish yollari va uning rivoji" / Tarix fanining markazi. UzR FA Tarix instituti: - T., 2003. B. 23–33.

11. «Ozbek milliy ma'naviyati taraqqiyotida muqaddas qadamjoy va ziyoratgohlarning orni» / Toshkent Islom Universiteti axborotnomasi. - T., 2004. – Б. 4.

12. "К характеристике некоторых позднесредневековых источников по истории деятельности тариката Кубравийа в Центральной Азии " / Ozbekiston tarixi. - T., 2006. - №1.- С.- 24–33.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАРИМОВА НАТАЛЬЯ ЭРМАНОВНА



Тарих фанлари доктори Н.Э.Каримова 1985 йили 15 октябрда Қозоғистон Республикаси, Гурьев (ҳозирги Атырау) шаҳрида таваллуд топган. Миллати корейс. 1983 йилда Тошкент давлат университети шарқшунослик факультетини тугатган.

Олима 1995 йилда «Сведения китайских источников о роли Кумульского округа во взаимоотношениях Китая с Туркестаном (в древности и средневековье)» мавзусида номзодлик, 2006 йилда «Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв.» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Бир нафар шогирди тарих фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлган.

Ҳозирда ФА Беруний номидаги Шарқшцнослик институти етакчи илмий ходими ва Тошкент давлат шарқшунослик институти проф.в.б. лавозимларида ишламоқда. ФА Шарқшунослик институти ҳузуридаги Д.015.14.01. Бирлашган ихтисослашаган кенгаш ва Мувофиклаштирувчи кенгаш аъзолари.

Н.Каримованинг илмий йўналиши – Шарқий Осиё давлатларининг (Япония, Хитой, Корея) ташқи сиёсати ҳамда Марказий Осиё ва АТР давлатларининг ўзаро муносабатлари.

Бир қатор республика ва халқаро миқёсидаги анжуманлар иштирокчиси. 60 дан зиёд илмий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Корея ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида бўлиб ўтган биринчи ҳукуматлараро иқтисодий форумда маъруза қилган. Сеул, 2007.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КАРИМОВА СУРАЙЁ УБАЙДУЛЛАЕВНА



Тарих фанлари доктори С.У.Каримова 1955 йил 30 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1977 йилда Тошкент давлат университетини тугатган.

Унинг илмий раҳбарлигида 1 нафар фан доктори ва бир нафар фан номзоди тайёрланган. Илмий йўналиши: Ўрта асрлар Марказий Осиёдаги табиий фанлар тарихи.

2007 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Glaucium тури ўсимликларининг алкалоидлари» (кимё фанлари номзоди, 1984).

Докторлик диссертацияси мавзуси: «IX–XI аср кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни» (2001 й.).

Илмий ишларнинг умумий сони 70 га яқин, шу жумладан:

1. Навоий даври табобати. - Тошкент: Ибн Сино, 1991. – 126 б. (М.Ҳасанов билан ҳаммуаллифликда).
2. Научные описания рукописей по химии и минералогии (49 оп.) Собрание восточных рукописей АН РУз. Точные и естественные науки. - Ташкент: Фан, 1998. - С.199–209.
3. Собрание восточных рукописей АН РУз. Медицина. - Ташкент: Фан, 2000. -302 с. (Ҳ.Ҳикматуллаев билан ҳаммуаллифликда).
4. IX–XI асрларда кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни. – Тошкент, 2002. - 467 б.
5. Biruneis Apocryphal Treatise on Natural Sciences./ Sciences, Techniques et Instruments dans le Monde Iranien ($X^e$–XIX siecle). - Teheran, 2004. - P.333–341.
6. Абу Бакр ар-Розий «Бўғин касалликлари ҳақида рисола» (араб тилидан таржима – Ш.Саидаҳмедов, нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Каримова). - Тошкент: 2005. - 80 б.
7. Хоразм Маъмун академияси. - Тошкент: Фан, 2005. - Б. 116–135. (Ҳаммуаллифликда).


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚДЫРНИЯЗОВ МУҲАММАД - ШИРИН



Тарих фанлари доктори, профессор М.Қдырниязов 1950 йил 30 март куни Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғи-рот туманида таваллуд топган. Миллати қорақалпоқ. Қорақалпок давлат педагогика институти ва Москва давлат университетини тамомлаган.

Олим 1980 йили «Города Золотой Орды Нижеамударьи» мавзусида номзодлик, 2005 йили «Культура Хорезма ва XIII–XIV вв.» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя килган.

М.Қдырниязовнинг 10 дан зиёд шогирдлари фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлган. Археология соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширган. Қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси. 100 дан зиёд илмий ишлари бор. Жумладан:

«XIII–XIV аср Хоразм шаҳарлари моддий маданияти», 1989 (рус); «Олтин Ўрда ва Орол бўйи маданияти», 1995 (кк); «Ўрта аср Хоразм шаҳарсозлик маданияти. XII–XIV аср». Самарқанд, 2007, 2009, (рус); «Ўрта асрлардаги Миздахкон», Самарқанд, 2010, (рус).

Ўқув-услубий қўлланмалар: «Орол бўйи археологияси». Темир асри, 1989 (рус); «Хоразм ўрта аср шаҳарлари бўйича ёзма манбалар ва тадқиқотлар», 1993 (кк), «Ўрта Осиё археологияси», 2003, 2006 (кк); «Ўрта асрлардаги Хоразм шаҳарсозлик маданияти», 2007 (ўзб.); «Амир Темур ва темурийлар даври Хоразм маданияти», 2009 (ўзб.).

1. Хорезм и Евроазиатская торговля в XIII–XV вв. (О роли Хорезма в мировой торговле) // «Научное и культурное наследие человечества третьему тысячелетию» / Международный симпозиум *посвященного 2500 летию Бухары и Хивы. – Ташкент, 1997.*

2. Термез и средневековые города Хорезма. К вопросу о связях материальной культуры Термеза и его округов с Хорезмом в X–XV вв. // «Место города Термеза в истории мировой цивилизации». – Ташкент-Термез, 2001.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Керамика Хорезма эпохи Темуридов // «Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни» / Халқаро илмий конференция. –Тошкент, 2002.

4. Этнодемографический фактор в урбанизационном процессе средневекового Хорезма // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар / Халқаро конференция. – Тошкент, 2005.

5. Хорезм и кочевий мир Арало-Каспийского региона (средние века) // Международная НТК «Арало-Каспийский регион в истории культуры Евразии». - Актобе (Казахстан), 2006.

6. Культура Хорезма в эпоху Золотой Орды // III Международная научная конференция посвященная 75-летию Г.А.Федорова-Давыдова /«Город и степь в контактной Евроазиатской зоне». –Москва, 2006.

7. Средневековые памятники Устюрта их значения в изучение культурных связей Хорезма // Международная научно-практическая конференция «Историко-культурное наследие Арало-Каспийского региона». -Актау (Казахстан), 2007.

8. Самарканд и Хорезм // «Роль Самарканда в истории мирового культурного развития» / Международный научный симпозиум, посвященный 2750-летнему юбилею города Самарканда. –Ташкент, 2007.

9. Хорезмско-джучидская культура в трудах С.П.Толстова // Доклад Международного симпозиума «Приаралье на перекрестке культур» и второго полевого семинара «Археология древнего Ташкырманского оазиса», посвященные 100-летию со дня рождения выдающегося исследователя Центральной Азии С.П.Толстова. Нукус-Бустон-Беруни, 2–4 октября 2007 года.

10. Металлические изделия из средневекового Миздахкана // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент / Международная научно-практическая конференция. – Шымкент, 2008.

11.Культурные связи средневекового Хорезма с Крымом // Шевченківська весна/ Шостоі Міжнародной науково-практичноі конференці молодих ученіх. Історія. –Київ, 2008.

12. Северное Причерноморье и Хорезм в золотоордынскую эпоху // Доклад Международной научной конференции посвященной памяти профессора Г.А.Федорова-Давыдова. – Азов, 2008.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИЧКИЛОВ ҲАМЗА



Тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Кичкилов 1947 йил 20 июнда Сурхондарё вилояти, Бойсун туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1968 йилда Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган.

Олим 1968–1969 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўзбекистон халқлари музейи илмий ходими, 1970–1973 йилларда Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси, 1979–1984 йилларда Термиз давлат педагогика институти «Тарих» кафедраси доценти, 1984–1985 йилларда Термиз давлат педагогика институти «Тарих» кафедраси мудири вазифасини бажарувчиси бўлиб фаолият кўрсатган. 2009 йилдан то ҳозирги кунга қадар Термиз давлат университети «Жаҳон тарихи ва манбашунослик» кафедраси профессори.

1. Термиз Чор Россиясининг ҳарбий қўрғони // Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар номли илмий тўплам. – Ташкент, 2001. - 0,5 б.т.

2. Мудофаа истеҳкомлари // Фан ва турмуш, 2001. - № 4. - 0,3 б.т.

3. Ўзбек халқ достончилигида Шеробод бахшичилик мактабининг ўрни. Бойсун баҳори халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2002. - 0,2 б.т.

4. Ўқитиш жараёнида хариталар // Халқ таълими, 2003. - № 5. - 0,6 б.т.

5. Фан харита билан уйғунлашса // Маърифат, 2003 йил 2–август.

6. Савдо йўли чорраҳасидаги манзил // ТерДУ проф-ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2003. - 0,3 б.т.

7. Юрты узбекских кунгратов и их оборудование // Бойсун баҳори. Материалы международной научной конференции.- Ташкент, 2003. - 0,5 п.л.



www.ziyouz.com kutubxonasi

8. Традиции наставничества в Шерабодско-Байсунской школе бахши // Бойсун баҳори. Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2003. - 0,4 п.л.

9. XX аср бошларида Термиз шаҳри // Ўзбекистон тарихи ва археология фанларининг долзарб муаммолари. Республика илмий конференция материаллари.- Самарқанд, 2003. - 0,3 б.т.

10. Воҳа аҳолисининг этнографиясида қадимий спорт ўйинларининг акс этиши. Республика илмий-амалий анжумани материаллари 1-қисм. – Термиз, 2003. - 0,2 б.т.

11. Халқ ўйинлари // Бойсун баҳори. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2004. - 0,4 б.т.

12. Мунажжим Аҳмад Устурлобий Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақида // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция материаллари. – Термиз, 2004. - 0,4 б.т.

13. Сурхон воҳаси қўйчилигида аждодларимиз анъанаси. // Жайхун. - Термиз 2005. - № 3-4. - 0,6 б.т.

14. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши // Жайхун. – Термиз, 2005. - № 1. - 0,6 б.т.

15. Термизлик буюк мунажжим // Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий конференция материаллари. 2-қисм. – Тошкент, 2006. - 0,4 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КОБЗЕВА ОЛЬГА ПЕТРОВНА



Тарих фанлари доктори О.П.Кобзева 1975 йил 11 ноябрда Тошкент шахрида туғилган. Миллати рус. 1999 йили Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олима 1998 йилда университет аспирантурасига сиртдан қабул қилиниб, тарих факультети "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида фаолиятини ўқитувчи сифатида бошлади.

2001 йилда "Великий Шелковый путь: проблемы научной периодизации и истоки изучения европейскими учеными во второй половине XIX-начале XX в.в." мавзуда номзодлик, 2010 йилда "Великий Шелковый путь: анализ проблем и перспектив изучения" мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

2004 йилдан доцент унвонига эга бўлган. О.Кобзева 80 дан ортиқ илмий мақолалар ва икки монография муаллифи. Унинг илмий мақолалари Россия, ХХР, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон каби хорижий давлатларида ҳам чоп этилган.

У ЎзФА Шарқшунослик институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи ва Ихтисослашган кенгаш аъзоси.

Халқаро лингвистик академияси (Борнмут, Англия, 2004) дипломи соҳибаси. Унинг асосий нашрлари:

1. Великий Шелковый путь: история и современность.
2. История изучения Великого Шелкового пути европейскими учеными во второй половине XIX–начале XX вв.
3. Великий Шелковый путь и мировая цивилизация, 2002.
4. Методика преподавания истории в школе, 2003.
5. История Узбекистана, 2004.
6. История торговли и предпринимательства в Узбекистане. (К.А.Тухтабеков билан ҳаммуаллифлмкда).
7. Методические разработки по курсу Истории Узбекистана. (Совместно с Р.Б.Сиддиковым), 2010.
8. История Узбекистана. (Совместно с Р.Б.Сиддиковым), 2011.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОДИРОВ РАҲИМЖОН



Тарих фанлари доктори, профессор Р.Қодиров 1950 йил 5 февралда Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1971 йилда ТошДУнинг шарқ факультети хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи бўлимини тамомлаган.

Р.Қодиров 1971 йилдан бошлаб факультетнинг мазкур Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва 1981 йилдан доцент лавозимида ишлаб келган.

Р.Қодиров 1973–1976 йиллар собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил кўрди. 1977 йилда "Крестьянство в социально-политической жизни Ирака между двумя мировыми войнами" номли мавзуда номзодлик, 1993 йилда эса "Основные аспекты эволюции аграрно-крестьянской проблемы в Ираке (конец XIX–XX вв.)" деган мавзудаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Р.Қодиров 1991–1992 йиллар факультет негизида ташкил этилган Тошкент давлат шарқшунослик институтининг тарих факультети декани ва 1992-1993 йиллар давомида институтнинг тарбиявий ишлар бўйича проректори вазифаларида хизмат қилди. У 1993 йилдан хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасининг профессори вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб, араб мамлакатларининг ташқи сиёсати мавзу бўйича илмий ишлар олиб борди. Ҳозирги кунда Ташқи ишлар вазирлигида бўлим бошлиғи вазифасида ишламоқда. Асосий илмий ишлари:

1. Развитие национальной нефтяной промышленности Иракской Республики. // Труды ТашГУ. Вып. 456. Востоковедение, 1973. – С.149–156.

2. Очерки об Ираке. // Азия и Африка сегодня. –М., 1976. - №6.

3. Крестьянские движения в Ираке между двумя мировыми войнами. // Труды ТашГУ. Вып. 497. Востоковедение, 1976. – С.156–162.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Социально-эномическая структура в период между двумя Мировыми Войнами. // Труды ТашГУ. Вып. 546. Востоковедение, 1977. – С.130–137.

5. Ирак: жизнь озерный арабов. // Маяк Востока. - Ташкент, 1992 - № 3–4.

6. Умей богатством распорядиться. // Жизнь и экономика, 1992. - №10.

7. Об аграрной экономике арабских стран. // Жизнь и экономика, 1992. - №8.

8. Зеленая революция в азиатских странах // Сборник трудов Тошкентского государственного института востоковедения. – Ташкент, 1992. - №3.

9. Дажла ва Фурот оралиғида. // Шарқ машъали. – Тошкент, 1992. - №3–4.

10.Культура солидарности и геополитическая культура. – Токио, 2002. – 25 с.

11.Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопастность. – Ташкент, 2002 . – 10 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОСИМОВ АНВАР МАҲМУДОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.М.Қосимов 1936 йил 13 апрелда Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1958 йилда ТошДУнинг шарқ факультетини тамомлаган.

Олим 1958–1962 йилларда Москвадаги собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олган. 1962 йилда “Жанубий Ҳиндистоннинг XVIII асрдаги тарихи” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1963–1965 йиллар мобайнида ЎзФА Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб хизмат қилиб, 1965 йилдан ТошДУ қошидаги чет эллик студентлар учун мўлжалланган факультетида декан лавозимида фаолият кўрсатади. Кейинги йиллар у давлат ташкилотларида хизмат қилади. 1971–1973 йиллар давомида А.Қосимов Москва дипломатия академиясида таҳсил кўради.

А.Қосимов 1973–1974 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида масъул котиб вазифасида хизмат қилади. 1974–1978 йилларда эса, Туркиядаги Совет элчихонасида биринчи котиб, сўнгра маслаҳатчи лавозимларида ишлайди. 1978–1979 йилларда собиқ иттифоқ Ташқи ишлар вазирлигида маслаҳатчи вазифасида ишлади. 1979 йилдан Ўзбекистон компартияси марказий қўмитасида масъул лавозимларда ҳизмат қилди.

А.Қосимов 1988 йилда Москва давлат педагогика институтининг илмий кенгашида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1967 йилда олимга доцент ва 1991 йилда профессор илмий унвонлар берилган.

1991 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг халқаро муносабатлар кафедрасига мудир этиб сайланган.

А.Қосимов урду, турк ва инглиз тилларини мукаммал билади. Олим Туркистонда ташкил этилган Хўжа Аҳмад Яссавий номли халқаро қозоқ – турк университетининг фаҳрий профессори.

А.Қосимов республика жамоат ишларида ҳам фаол катнашиб келмоқда. Унинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистонда “Турк



www.ziyouz.com kutubxonasi

маданияти маркази" ташкил қилинган. Ўзбекистон-Туркия дўстлик жамиятининг вице – президенти.

А.Қосимов 100 дан ортиқ мақолалар, монография ва илмий тўпламлар муаллифи. Жумладан:

1. Ҳиндистоннинг Майсур вилоятининг инглиз мустамлакачиларига қарши кураши. – Тошкент: Фан, 1964.
2. Борьба Майсура за независимость в конце XVIII в.- Ташкент, 1964. – 117 с.
3. Ҳиндистоннинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун кураши. - Тошкент, 1967. – 60 б.
4. Ҳозирги Туркия. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979.
5. Туркия. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 152 б.
6. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент, 1964. – 112 с.
7. Основы дипломатии.- Ташкент, 1966. – 110 с.
8. Дипломатическая и консульская служба. – Ташкент, 1998. – 129 с.
9. Международно-правовые аспекты создания зон, свободных от ядерного оружия. – Ташкент, 1999. – 112 с.
10. Внешполитические ориентиры Республики Узбекистан. – Ташкент, 2000. – 120 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОСИМОВ ФАРҲОД ҲАБИБОВИЧ



Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, тарих фанлари доктори, профессор Ф.Ҳ.Қосимов 1941 йил 10 октябрда Бухоро шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1963 йилда олим Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган.

2006 йил 10 декабрда вафот этган.

Олим 1971–1976 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг кафедра мудири, 1983–1986 йилларда тарих факультети декани, 1986-1992 йилларда Бухоро Давлат педагогика институти ректори, 1992 йилдан то умрининг охиригача “Тарихшунослик ва манбашунослик”, кейинчалик “Жаҳон тарихи ва тарихшунослик” кафедраларини бошқарган.

Ф.Ҳ.Қосимовнинг илмий изланишлари доирасида жаҳон тамаддунининг ўчоқларидан бири – Бухоро тарихини ёритиш алоҳида ажралиб туради. Серқирра ижод соҳиби Ф.Қосимов Темурийлар даврида Бухоро тарихи, Бухоро ва Хоразмни советлаштириш жараёнлари тарихшунослиги, Бухоро Халқ Совет Республикси тарихшунослиги, Бухорода Қизил армияга қарши кураш масалалари билан бир қаторда, Ўрта Осиё халқларининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср биринчи чорагидаги тарихи, Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихи ҳамда тарихшунослиги масалалари, халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши кураш муаммоларини жиддий равишда тадқиқ этган.

Бутун илмий фаолияти, педагоглик маҳоратини тарих фани равнақига ва мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратган Ф.Ҳ.Қосимов мустақиллик йилларида баракали ижод қилди. Сўнгги ўн йил ичида заҳматкаш ва фидойи олимнинг 7 та китоби нашр этилди. Унинг илмий раҳбарлигида олтита фан номзодлиги диссертациялари тайёрланиб, ҳимоя қилинди. Ф.Ҳ.Қосимов мустақиллик даврида Бухоро вилояти тарихчилар жамиятининг раиси бўлиб ишлади. Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти қошидаги Ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ф.Ҳ.Қосимов Москва, Варшава, Париж, Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон тарих фани ютуқларини жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшди.

*"Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил" кўкрак* нишони билан тақдирланган (2006).

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Советская историография Бухарской Народной Советской Республики» (1968).

Докторлик диссертацияси мавзуси: «Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму, минуя капитализм» (1980).

Олим ўндан ортиқ китоб ва 120 та илмий мақолалар муаллифи. Шу жумладан:

1. Переход народов Средней Азии к социализму, минуя капитализм. Историографический очерк. –Ташкент: Фан, 1979. -168 стр.
2. Минуя капитализм. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. –Москва: Наука, 1980. -376с.
3. Темурийлар даврида Бухоро. –Бухоро, 1996.
4. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. –Бухоро, 1996. -71 б.
5. Драма революции и правда истории (формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). –Бухара, 1996. -88 стр.
6. Бухоро тарихи масалалари. Мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Қосимов. –Бухоро, 1996. -200 б.
7. Бухоро-Париж: асрлар садоси (ўзбек ва француз т.). – Бухоро, 1997.
8. Бухоро: тарих саҳифалари. Мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Қосимов. –Бухоро, 1999. -184 б.
9. В плену иллюзий. Религиозный экстремизм – угроза миру и стабильности. –Ташкент: Издательско-полиграфический творческий дом Гафура Гуляма, 2004. -168 стр. (Ҳаммуалиф.).
10. Истиқлол ва тарихий хотира. Мақолалар тўплами. – Бухоро, 2006. -156 б.

Халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларидаги иштироки: йигирмага яқин халқаро ва қирқдан ортиқ республика конференцияларида қатнашган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КОШАНОВ БАХЫТБАЙ АБДИКЕРИМОВИЧ



Тарих фани доктори, профессор Б.А.Кошанов 1958 йил 2 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида таваллуд топган. Миллати қорақалпоқ. 1980 йилда Қорақалпоқ давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1988 йилда «Страницы организации Туркестанской АССР – как исторический источник (1918–1922 гг.)» мавзусида номзодлик, 1995 йилда «Деятельность туркестанских большевиков 1917-1922 годах: миф и истина» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Унинг раҳбарлиги остида 11 нафар шогирди фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлган. Ҳозирда Қорақалпоқ давлат университети «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи» кафедраси профессори лавозимида ишламоқда.

XX аср 20–30 йиллари Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон тарихи масалалари устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бир қатор республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар иштирокчиси. 300 га яқин илмий, ўқув-услубий ишлар муаллифи:

1. Ўзбекистон янги тарихи. 2-китоб. – Тошкент, 2000 (ҳаммуаллиф).
2. Қорақалпоғистон янги тарихи. – Нукус, 2003 (ҳаммуаллиф).
3. Право на вторжение. Неизвестные страницы истории Каракалпакстана и Хорезма в 1919–1920 гг. – Нукус, 1993.
4. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Каракалпакии и Хорезма в первой четверти XX века. – Нукус, 1997.
5. Музыкальная культура Каракалпакстана в 1950–2005 годы. - Нукус, 2008.
6. Ўзбекистон тарихи. Ўкув-услубий қўлланма. – Нукус, 2009.
7. Қорақалпоғистон 1917 йилда. – Нукус, 2009.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚУТИБОЕВ ЗОКИР АБДУРАҲМОНОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор З.А.Қутибоев 1943 йил 8 март куни Андижон шарида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Олим 1984 йилда Тошкент давлат университетини (хозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет) тамомлаган.

2010 йил декабрда вафот этган.

З.А.Қутибоев 1984 йилдан 2010 йил декабрь ойигача Андижон давлат университети Тарих факультетининг Умумий тарих кафедраси мудири лавозимида ишлаган. «Тарихшунослик», «Манбашунослик» ва «Тарихий тадқиқотлар методи» соҳаларда фаолият олиб борган. Илмий мактаби “Хожа Аҳрор Валий ва унинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни”.

З.А.Қутибоев 1971 йилда «Хожа Аҳрор ва унинг авлодларининг вакф мулклари тарихига доир» мавзусида номзодлик, 1998 йилда «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва уни Мовароуннахрнинг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий *тарихида тутган ўрни» мавзусида докторлик диссертацияларини* ҳимоя килган.

Олимнинг 50 дан ортиқ илмий иши чоп этилган, шулардан энг диққатга сазоворлари:

1. Хожа Ахрор Валий. Монография. – Тошкент: Фан, 1996. - 8,0 б.т.
2. Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг маърифат мактаби. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 5,0 б.т.
3. Хожа Аҳрор маънавияти. Монография. – Тошкент: Фан, 2007 йил. 12,0 босма табоқ.
4. Эпиграфика. Услубий қўлланма, 1999.
5. Манбашунослик. Услубий қўлланма. – Андижон, 2000.
6. Хожа Аҳрор мақбарасидаги битиклар. - Тошкент, 2009.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КУТИНА МАРИЯ МИХАЙЛОВНА



Тарих фанлари доктори М.М.Кутина 1934 йил 14 июлда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати рус. 1952 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) шарқ факультетининг Ҳиндистон тарихи бўлимини тамомлаган.

Олима 1962 йилда "Региональные общественные организации Индии II-половины XIX в." мавзуда номзодлик, 1990 йилда эса "Региональные идейно-политические течения в национально-освободительном движении Индии последней четверти XIX – начала XX вв." мавзуда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

М.М.Кутина 1961 йилдан бери Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида аввал кичик илмий ходим, 1965 йилдан катта илмий ходим бўлиб хизмат қилади. 1989 йилнинг январида у ўзи узоқ йиллар давомида ишлаган «Жанубий Осиё мамлакатлари халқларининг сиёсий тараққиёти ва ижтимоий ҳаракатлари» бўлимига раҳбар қилиб тайинланади.

Олима Жанубий Осиё мамлакатлари тарихига оид кўпгина республика ва халқаро анжуманларда маърузалар билан қатнашган. Кўп йиллардан бери М.М.Кутина Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўриндош сифатида, талабаларга Осиё ва Африка мамлакатлари тарихидан, Ҳиндистон бўйича махсус курслардан маърузалар ўқиб келмоқда. Олима 35 та илмий мақола ва монографиялар эълон қилган. Жумладан:

1. Из истории национально-освободительного движения в Индии. – Ташкент: Фан, 1965.
2. Индия и Узбекистан (в соавторстве с С.И.Тансикбаевой). – Ташкент: Узбекистан, 1965.
3. Индия в борьбе против колониализма, за мир сотрудничество между народами (Д.Мухамедова, А.Косимов билан ҳаммуаллифликда). – Ташкент: Фан, 1967.
4. Некоторые праздники и ритуалы народов Южной Индии. // В сб.: Индия. – Ташкент: Фан, 1973.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Индийская ассоциация и её деятельность в конце XIX – начало XX вв. // В сб.: Очерки история Индии. – Ташкент: Фан, 1977.

6. Деятельность Индийского национального конгресса и региональных общественных организаций Индии. (И.М.Хошимов раҳбарлигида тузилган монографиялар). – Ташкент: Фан, 1988.

7. Социально-политические и экономические воззрения Чонал Кришна Гокхале. // В сб.: Южная Азия: история и современность. – Ташкент, 1991. – С.29-57.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАВЛОНОВ ЎКТАМ МАХМАСОБИРОВИЧ



Тарих фанлари доктори Мавлонов Ўктам Махмасобирович 1962 йил 19 ноябрда Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани, Кўкдала ж\х, Суфи қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1989 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДЖҚА "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ва тараққиёт стратегияси" кафедраси профессори бўлиб ишлаган. 1 та шогирди тарих фанлари номзоди.

Ўзбек давлатчилиги, давлат бошқаруви, Марказий Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлардаги иктисодий-маданий алоқалари, Марказий Осиё халқлари ҳарбий санъати тарихи, Марказий (Ўрта) Осиёнинг тарихий географияси – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

1995 йилда "Қашқадарё воҳасининг XVII–XIX асрлардаги савдо ва маданий алоқалари" мавзусида номзодлик, 2009 йилда "Ўрта Осиёнинг алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари" докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Илмий ва ўқув-услубий ишларининг умумий сони 60 дан ортиқ. Жумладан:

1. XVIII–XIX асрларда Шаҳрисабз ва Китоб // Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 172–202. (Ҳаммуалиф.)
2. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – 272 б. (Ҳаммуалиф.)
3. Шаҳрисабз. Минг йилликлар мероси: Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган монография-альбом. – Тошкент: Шарқ, 2002. (Ҳаммуалифликда).
4. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004. –122 б. (Ҳаммуалиф.)
5. Qarshi. Карши. Qarshi. Китоб-альбом. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 368 б. (Ҳаммуалиф.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Ўрта асрлар ва темурийлар даврида давлат бошқарув *тажрибаси // Давлат қурилиши ва бошқаруви* – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2008. – Б. 57–91.

7. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008. – 432 б.

8. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2006. – 140 б. (А.С. Сагдуллаев билан ҳаммуаллифликда).

9. *Қадимги йўллар ва хизмат кўрсатиш тизими* // Сб. статей: Трансоксиана – Мавераннахр. – Ташкент: Изд. журнала SAN'AT, 2007. – Б. 128-135.

10. Марказий Осиёнинг карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши // Ozbekiston tarixi. – Тошкент, 2008. – №. 1. – Б. 3–16.

Олим кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда қатнашган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАВРУЛОВ АБДУХАЛИЛ АБДУЛХАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов 1954 йил 9 августда Наманган вилоятида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1976 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган.

Олим 1976–1977 йилларда Тошкент вилояти педагогика институтида ўз фаолиятини бошлаган. 1979 йилдн Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида аввал ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида меҳнат қилган. 1994 йилдан 2012 йилгача институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори лавозимида ишлаб келди.

А.Маврулов 1993 йилда «Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти: умумий ҳолати, муаммолари, ривожланиш йўллари (70–йилларнинг ўрталари – 1990 йил)» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ўзбекистон маданияти, маданиятшунослик, маданият назарияси – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

2006–2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси Фалсафа, ҳуқуқ ва тарих фанлари бўйича Эксперт комиссияси аъзоси, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш аъзоси.

Олимнинг илмий раҳбарлигида 12 нафар тадқиқотчи фан номзоди илмий даражасига эга бўлган. А.Маврулов хорижий илмий алоқаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Унинг илмий раҳбарлигида Иорданиялик икки нафар тадқиқотчи фан номзоди илмий даражасини ҳимоя қилишган. Хорижий давлатлар, хусусан Киев, Қозон, Челябинск давлат маданият ва санъат университетлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони ва «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси» нишони билан тақдирланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Илмий ва ўқув-услубий ишларининг умумий сони 150 дан ортиқ. Жумладан:

1. Маънавий соғломлаштриш даври. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 136 б.

2. Таълим тизимида маданият масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004. – 108 б.

3. Маданият ва тафаккур ўзгаришлари. – Тошкент: Адолат, 2004. – 114 б.

4. Маданият тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 136 б.

5. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 96 б.

6. Ўзбекистон XX аср маданий ҳаёт: анъаналар ва трансформация жараёнлари. Тошкент, 2010. (Ҳаммуалиф).

7. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000–2008.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАМБЕТУЛЛАЕВ МИРЗАМУРАТ МАМБЕТУЛЛАЕВИЧ



Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор М.М.Мамбетуллаев 1935 йил 1 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Шўманай туманида таваллуд топган. Миллати қорақалпоқ. Олим 1956 йили Қорақалпоқ давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

1968 йилда «История орошения Каракалпакстана (1937–1960 гг.)» мавзусида номзодлик, 1994 йили «История и культура Южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в до н.э. – IV в н.э.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Олимнинг асосий илмий йўналиши – қадимги ва ўрта асрлар даври Оролбўйи археологияси, тарихи ва маданияти ҳисобланади.

М.М.Мамбетуллаев 1985 йилдан ҳозирги кунда қадар ФА Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институти ҳузуридаги 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича Ихтисослашган кенгаш, Самарканддаги ФА Археология институти ҳузуридаги Ихтисослашган Кенгаш аъзоси. 3 нафар шогирди фан номзоди даражасига сазовор бўлган. 100 дан зиёд ишларни нашр этган. Жумладан:

1. Исследования на городище Куюккала. // Археологическое исследования в Узбекистане. Вып.4. - Ташкент, 2004, –С. 95–98.
2. Қарақалпақстан тарийхы. –Н. 2002, 1-бөлим, 6,0 б.т.
3. Қарақалпақстан тарийхы. –Н. 2003, 2-бөлим, 8,0 б.т.
4. Qaraqalpaqstan tariyxi. –N. 2004, 3-bolim, 8,0 b.t.
5. Влияние экологических аспектов этнического развития Приаралья. //«Экологическое образование и устойчивое развитие». Материалы международной научно-практической конференции. – Нукус, 12–13 октября 2004 г. –С. 85–86.
6. Этникалық аймақтың кәлиплесиўинде экологиялық жағдайлардың орны. //«Экологическое образование и устойчивое развитие». Материалы международной научно-практической конференции. – Нукус, 12-13 октября 2004 г. –С. 84–85.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7. Қарақалпақ халкының этногенези: изертлеў машқалалары. //Республикалық илимий-теориялық конференциясы материаллары. «Қаракалпак халкының этногенези ҳәм этник тарийхы». – Нөкис, КМУ, 2005.

8. Археология и культурное наследие Республики Каракалпакстан. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти «Жанубий Орол бўйи археологияси, этнографияси ва тарихи масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. – Нукус, 2011.

9. Қарақалпақстан тарийхы. – Нукус, 2005, 3-бөлим, 8,0 б.т.

10. Қарақалпақстан тарийхы. –Н. 2009, 4-бөлим, 8,0 б.т.

Олим халқаро, республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАТБОБОЕВ БОҚИЖОН ХОШИМОВИЧ



Тарих фанлари доктори Б.Х.Матбобоев 25 август 1955 йили Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1977 йили Андижон давлат университетини тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1977 йили Ўзбекистон Республикасси ФА Археология институтига бронза ва илк темир даври бўлимига ишга кирган. 1979-1981 йиллари Ленинград (ҳозирдаги Санкт-Петербург) шаҳридаги Моддий маданият институтида стажер-тадқиқотчи бўлган. 1981–1984 йй. ушбу институтнинг Ўрта Осиё ва Кавказ бўлимида кундузги аспирантурани ўтаган.

Б.Х. Матбобоев 1985 йили Санкт-Петербург шаҳрида "Чуст деҳқончилик маданиятининг маҳаллий шакллари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя этган.

1998 йилдан ҳозиргача ЎзР ФА Археология институтининг Турон археологияси бўлими мудири. 1994–1995 йй. ЮНЕСКО ташкилотининг "Буюк Ипак йўли" (Хироямa фонди) лойиҳасида қатнашган.

200 дан зиёд илмий ишларни нашр этган. Жумладан:

1. Fruhmittelalterliche grabstatten im nordlichen Fergana-Tal (Usbekistan) // Archaologische Mitteilungen aus Iran und Turan. – Berlin: Band 30.
2. Древние тюрко-рунические надписи Узбекистана // htpp: www.eurasica.ru / articles/ writing;
3. К изучению памятников эпохи бронзы и раннего железа Синьцзяна // Культура номадов Центральной Азии. – Самарканд, 2008.
4. Древние города Ферганской долины. – Ташкент, 2008 (в узбекском, английском и русском языках).
5. An Early Medieval Urban Necropolis in Ferghana // Silk Road Art and Archaeology, vol. 3, 1993-1994. – Japan: Tokyo.
6. Kubo sity in Akhmad al-Fargoni's epoch (в узбекском и английском языках). – Tashkent, 1998.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАҲКАМОВА НОДИРА РАҲМОНОВНА



Тарих фанлари доктори, доцент Н.Р.Маҳкамова 1967 йил 14 мартда Тошкент шаҳрида, зиёли оилада таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1989 йили ТошДУнинг тарих факультетини тамомган.

Олима 1995 йилда "Файзулла Хўжаевнинг давлат фаолиятига оид материаллар тарихий манба сифатида (1925–1937 йй.)" мавзусида номзодлик, 2009 йилда эса "Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX – 30-е годы XX в.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1996 йилда Н.Р.Маҳкамова ЎзР ФА Тарих институтининг «Тарихшунослик ва манбашунослик» бўлимига илмий ходим лавозимига ишга қабул қилиб, 1999 йилдан 2002 йилгача шу институтда докторант бўлиб фаолият олиб борди.

Докторантурани тугатгач, Н.Р. Маҳкамова ЎзР ФА Тарих институтининг «Тарихшунослик ва манбашунослик» бўлимига катта илмий ходим лавозимига ўтказилган, 2006 йилнинг апрелига қадар шу бўлимнинг "Очерки историографии Узбекистана XX века" лойиҳасига раҳбарлик қилган. Олиманинг асосий илмий йўналиши – XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий тузум масалалари ҳисобланади.

Н.Р.Маҳкамова ўзининг маърузалари билан кўплаб республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда, семинарларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Шуларнинг қаторида Аллигарх (Ҳиндистон, 2003 йил), Алматы (Қозоғистон, 2004 йил), Сиэттл (АҚШ, 2005, 2007 йилар), Баку (Озарбайжон, 2009) шаҳарларда бўлиб ўтган илмий семинар ва конференцияларда қатнашган.

2006 йили ўз илмий фаолиятини олий таълим тизимида давом эттириш мақсадида Н.Р. Маҳкамова Тошкент Ахборот


www.ziyouz.com kutubxonasi

технологиялари университетининг "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири лавозимига ишга ўтди.

Олима 70 га яқин илмий ишлар чоп эттирган. Жумладан:


1. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е гг. XX в.).– Ташкент: Aloqachi, 2009. – с.240.

2. Роль ислама в жизни среднеазиатского общества (вторая половина XIX в. – начало XX в.) (научно-методическое пособие) – Ташкент: Aloqachi, 2007. – с.48.

3. Очерки становления и формирования национальной интеллигенции Узбекистана (научно-методическое пособие) – Ташкент: Aloqachi, 2008. – с. 64.

4. К вопросу об уровне просвещенности среднеазиатских государств конца XIX – начала XX вв. // Ozbekiston tarixi. – Ташкент, 2000. – № 1-2. – С. 13–22.

5. Социально-нравственные и духовные процессы в узбекистанском обществе конца XIX – начала XX вв. // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2001. – № 2. – С. 85–91.

6. Ўзбекистон жамиятида ўртахол мулкдорлар синфининг таркиб топиши // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2001. – № 2. – Б. 20–30.

7. Развитие и деятельность национальной интеллигенции в Узбекистане XIX – начала XX века // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 2002. – № 3-4. – С. 62–70.

8. Formation of class of middle owners in the Uzbek society at the end of the $19^{th}$ – beginning $20^{th}$ centuries // International Journal of Central Asia Studies. – Seoul, 2002. – Vol. 7. – P. 53–65.

9. Модель социальной структуры узбекистанского общества: тенденции развития, насильственное разрушение // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2002. – № 4. – С. 20-30.

10. Социальная структура общества Туркестанского края в условиях колониального режима // Вестник КазНУ им. Фараби. Историческая серия. – Алматы, 2004. – № 3 (34). – С. 61–65.

11. Historical Distinctions of Mentality Progress in Uzbek Civic Society // International Journal of Central Asia Studies. – Seoul, 2005. – Vol. 10. – P. 177–186.




www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАҲМУДБЕКОВ ШУҲРАТ



Тарих фанлари доктори, профессор Ш.Маҳмудбеков 1949 йил 10 августда Тошкентда туғилган. Миллати ўзбек. 1971 йил Тошкент давлат университситети шарқ факультетининг араб филологиясини тамомлаган.

Олим 1971–1973 йилларда Миср Араб Республикасида ҳизматда бўлиб таржимон лавозимида ишлади. 1973–1977 йилларда собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олган.

Ш.Маҳмудбеков "Положение рабочего класса и рабочее движение в Египте (1952–1970 гг.)" мавзусида номзодлик, 1991 йилда эса "Классы и политические партии Египта в борьбе за независимость (1918-1970 гг.)" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

1977 йилдан 1988 йилгача ТошДУ шарқ факультети хорижий шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва 1986 йилдан доцент лавозимида хизмат қилган.

1993 йилда унга профессор илмий унвони берилди. Олим 1992 – 1994 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти Умумий тарих кафедрасининг мудири бўлган, айни пайтда кафедра профессори.

Илмий йўналиши – хорижий шарқ мамлакатлари тарихи, ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг давлат тузуми ҳамда иқтисоди.

Олим ТошДШИ қошида ташкил этилган тарих, фалсафа ва сиёсатшунослик фанлари бўйича ихтисослашган илмий кенгашнинг аъзоси.

Ш.Маҳмудбеков 2 монография ва 20 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Жумладан:

1. Развитие рабочего законодательства в Египте. 1952–1967 гг. – В сб.: «Политические и социальные отношения в странах Востока». – М.: Наука, 1975.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Проблема заняности и формирование рабочего класса в Египте. – В сб.: Востоковедение. – Ташкент, 1985.

3. Мисрда “Озод офицерлар” яширин ташкилотининг фаолияти – “Шарқшунослик” тўпламида. – Тошкент, 1991. - №2.

4. Борьба народа Египта за независимость. – Ташкент, 1992.

5. Рабочий класс в Египте 1950–1970 гг. – М.: Наука, 1993.

6. “Мусулмон биродарлар” ва “Миср ал-Фатат” диний ташкилотларнинг вужудга келиши, ташкилий асослари ва фаолияти (1920–1960 йиллар). // Шарқшунослик. – Тошкент, 1994.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУКМИНОВА РОЗИЯ ГАЛИЕВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Р.Г.Мукминова 1922 йилда таваллуд топган. 1939–1944 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

2007 йилда вафот этган.

Олима 1944 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг янги ташкил этилган илмий муассасаларидан бири – Тарих институтининг дастлабки аспирантларидан бўлди. Аспирантлик йилларида оёққа тураётган тарих фани эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёш тадқиқотчини институт шу даврда шарқшунослик марказларидан бири бўлган Ленинградга (Санкт-Петербург) юборди. Олиманинг табиатига хос меҳнатсеварлик, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги, ўз даврининг йирик олимлари – И.П.Петрушевский, Н.Д. Миклухо-Маклай, А.Ю. Якубовский, П.П. Иванов, Я.Ғ. Ғуломов, С.П. Толстов кабилар билан ишлаш жараёнида орттирган тажрибаси уни тарих деб аталган кўҳна фаннинг сўқмоқли йўлларидан олдинга ундади.

Р.Г.Мукминова 1949 йилда собиқ СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида (Ленинград) «Мовароуннахр учун Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш» мавзусида номзодлик, 1972 йилда эса «Самарқанд ва Бухоронинг XVI аср ҳунармандчилиги» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. У ҳаётини тарихнинг жуда мураккаб, қарама-қаршиликларга бой ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишлади. Ўтмиш халқлар ўйлари, умидлари, турмуш тарзи, бажарган амаллари акс этган қўлёзма асарлардан мисқоллаб йиғилган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи, унда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масалаларига ойдинлик киритувчи тадқиқотлар яратди.

Олиманинг тинимсиз меҳнати самараси сифатида «XVI аср Ўзбекистон аграр муносабатлар тарихидан (Вақфнома материаллари асосида)" номли монографияси (1966), Ўзбекистон



www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳарлари тарихига бағишланган «Самарқанд тарихи» (1969 й.), «Бухоро тарихи» (1976 й.), «Тошкент тарихи» (1988 й.), «XVI аср Самарқанд ва Бухоронинг ҳунармандчилиги тарихидан лавҳалар» (1976 й.), «Тўрт аср олдинги Тошкент» (1984 й.), «XV–XVI аср Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг дифференциацияси» (1985 й.) асарлари босмадан чиқди.

Мустақиллик йилларида олима ҳаққоний тарихни тиклаш, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этиш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш ва замонавий ёндашувлар асосида талқин этишга ўз ҳиссасини қўшди. Шунингдек, олима Ўзбекистон тарихи бўйича кўп жилдлик фундаментал тадқиқотларни тайёрлаш ишига ҳам ўзининг муносиб улушини қўшди. Унинг раҳбарлиги остида "Ўзбекистон тарихи"нинг III жилди чоп этилди (1993 й.).

Р.Г. Мукминова ҳаммуаллифлигида тарихимизнинг энг долзарб муаммоларига бағишланган «Темур ва Улуғбек тарихи» (1996 й.), «Амир Темур» (2000 й.), «Амир Темур жаҳон тарихида» (1996 йил ўзбек, рус ва инглиз тилларида), «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» (2002 й. ўзбек ва рус тилларида) каби фундаментал тадқиқотлар яратилди. 2002 йилда олиманинг йирик археолог олима М.И. Филанович билан ҳамкорликдаги «Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней и средневековой истории города)» рисоласи нашр этилди. Ушбу асарларда олима томонидан ёзилган қисмларда ўрта аср жамияти ҳаётида Ўзбекистон шаҳарларининг роли, улардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли жиҳатлари ўзининг илмий талқинини топди.

Р.Г.Мукминова ҳозирги кунга қадар 300 га яқин илмий ишларнинг муаллифи сифатида тарих фани ривожига катта ҳисса қўшди.

Р.Г.Мукминова нафақат республика, балки хорижда ҳам ўз маслакдошларига эга, халқаро илмий жамоатчилик орасида катта обрў қозонган олимадир. ЮНЕСКО томонидан чоп этилган "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" кўп жилдлик асарнинг асосий муаллифларидан бири. У бир қатор нуфузли халқаро илмий анжуманларнинг доимий иштирокчиси сифатида ўзининг сўнгги ўрта асрлар тарихи бўйича илмий изланишлари натижаларини хорижлик тадқиқотчилар эътиборига тақдим этган. Улар жумласига Канада (Торонто, 1989 й.), Германия (Бамберг, 1991й.), Франция



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Страсбург, 1987 й.), Туркия (Анкара, 1997 й.), АҚШ (Лос-Анжелес-Калифорния, 1998 й.), Медисон-Висконсин, 1998 й., Австрия (Вена, 2000 й.), Эрон (Теҳрон, 2001 й.) да ўтказилган халқаро конференцияларни киритиш мумкин. Олиманинг маърузаларидан нафақат Ўзбекистон илмий жамоатчилиги, балки Париж (Франция), Висконсин (АҚШ), Токио, Киото (Япония) университетлари ўқитувчи ва талабалари ҳам баҳраманд бўлганлар.

Олима илмий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга, олий таълим тизими билан алоқани узмади. Тошкент давлат педагогика Университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти талаба ва магистрантларига ўрта асрлар тарихининг кўплаб долзарб муаммолари бўйича махсус курслар ўқиди. Умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети билан узвий ҳамкорликда ишлаб, ёш тарихчи-тадқиқотчиларнинг ўз илмий йўналишларини топишига катта ҳисса кўшди. Розия Галиевна ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш йўлида ҳам тинмай меҳнат қилди. Олима раҳбарлиги остида 1993 йилда тайёрланиб, ўзбек, рус, қозоқ, туркман ва тожик тилларида чоп этилган ўрта мактабларнинг 7- синф учун мўлжалланган "Ўзбекистон тарихи" дарслиги ана шу меҳнатнинг маҳсулидир.

Р.Г. Мукминова республикада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти ва Шарқшунослик институтлари қошидаги докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган Кенгашларнинг нуфузли аъзоси сифатида улар ишида фаол иштирок этди.

Р.Г.Мукминова ишлари рўйхати:

1. Рисола как источник по истории техники и производственных отношений в позднефеодальной Средней Азии. // Бартольдовские чтения. Тезисы докладов. - М., 1990. - С. 52–53.

2. Традиции взаимосвязей по Великому шелковому пути в позднефеодальный период. // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Т., 1990. - С. 117–125.

3. Введение. // Позднефеодальный город Средней Азии. – Т., 1990. – С. 5–7.

4. Позднефеодальные Бухара и Самарканд – центры связей Средней Азии с сопредельными странами, Россией и Европой. // Позднефеодальный город Средней Азии. – Г., 1990. – С. 90–99.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Самарканд и Бухара на трассах Великого шелкового пути в XV–XVI вв. // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1–6 октября 1990 г. – Т., 1990. - С. 110–113.

6. К характеристике караван-сараев Бухары. // Города и караван-сараи на трассах Великого шелкового пути. Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО. Ургенч, 2–3 мая 1991 г. - Ургенч, 1991. - С. 58–61.

7. Темурий ҳукмдорлар. // Ёш куч. - 1991. - № 6. – Б. 22–23.

8. Единство и своеобразие городов на среднеазиатских трассах Великого шелкового пути в свете экономических связей (XV-XVII вв.). // Восток: прошлое и будущее народов. Тезисы докладов IV Всесоюзной конференции востоковедов. Махачкала. 1-5 октября 1991 г. - М., 1991. - С. 157–159.

9. Алишер Навоийнинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари («Маҳбуб ул-қулуби» асари асосида). // ОНУ. – 1991. - № 6. – Б. 27-32.

10. An Auxilirary Role of Two Main Trends of Islam in the Wars Between Shaybani-khan and Ismail Shah // ESCAS IV (4 th European Seminar on Central Asian Studies), Bamberg, October, 8-12, 1991. – P. 31.

11. Социальные портреты средневековья. // Диалог. – 1991. - № 12. – С. 65–69.

12. Олтин ва муқаддас бешик. Ўзбекистон тарихини оқилона ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Интервью: давра суҳбат. // «Совет Ўзбекистони», 11 апрель 1991 йил.

13. Craftsmen and Guild Life in Samarkand // Timurid Art and Culture. Iran and Central Asia in the fifteenth century. E.J. Brill. Leiden. – New York. Koeln. 1992. - P. 29–35.

14. Взаимосвязи казанских и бухарских кожевников. // Татарстан. – 1992. - № 8-9. - С. 96–98.

15. Введение. // История Узбекистана. - Т. III (XVI - первая половина XIX века). – Т., 1993. - С. 3–4. (Ответственный редактор).

16. Источники. // История Узбекистана. - Т. III. – Т., 1993. - С. 5–11.

17. Краткие данные о зарубежной литературе. // История Узбекистана. - Т. III. – Т., 1993. - С. 28–30.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУРТАЗАЕВА РАҲБАРХОН ҲАМИДОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Муртазаева 1950 йил 20 март куни Наманган шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1972 йилда ТошДУнинг тарих факультетини тамомлаган.

Олима 1972–1975 йиллар давомида ТошДУнинг аспирантурасида ўқиган.

1975 йилда "Ўзбекистон меҳнаткашларининг байналминал тарбияси" мавзусида номзодлик, 1990 йилда эса "Ўрта Осиё республикаларидаги миллатлараро муносабатларнинг иқтисодий асоси" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Р.Ҳ.Муртазаева 1976 йилдан меҳнат фаолиятини ТошДУда бошлаб то ҳозирги кунга қадар илмий-педагогик фаолиятини ушбу даргоҳ (Ўзбекистон Миллий университети) билан чамбарчас боғлади.

Р.Ҳ.Муртазаева 1993 йилдан то ҳозирги кунга қадар ЎзМУ тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» (собиқ факультетлараро) кафедраси мудири лавозимида узлуксиз равишда фаолият кўрсатмоқда.

Р.Ҳ.Муртазаева 1995–2004 йиллар мобайнида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маънавий-маърифий ва гуманитар таълим ишлари бўйича биринчи проректори лавозимида фаолият кўрсатиб, республика таълим тизими соҳасида, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳиссасини қўшди. Шу даврда университет таълим ва ўқитиш тизимидаги кўплаб ижобий ўзгариш ва янгиланишларда олиманинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар, кам сонли миллатлар ва бағрикенглик, тарихий-демографик жараёнлар, таълим тизими масалалари олиманинг асосий илмий йўналиши ҳисобланади. Унинг ташаббуси билан 2006 йили университетда "Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик" илмий маркази очилди. Олима "Миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик тарихи" илмий мактабининг асосчиси ҳисобланиб, бу соҳада кўплаб салмоқли ишларни амалга оширди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Р.Ҳ.Муртазаеванинг илмий раҳбарлигида ҳозирги кунга келиб 10 нафар тадқиқотчи докторлик ва 20 нафар тадқиқотчи номзодлик диссертацияси устида ўз илмий-тадқиқот ишларини самарали равишда давом эттирмоқдалар. Ҳозирги даврга қадар профессор Р.Ҳ.Муртазаева раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, 25 нафар фан номзодлари тайёрланган.

Узоқ йиллар самарали илмий ва педагогик фаолияти муносиб баҳоланган ҳолда олима 1995 йили Ўзбекистон Республикасининг "Шухрат" медали билан тақдирланган.

Р.Ҳ.Муртазаева мустақиллик даврида республикада биринчилардан "Ўзбекистон тарихи" фанини олий таълим ўқув дастурига киритиш тарафдори бўлиб, унинг раҳбарлигида илк бор миллий истиқлол руҳи акс этган, аввало, Ўзбекистон тарихидан маърузалар матни, сўнгра ўқув қўлланма ва дарсликлар нашр этилди. Бу ўз навбатида олимани ва унинг бошчилигидаги илмий-педагогик жамоани 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланишига сабаб бўлди.

Миллий университет тарихи мавзуси Р.Ҳ.Муртазаева раҳбарлик қилаётган кафедра жамоаси илмий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис университетнинг қатор таваллуд ёшларига бағишланган адабиёт ва рисолаларда олиманинг катта ҳиссаси бор. Жумладан, 2008 йили ЎзМУ таваллудининг 90 йиллигига бағишланган халқаро анжуманда Р.Ҳ.Муртазаеванинг чиқиши илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Олима бир неча йиллардан буён бевосита илмий фундаментал ва инновацион лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар Марказининг 2005 йил 27 декабрдаги фармойишига кўра "Ўзбекистонда демократик жараёнлар ва миллатлараро бағрикенглик: тарих ва ҳозирги замон" китоби учун профессор Р.Ҳ.Муртазаева китобнинг ҳаммуаллифлари билан биргаликда 2005 йилги танловининг "Жаҳон фани ютуқлари даражасида бажарилган фундаментал тадқиқотлар танловнинг ғолиби бўлган.

2008 йили май ойида профессор Р.Ҳ.Муртазаева Хитой пойтахти Пекинда жойлашган Миллатлар Марказий университети илмий жамоатчилигига, магистрант, аспирант ва докторантларига "Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик" мавзусида маърузалар туркумини ўқиди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олима 2001–2004 йилларда Халк депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати сифатида пойтахт ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Р.Ҳ.Муртазаева 1996–1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти ҳузурида фаолият кўрсатаётган Д.015.09.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш раиси муовини, хозирги кунга қадар шу кенгаш аъзоси, шунингдек, институт ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси хамдир. Профессор Р.Ҳ.Муртазаева 1999 йилдан то ҳозирги кунга қадар узлуксиз равишда Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш раиси сифатида республикада илмий кадрлар тайёрлаш жараёнига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Олима 2008 йилдан бери Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг гуманитар фанлар бўйича ўқув - услубий комиссияси раиси.

Р.Ҳ.Муртазаева 2009 йил май ойидан Ўзбекистон Республикаси Хотин- қизлар “ОЛИМА” уюшмаси раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, олима “Зулфия” мукофотини тақдим этиш бўйича Давлат комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси Раёсатининг аъзоси.

Р.Ҳ.Муртазаева бир қатор халқаро ва республика микёсидаги анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Италия (Болоньи), Германия (Дармштадт), Хитой Ҳалқ Республикаси (Пекин), Россия (Саранск), Қозоғистон (Алма-ота)да бўлган халқаро анжуманларда, Хива. Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Тошкент шаҳарлари юбилейларига бағишлаган халқаро конференцияларда маърузалар билан иштирок этган. Олий таълим сохаси жараёнларида фаол иштироки учун Ўзбекистон Миллий университетининг “Юксак хизматлари учун ” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Профессор Р.Ҳ.Муртазаева ташаббуси ва раҳбарлигида бир қатор республика ва халқаро миқёсда илмий-амалий анжуманлар ташкил қилинди. У томонидан яратилган “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва багрикенглик” фани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2007/2008 ўқув йилидан бошлаб республика олий ўқув юртлари тарих факультетлари магистрантлари учун асосий фан сифатида ўқитилиб келинмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Профессор Р.Ҳ.Муртазаева 200 дан зиёд илмий, ўқув-услубий ишларига эга. Жумладан:

1. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. Соавтор О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке. – Ташкент: Абу Али Ибн Сино, 1998. – 160 с.; 2-ое дополненное издание. – Ташкент: Янги аср авлоди,, 2011. – 251 с.

2. Экономика – основа интернационального единства (на материалах республик Средней Азии. 1946–1958 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1998. – 155 с.

3. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. В соавтор. О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, А.Салиев. – Ташкент: Университет, 2002. – 125 с.

4. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис факультетлари учун дарслик). Масъул муҳаррир ва муаллиф. Ҳамкорликда). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 674 б.

5. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. В соавторстве О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке. – Ташкент: Университет, 2004. – 179 с.

6. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 2010. - 150 с.

7. Университетское образование в Узбекистане в условиях глобализации // Материалы междунар. науч. конф. «Роль Национального университета в развитии системы высшего образования и науки в Узбекистане», посвященной 90-летию Национального университета Узбекистана, 22–23 августа 2008.- С. 325–329.

8. Мирзо Улуғбек даврида ўзбек давлатчилиги // Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси. Халқаро илмий конф. маърузалари.- Самарқанд, 2009 йил 9–11 июнь.

9. Хотин-қизлар илмий салоҳиятининг юксалиши – жамиятда барқарорлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш омили // Мустақил Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли. Илмий-амалий анжуман. –Т., 2009 25 август.

10. К вопросу об особенностях менталитета узбеков. - "Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик" мавзусидаги Академик Карим Шониёзов ўқишлари туркумида V Республика илмий - амалий анжумани. - Тошкент, 2010 йил. 140–144 бб.


www.ziyouz.com kutubxonasi

11. История Узбекистана. Учебник для студентов высших учебных заведений. Ответ.редактор и соавтор. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2011. – 367 с.
12. Влияние миграции на национальный состав и численность населения Республики Узбекистан. // ЎзМУ хабарлари, 2011 йил, махсус сон, 242–250 бетлар.
13. Преподавание истории Узбекистана в высших учебных заведениях на новом уровне – веление времени. – Материалы Международной научно-практической конференции: «Проблемы и перспективы исторической науки». Алматы, 18 марта 2011 г. – Алматы, 2011.
14. Мустаҳкам оила – давлат ва жамият асоси. – Илмли аёл – мустаҳкам оила таянчи мавзусидаги минтақавий илмий-амалий конференция материаллари. 2012 йил 13 апрель. – Тошкент – Урганч, 2012. 10–17 бетлар.
15. Globalization and university edication in Uzbekistan. Beitrage zur Entuicklung in Uzbekistan and China. Wissenschaftliche Entuicklung: Band 5, Anthology, 2012. – seite 79–82.

***Профессор Раҳбар Муртазаеванинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида адабиётлар:***

1. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади // Халк сўзи. – 1999. 8 январь.
2. «Самимият сабоғи ёки дарахт бир жойда кўкаради» мақолига ҳаётдан бир мисол // Адолат. – 2001. – 23 ноябрь.
3. Муқаддас даргоҳ // SAODAT. - №8. – 2003. – Б.17-18
4. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ҳақида маълумот. – Тошкент: Университет, 2003. – Б.167.
5. Содиқова М. Раҳбар Муртазоева. // Ўзбек олималари (Илм-маърифат фидойилари). 1 китоб. – Тошкент, 2004. – Б.87–88.
6. Раҳбархон Муртазаева. Ташаббус ва яна ташаббус // Аёл яратган дунё. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 82–83.
7. Холиқова Р.Э. Олима ва фозила аёл ҳақида сўз // Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни. – Тошкент, 2008. – Б.6-8.
8. Холбоев С. Миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик тарихи. Р.Ҳ. Муртазаеванинг илмий мактаби ҳақида // Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. – Тошкент: Oqituvchi, 2008. – Б. 305–314.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУСАЕВ НУРИДДИН УМИРЗОҚОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Н.У.Мусаев 1949 йил 17 мартда Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги Ёнбош қишлоғида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1972 йилда Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1965 йили ўрта мактабни тугатгандан кейин колхозда ҳисобчиликдан бошлаган. Олим 1972–1974 йиллари ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1974 йилдан Республика “Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятида” етакчи илмий ходим бўлиб, 1975 йилдан Энциклопедия таҳририятида илмий муҳаррир, катта илмий муҳаррирлик лавозимларида фаолият кўрсатган.

Н.У.Мусаев 1980 йилдан Тошкент давлат политехника институти (ҳозирги ТДТУ) да ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, “Маданият ва маърифат ишлари бўйича” бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1997 йилдан Тошкент давлат аграр университетида дастлаб «Ўзбекистон тарихи», кейинчалик “Гуманитар фанлар” кафедраси мудири, 2011 йилдан профессор лавозимида ишлаб келмоқда. 1999 йилдан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 07.00.01 - “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш аъзоси.

Олим 1989 йили “Агросаноат интеграциясини ривожлантиришда Ўзбекистон компартиясининг роли” мавзусида номзодлик диссертациясини, 2000 йилда «XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олимнинг бешта шогирди номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Н.У.Мусаев халкаро ва республика микёсидаги илмий-амалий конференцияларда маърузалари ва маколалари билан мунтазам иштирок этиб келади.

Н.У.Мусаевнинг илмий йўналиши – ўзбек халқи давлатчилиги, Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти тарихини тадқиқ этиш ва Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳисобланади.

Н.У.Мусаевнинг 110 га яқин илмий ва ўқув-услубий ишлари чоп этилган бўлиб, шулардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Сўнгги тош давридан – XX аср бошларига қадар). –Тошкент: Фан, 2005. – 234 бет.

2. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2008. – 165 бет.

3. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). –Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2011. – 183 бет.

4. Ўзбекистон тарихи атласи. – Тошкент: Ўзгеодезкадастр, 1999. – 29 бет. (Ҳаммуаллифликда).

5. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. –Тошкент: Шарқ, 2001. – 354бет (Ҳаммуаллифликда).

6. Madaniyatshunoslik. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ босмахонаси, 2011. – 265 бет. (Ҳаммуаллифликда).

7. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар тўплами. – Тошкент: ТошДАУ, 2003. –185 бет.

8. Дарёга айланган ирмоқлар. // Гулистон, 1992. - № 9–10. - 18–19 бетлар.

9. Генерал Жўрабекнинг қотили ким? // Мулоқот, 1995. -№ 1–2. - 36–39 бетлар.

10. Чор Россиясининг аҳолини кўчириш сиёсати. // Гулистон, 2000. – № 1. - 54–55 бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУҲАММАДЖОНОВ АБДУЛАХАД РАҲИМЖОНОВИЧ



Академик, тарих фанлари доктори, профессор А.Р.Муҳамаджонов 1931 йил 2 октябрда Тошкентда туғилган. Миллати узбек. 1951 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) шарқ факультетининг шарқ мамлакатлари тарихи бўлимини тамомлаган.

Олим 1952–1955 йилларда ЎзФА Шарқшунослик институтининг аспирантурасида таҳсил олган.

А.Муҳаммаджонов 1955 йилда Яҳё Ғуломов раҳбарлигида "XIX асрнинг 20–50-йилларида Бухоронинг Россия билан олиб борган алоқаларига доир манбалар" мавзусидаги номзодлик, 1973 йилда эса "Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадим замонлардан то XX аср бошларигача)" мавзусида докторлик диссертацияларини химоя қилган.

Олим 1955–1956 йиллар давомида Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик илмий ходим, 1956–1970 йилларида эса ЎзФА Тарих ва археология институтида катта илмий ходим ва сектор мудири, 1970 йилдан ЎзФА Археология институтида бош илмий ходим, бўлим мудири, сўнг унинг директори лавозимида ишлаган.

1989 йилда профессор ва шу йилнинг ўзида Ўзбекистон ФА нинг фан ва техника ихтисослиги бўйича мухбир аъзолигига сайланди.

1996–2000 йилгача ФА Тарих институти директори вазифасида хизмат қилган. А.Муҳаммаджонов кўп қиррали тарихчи, археолог олим бўлиб, унинг илмий фаолияти республика, чет элларда ҳам тарих, манбашунослик, археология, топонимика бўйича илмий ва археологик тадқиқотлар олиб борилган. Шу жумладан:

1. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатларига доир манбалар. (XX аср 20–50-йиллар). (Т.Неъматов билан ҳамкорликда). - Тошкент, 1957.
2. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. (Қадимги замондан то XX аср бошигача). -Тошкент, 1972.- 375 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.). –Тошкент, 1988– 294 с.

4. Бухоро водийсининг суғорилиш тарихи. -Тошкент, 1980.

5. Пойканд шаҳар харобаси. - Тошкент, 1988.

6. Қадимги Тошкент. -Тошкент, 1988.

7. Ўзбекистон тарихи. - Тошкент, 1994. - 320 б.

8. Темур ва темурийлар салтанати. -Тошкент, 1996. – 128 с.

9. Древние гидротехнические сооружения Узбекистана. – Ташкент, 1997. – 88 с.

10. Населенные пункты Бухарского эмирата. Материалы к исорической географии Средней Азии. – Ташкент, 2001. – 414 с.

11. Древний Ташкент. – Ташкент, 2002. – 79 с.

**А.Муҳаммаджонов ҳақида:** Муҳаммаджонов Абдулаҳад Раҳимжонович. – ЎзСЭ, 7-жилд, 1976, 481-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## НАЗАРОВ САЛОҲИДДИН АЛИЖОНОВИЧ



Тарих фани доктори, профессор Назаров Салоҳиддин Алижонович 1930 йил 1 январда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1953 йили Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган.

16 нафар фан номзодини тайёрлаган. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар – олимнинг илмий йўналиши.

1960 йилда «Руководство партийным и государственным строительством в Средней Азии (1918–1924 гг.)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1969 йилда «Партийное строительство в Средней Азии (1918–1934 гг.)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Олим археология ва тарих соҳаларида кўплаб шогирдлар етиштирган. Олимнинг илмий тадқиқотлари катта амалий аҳамиятга моликдир. Унинг археологик изланишлари туфайли Қизилқумга туташган қадимги суғорилган ерлар аниқланиб, улар қайта ўзлаштирилди. Олим 350 га яқин илмий мақолалар, кўплаб китоб, рисола ва бир неча дарслик ҳамда ўқув-қўлланмалар муаллифидир.

50 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи ҳамдир. Унинг бир қанча асарлари чет элларда ҳам нашр этилган. У республика ва хорижий мамлакатлар симпозиум ва анжуманларида илмий маърузалар билан қатнашиб келмоқда.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## НУРИДДИНОВ ЭРКИН ЗУХРИДДИНОВИЧ



Тарих фанлари доктори Э.З.Нуриддинов 1956 йил 26 декабрь Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1978 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих факультетини тамомлаган.

Олим Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти ва Тошкент давлат педагогика университетларида фаолият юритган.

Э.З.Нуриддинов 1985 йилда "Вклад Узбекской ССР в экономическое, научно-техническое и культурное сотрудничество СССР с Венгерской Народной Республикой (1960-1980 гг.)" мавзусида номзодлик, 2000 йилда «Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы» мавзусидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

20 га яқин шогирдлари бор, улардан 6 нафари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганлар. Замонавий халқаро муносабатлар ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштироки олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

Олим ҳозирда Тошкент давлат педагогика университети "Тарих" кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Бир қатор республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар иштирокчиси. 50 дан ортиқ халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган. 100 дан ошиқ нашр этилган илмий ва ўқув-услубий ишлари мавжуд. Жумладан:

1. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. - Ташкент.- Чулпон, 2002. – 216 с.
2. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан // Ўзбекистон тарихи. - 2002. - №4. - 3–11 бетлар. (Ҳаммуалифликда).
3. Вклад Республики Узбекистан в обеспечение безопасности и стабильности в Центральной Азии // Ўзбекистон тарихи – 2005. - №3. - 22– 31 бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Инициативы Узбекистана по обеспечению безопасности и стабильности Центральноазиатского региона. – Россия-Узбекистан: история и современность. (ч.III). Тема номера: Современные тенденции международных отношений в Центральной Азии. // ЕвроАзия. – Москва, 2008. ноябрь. - № 6. – с. 32–37.

5. Некоторые вопросы безопасности во внешнеполитической деятельности страны. // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2011. - № 1. - с. 94–97.

6. История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. (Коллективная монография). - Тошкент, 2011. - 170 с.

7. Новая история (1 период). – (учебное пособие). - Ташкент: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2009. (Соавтор.)

8. Международные отношения 1918–1939 гг. Хронология событий. Учебно-методическое пособие (по курсу «Международные отношения и интеграционные процессы в XX столетии»). - ТГПУ имени Низами. – Ташкент, 2009.

9. Энг янги тарих. (1918–1945 йиллар). (1 кисм). – Дарслик. – Тошкент: ASR-MATBUOT, 2010. (Ҳаммуалифликда).

10. Энг янги тарих. (1989-2008 йиллар). – Ўқув қўлланма. – Тошкент: ASR-MATBUOT, 2010. (Ҳаммуалифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОБЛОМУРАДОВ НАИМ ХАЛИМОВИЧ



Тарих фанлари доктори Н.Х.Обломурадов 1952 йил 17 ноябрда Самарканд вилояти Ургут туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1974 йили Тошкент давлат педагогика институтини, 1999 йил, Тошкент давлат иктисодиёт университети-нинг магистратура йўналишини тугатган.

Олим айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси Солик академияси Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори.

Икки нафар шогирд тайёрлаган. Олимнинг илмий йўналиши – XX аср кишлок хўжалиги тарихи, соликлар тарихи хисобланади.

«Ўзбекистон мехнаткашларининг улуғ ватан уруши йилларида озод килинган районларнинг халк хўжалигини тиклашга берган ёрдами» мавзусида номзодлик, «1971–1990 йилларда Ўзбекистонда аграр ишлаб чикариш ривожи: тажриба, амалиёт ва муаммолар» мавзусида докторлик диссертацияларини химоя килган.

Н. Обломурадов бугунги кунгача 15 дан ортик илмий ва ўкув-услубий кўлланмалар муаллифи. Жумладан:

1. Аграрная политика в Узбекистане. Монография. – Ташкент: Узбекистан, 1993.

2. Ўзбекистон тарихи (ўкув кўлланма). – Тошкент: Халк мероси, 2002 (хаммуалифликда).

3. Президент Ислом Каримов асарларида солик сиёсатини такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий ва тарихий ахамияти. Ўкув кўлланма. – Тошкент, 2008. – 6,0 б.т. (Хаммуалифликда).

4. Узлуксиз солик таълими: уни амалга ошириш масалалари (Ўкув кўлланма). – Тошкент, 2007. - 6,75 б.т. (Хаммуаллифликда).

5. Талабалар мустакил ишларини ташкил этиш технологиялари. Ўкув кўлланма. – Тошкент, 2008. – 9,0 б.т. (Хаммуаллифликда).

6. "Маънавият асослари" фанидан дарс ўтиш технологиялари. Ўкув кўлланма. – Тошкент: Иктисод-молия, 2008. – 9,0 б.т. (Хаммуаллифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОЛТИНОВ МАНСУР



Тарих фанлари доктори, профессор М.Олтинов 1938 йил 5 февралда Кармана туманига қарашли Темиршайх қишлоғида таваллуд топган. 1962 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим меҳнат фаолиятини 1954 йилда оддий тракторчиликдан бошлаган. 1957 йилдан маориф соҳасида хизмат қила бошлайди. 1962-1966 йилларда Кармана туманидаги 5-ўрта мактабда тарих фани ўқитувчиси, 1966 йилдан бошлаб Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институтида катта ўқитувчи вазифасига ишга қабул қилиниб, шу илм даргоҳида доцент, профессор, кафедра мудири, декан муовини, декан вазифаларида меҳнат қилган. 2000 йилдан бошлаб Навоий давлат педагогика институти "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида дастлаб кафедра мудири, сўнгра профессор вазифасида ишлаб келмоқда. М.Олтинов 1972–1975 йилларда Қозон давлат университетида аспирантурани, 1986–1988 йилларда Санкт-Петербургдаги Герцен номидаги педагогика университетида докторантурани ўтаган. Бу даврда илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди, тарих фанлари доктори илмий даражаларини, доцент, профессор илмий унвонларини олади.

Шунингдек, М.Олтинов бир қатор халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган, қатор китоблар нашр этган. Жумладан:

1. Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон. – Тошкент: Фан, 2006.
2. Ўзбекистон Конституцияси – инсон манфаатларининг ҳуқуқий асоси. – Тошкент: Фан, 2007.
3. Ўзбекистон Конституцияси. Давлат. Жамият. Шахс. – Тошкент: Фан, 2007.
4. Миллатнинг дардига дармон бўлиб.... – Тошкент: Фан, 2005.
5. Қуйи Зарафшон воҳаси. Иккинчи китоб. – Тошкент: Фан, 2007.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАЖАБОВ ҚАҲРАМОН КЕНЖАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори Қ.К.Ражабов 1962 йил 26 июнда Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Саврак қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1989 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

Олим Ўзбекистон ФА Тарих институтининг етакчи илмий ходими (2000 йилдан). "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим аълочиси" (2000). 4 нафар шогирд тайёрлаган.

Ўзбекистоннинг совет даври тарихи; Ўзбекистон давлатчилиги тизимида Бухоро амирлигининг тутган ўрни, Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати; БХСР ва ХХСР тарихи – олимнинг асосий илмий йўналиши ҳисобланади.

Қ.К.Ражабов 1995 йилда "Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 й.й.)" мавзусида номзодлик диссертациясини, 2005 йилда "Туркистон минтақасида совет режимига қарши куролли ҳаракат (1918–1924 й.й.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

50 га яқин тарихий китоблар ҳамда 800 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар муаллифи. Шу жумладан:

1. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 й.). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -32 бет.
2. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 й.). –Тошкент: Маънавият, 2002. -144 бет.
3. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). 3-нашри. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -136 бет. (Ҳаммуалифликда).
4. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -616 бет. (Ҳаммуалифликда).
5. Қизилтепа тарихи. –Тошкент: Муҳаррир, 2011. -388 бет. (Ҳаммуалифликда).
6. Файзулла Хўжаев. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -48 бет.
7. Мадаминбек. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -40 бет.


www.ziyouz.com kutubxonasi

8. Шермуҳаммадбек. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -56 бет.
9. Насруллоҳхон. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -48 бет.
10. Усмон Хўжа. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -36 бет. (Ҳаммуалифликда).
11. Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -32 бет. (Ҳаммуалифликда).
12. Ражабов Қ., Ражабов Д. Ҳамро Полвон. –Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -44 бет. (Ҳаммуалифликда).
13. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.). Ўқув қўлланма. –Тошкент: Университет, 2002. -168 бет. (Ҳаммуалифликда).
14. Ражабов Қ. ва б. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик солномаси (1991–2011 й.). –Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2011. -128 бет. (Ҳаммуалифликда).

Олим 150 га яқин халқаро, республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАЖАПОВА РАЪНО ЁДГОРОВНА



Тарих фанлари доктори Р.Ё.Ражапова Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида 1935 йил 1 октябрда туғилган. Миллати ўзбек. Олима 1958 йилда Москва давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

2005 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Олима маълум муддат давомида Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида масъул лавозимларда хизмат қилган. Р.Ё.Ражапова 1959 йилда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтига ишга киради ва шу пайтдан айрим танаффуслар билан то умрининг охиригача тарих фани соҳасида фаолият кўрсатди.

1967 йилда «Создание и работа политорганов в войсках Туркреспублики и Туркфронта (1918–1920 гг.)» мавзусида номзодлик, 1986 йилда «Идеологическая работа Компартии Узбекистана в период строительства социализма (1925–1937 гг.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Р.Ё.Ражапова 1986–1991 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих институти директори лавозимида ишлади. Бу мамлакат ҳаётидаги мураккаб, жиддий ўзгаришлар арафаси, айни пайтда, тарих фани таназзулга юз тутган давр эди. Бу мураккаб вазиятда Р.Ё.Ражапованинг илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти тарих фанидаги янгиланиш жараёнларига бошчилик қилиши тарихчи кадрларни ёшартириш йўлини тутганида намоён бўлди.

Р.Ё.Ражапованинг илмий изланишлари доирасидаги XX асрда Туркистон ва Ўзбекистонда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатлари: жадидчилик ва совет режимига қарши қуролли ҳаракат, Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш, сиёсий партиялар фаолияти каби муаммолар илк бор жалб қилинган архив материаллари, янгича ёндашувлар асосида ўрганилди.

Бутун илмий фаолиятини Ўзбекистонда тарих фани равнақига бағишлаган Р.Ражапова дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда иштирок этди, республика олий ўқув юртларида тарих фанининг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалари орқали тарихий



www.ziyouz.com kutubxonasi

билимларни тарғиб қилди. Унинг раҳбарлигида 3 фан доктори ва 7 фан номзодлиги диссертациялари ҳимоя қилинди.

Р.Ё.Ражапова Тошкент, Москва, Лиссабонда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон тарих фани ютуқларини жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшди. Р.Ражапова шунингдек, ЮНЕСКО томонидан нашр этилаётган "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" (француз тилида) номли кўп жилдлик асар муаллифларидан бири бўлди.

Фидойи олиманинг илмий ва мураббийлик фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланади. Р.Ё.Ражапова 2003 йилда "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Олима 15 га яқин тарихий китоблар ва 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Жумладан:

1. Ян Рудзутак (рус ва ўзбек т.). –Ташкент: Ёш гвардия, 1976. -44 с.
2. Идеологическая работа Компартии Узбекистана в период строительства социализма (1925-1937 гг.). –Ташкент: Узбекистан, 1982. - 232 с.
3. Историко-партийная наука в Узбекистане. –Ташкент: Узбекистан, 1982. -248 с. (Соавторстве).
4. "Ҳужум"нинг тарихий тажрибаси. –Тошкент, 1987.
5. Ўзбекистон тарихи (1917–1993 й.). 9-синф учун дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. -400 бет. (Ҳаммуалифликда).
6. История Узбекистана (1917–1993 гг.). Учебник для 9-классов. –Ташкент: Укитувчи, 1995. -386 с. (Соавторстве).
7. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. – Ташкент: Шарк, 2000. -672 с. (Соавторстве).
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. –Тошкент: Шарқ, 2000. -688 бет. (Ҳаммуалифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАСУЛОВ АБДУЛЛА НУРИТДИНОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.Н.Расулов 1959 йили 1 январда Наманган шаҳарда таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1985 йилда Тошкент давлат университетини тугатган.

Олим ҳозирги кунда Наманган давлат университети “Тарих фанлари” кафедраси мудири лавозимида ишлайди.

1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳайъатининг фахрий ёрлиғи; 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланган.

А.Н.Расулов 2 нафар фан номзодини тайёрлаган. Ўзбекистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий-иктисодий тарихи, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: муаммо ва ечимлар борасида илмий тадкиқотлар – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

А.Н.Расулов 1990 йилда «Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918–1924 гг.)» мавзусида номзодлик, 2005 йилда «Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917–1924 йй.)» мавзусида докторлик диссертацияларни ҳимоя қилган.

Бир қатор илмий ва ўқув-услубий ишларнинг муаллифи. Жумладан:

1. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2005.
2. Инқилоб манфаатлари ҳимоячиси // Жамият ва бошқарув, 2006, – Б. 100–102.
3. Ихтиёрий-мажбурий ёрдамлар...// Тарих тилга кирганда... Даврий тўплам. -Наманган, 2007.- №1. – Б. 58–65.
4. XX аср бошларидаги ўзбек халқининг бошқирд халқига инсонпарварлик ёрдами // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2007, №2, – Б. 32-35.
5. Тарих фанининг илмий тадқиқот асослари ва услубиёти (ўқув-қўлланма). – Наманган, 2008. – 123 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Туркистон халқи бағрикенглиги (XX аср 20 – йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). – Тошкент: Yangi nashr, 2011.

7. Turkiston va Rossiya munosabatlari tarixi. (oquv-qollanma). – Namangan, 2011. – 127 b.

8. Туркистон татарлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари: "Академик Карим Шониёзов ўқишлари" туркумидаги IV Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Наманган, 2007. – Б. 125–127.

9. Фарғона водийсида очарчилик ва унга қарши кураш (1917-1919 йй.) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2009. – Б. 342–347.

10. Бухорода татарларнинг маърифатпарварлик фаолияти хусусида // XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2010. – Б. 71–75.

11. Туркистонда Россия оч болаларига берилган ёрдам ёҳуд бағрикенглик намуналари // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: MUMTOZ SOZ, 2010. – Б. 108–112.

12. "Месопотамиянинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро симпозиум. – Туркия, 2008.

Олим бир қатор халқаро, республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАШИДОВ РАУФ ТУРҒУНОВИЧ



Тарих фанлари доктори Р.Т.Рашидов 1938 йил 15 январда Тошкент вилоятининг Озодбош қишлоғида туғилган. Олим 1962 йилда Тошкент давлат университети шарқ факультетининг эрон-афғон бўлимни тамомлаган.

2005 йилда вафот этган.

Р.Т.Рашидов талабалик чоғиданоқ (1961) Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида ишлай бошлади. 1968 йилда кичик илмий ходим лавозимига ўтказилди. Р.Рашидов мазкур институтда меҳнат фаолиятини 1977 йилга қадар давом эттирди, бу борада 1966–1967 йиллар давомида Афғонистонда таржимон бўлиб ишлади. 1971 йилда "Аймаки" деган мавзуда номзодлик, 1993 йилда эса "Советско-афганские отношения и их отражение в западной литературе" мавзусида докторлик диссертаиясини ёқлаган. Р.Рашидов 1977–1980 йиллар давомида Ўзбекистон ФАнинг Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимида илмий котиб бўлиб ишлади. 1980–1986 йиллар мобайнида у Ўзбекистон ФА президиуми қошида очилган ижтимоий фанлар бўлими илмий ахборот марказининг бошлиғи вазифасида ишлади. 1986 йилдан у яна Шарқшунослик институтида катта илмий ходим, 1993 йилдан умрининг охиригача етакчи илмий ходим лавозимларида хизмат қилган. Олимнинг илмий йўналиши – Афғонистоннинг иқтисодий тузуми, умумий тарих, Афғонистон Ғарбий Европа тарихнавислари назарида каби масалалар ҳисобланади.

Олим ўз илмий фаолияти давомида кўп мақолалар, 6 та монография ва 40 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи бўлди. Жумладан:

1. Ремесло и мелкая промышленность Афганистана. В соавторстве с М.Г.Пикулиным и А.Ш.Шомансуровой. – Ташкент: Фан, 1976.
2. Аймаки. – Ташкент: Фан, 1977. – 64 с.
3. СССР – Афганистан. 70-е годы. – Ташкент: Фан, 1981.
4. Промышленность и рабочий класс Афганистана. – Ташкент: Фан, 1984.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РЕУКА ГЕННАДИЙ АЛЕКСАНДРИВИЧ



Тарих фанлари доктори Г.А.Реука 1937 йил 4 март куни Тошкент шахрида таваллуд топган. Миллати рус. 1959 йилда Ўрта Осиё давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1976 йилда «Роль интеллигенции в борьбе за технический прогресс в промышленности Узбекистана в годы Великой отечественной войны (1941–1945 гг.)» мавзусида номзодлик диссертациясини, 2008 йилда эса «Опыт и проблемы научно-технической деятельности научных, вузовских и промышленных организаций Узбекистана в 1971–1991 годы» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Айни пайтда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети "Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари" кафедраси доценти лавозимида фаолият курсатиб келмокда. 50 дан зиёд илмий, ўкув-услубий ишларнинг муаллифи. Жумладан:

1. Ўзбекистоннинг илмий-саноат мажмуасида ХХ асрнинг 70–80-йилларида инновация фаолиятининг тажриба ва муаммолари. – Тошкент, 2005. – 108 бет.

2. Ўзбекистон саноатида илмий-техникавий сиёсатнинг асосий муаммолари (Ўзбекистон партия ташкилотларининг саноатда фан билан ишлаб чиқариш интерациясини амалга ошириш тажрибасидан) (1971-1991 йиллар). – Тошкент, 1991. – 361 бет. РФА ИНИИОН да 25. 11. 91. №45607. БУ №6. 1992 йил. депонент қилинган.

3. 70–90-йиллар бошида Ўзбекистонда саноатнинг илмий-техникавий ривожланишининг асосий муаммолари ва тажрибалари. – Тошкент, 1995. – 150 бет. Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ ГФНТИ да. №2404-Уз 95. 16.06.95. йил депонент килинган.

4. Илмий-техникавий жамиятларнинг ЎзССР саноатида фан билан ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлашдаги роли (1971–1985) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, Тошкент, 1987. - №6. – Б. 48–53.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Ўзбекистон партия ташкилотлари ва олий таълим муассасалари илмий фаолиятининг саноат ишлаб чиқариш билан *интеграцияси* // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*, Тошкент, 1989. - №12. – Б. 14–21.

6. Олдинги иқтисодий ислоҳотлар тажрибасидан // Ўзбекистон коммунисти, Тошкент, 1990. – Б. 16-21.

7. Ўзбекистон саноатида XX асрнинг 70–80-йилларида илмий-техникавий ривожланишининг деформацияси // Ижтимоий фикр ва инсон ҳуқуқлари, Тошкент, 2003. – Б. 140–147.

8. XX асрнинг 70-80-йилларида Ўзбекистон саноатига фан ютуқларини жорий этишнинг айрим муаммолари ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, Тошкент, 2003. – №4. – Б. 53–57.

9. Совет мустабид тузуми шароитларида Ўзбекистон саноатида тармоқ илмий-тадқиқот институтларини ривожлантиришнинг ҳал қилинмаётган муаммолари ҳақида (XX асрнинг 70–80-йилларида Ўзбекистон саноатида илмий-техникавий тараққиётни амалга оширишнинг ўзига хосликлари ҳақида // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари, Тошкент, 2004. – №4. – Б. 29–33.

10.XX асрнинг 70-80-йилларида Ўзбекистон саноатида илмий-техникавий тараққиётни амалга оширишнинг ўзига хосликлари ҳақида // Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 2004. – №4. –Б. 25–32.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# РТВЕЛАДЗЕ ЭДВАРД ВАСИЛЬЕВИЧ



Беруний номидаги Давлат мукофати лауриати, ЎзР ФА Академиги, тарих фанлари доктори, профессор Э.В.Ртвеладзе 1942 йилнинг 14 майида Грузиянинг Баржома шаҳрида туғилган. Миллати грузин.

1967 йилда ТошДУ тарих факультетининг археология бўлимини тамомлаган.Олим 1967 йилда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида лаборант сифатида иш бошлаб, шу даргоҳда ҳозиргача Санъат тарихи бўлимининг мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда. 1975 йил собиқ СССР Фанлар Академияси Археология институтининг Ленинград бўлимида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди. 1989 йил Москва давлат университетида "Древняя Бактрия – Средневековый Тохаристан: динамика историко- культурного развития" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Олим 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиклигига сайланган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг олтин медали ва диплом билан тақдирланган.

Э.В.Ртвеладзенинг Ўрта Осиё тарихи, археологияси, нумизматикаси, маданияти муаммоларига бағишланган 650 га яқин илмий мақоласи ва 20 та китоби эълон қилинган. Унинг асарлари Англия, Германия, Греция, Эрон, Италия, Венгрия, Нидерландия, АҚШ, Франция, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларда чоп этилган. Ўрта Осиё тарихи муаммоларига бағишланган маърузаларини Вашингтон, Лондон, Париж, Турин, Киото, Токио, Стокгольм, Москва, Ленинград шаҳарларидаги университетларда, илмий муассасаларда ўқиган. Миллий тарихимизни дунёнинг турли шаҳарларида тарғиб қилган. 90 дан зиёд археологик экспедициялар ўтказган.

1995 – 1996 йилларда Париждаги "College de France" да ишлаган, ўзининг илмий мактабини яратган. Унинг шогирдлари



www.ziyouz.com kutubxonasi

нафақат Ўзбекистонда, балки Грузия, Озарбайжон, Исроил, Греция, АҚШ, Канада, Франция, Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея ва Япония каби мамлакатлар илмий ташкилотларида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Э.Ртвеладзе олим ва жамоат арбоби сифатида ОАК ҳайъати аъзоси, "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар", "Ўзбекистон тарихи", "Общественное мнение", "Санъат" журналлари ва "Правда Востока" газетасининг таҳрир аъзосидир. Silk Rood Art and Archeology (Япония) илмий тўплами редакцияси аъзоси. Э.Ртвеладзе Ўзбекистоннинг кадимги шаҳарлари ва йирик тарихий ёдгорликларига бағишланган 100 дан ортиқ китобга илмий муҳаррирлик қилган.

2002 йилда "Буюк хизматлари учун" ва 2003 йилда "Меҳнат шуҳрати" орденлари билан тақдирланган. Бундан ташқари у Грузиянинг "Гирсэбис" орденига муносиб кўрилган (2002 й.).

2010 йилда Грузия Фанлар Академиясига хорижий аъзо сифатида сайланган.

2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси. Кўплаб тарихий китоблар ва илмий мақолалар муаллифи. Жумладан:

1. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки по истории и культуре. Совместно с акад.Г.А.Пугаченковой. – Ташкент, 1990.
2. Великий Шелковый путь. Т.1. - Ташкент, 2000.
3. Очерки по истории цивилизации Узбекистана. Государственность и право. Совместно с проф.А.Саидовым. – Ташкент, 2001.
4. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент, 2002.
5. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т.1. – Ташкент, 2002.
6. Авестийский Видевдат. Совместно с проф. А.Саидовым и Е.Абдулаевым. – Ташкент, 2004.
7. История государственности Узбекистана. В соавторстве. – Ташкент, 2010.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САГДУЛЛАЕВ АНАТОЛИЙ САГДУЛЛАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.С.Сагдуллаев 1951 йил 15 июнда, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1973 йилда ТошДУ тарих факультетининг археология бўлимини тамомлаган.

Олим 1973 йилдан ТошДУда кичик илмий ходим, 1981–1983 йилларда «Этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи» кафедрасида катта ўқитувчи, 1983–1987 йилларда ушбу кафедра доценти, 1987 йилдан 1992 йилгача ТошДУ тарих факультети декани лавозимларида ишлаган.

1987 йили ТошДУ Тарих факультетида доцент бўлиб фаолият кўрсатаётган А.С.Сагдуллаев декан вазифасини бажарувчи қилиб тайинланди ва 1988 йилда жамоа томонидан декан лавозимига сайланади. Анатолий Сагдуллаев, энг аввало, факультетда кадрлар масаласига, ўқув, илмий ва тарбиявий жараёнларни ижобий томонга ўзгартиришга катта эътибор берди. Давр талабига мос ҳолда «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасининг штатини кенгайтиришга ҳаракат қилди ва факультетда янги кафедралар масаласини кўтариб чиқди.

Шу билан бирга, қадимги Бактрия, Марғиёна ва Суғдиёнанинг кўплаб археологик ёдгорликлари қазилмаларида иштирок этиб, илк темир даври археологиясига оид кўпгина кашфиётлар қилган.

Анатолий Сагдуллаев тарих факультети декани лавозимида фаолият юритган даврида факультетга соҳанинг кўплаб билимдон ва иқтидорли олимлари ишга таклиф қилиндилар.

1989 йили тарих факультети раҳбари ва олимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон олий таълим тизими тарихида биринчи маротаба Тошкент давлат университетининг барча факультетлари ўқув режасига янгилик, яъни «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш жорий қилинди.

А.Сагдуллаев 1978 йилда «Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа» мавзусида номзодлик,


www.ziyouz.com kutubxonasi

1989 йилда эса «Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Олимнинг асосий илмий йўналиши – Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи, қадимги иқтисодий ва маданий алоқалар, қадимги ижтимоий муносабатлар, илк темир даври шаҳар маданияти каби кўплаб масалалар ҳисобланади.

Анатолий Сагдуллаев 1992–1998 йилларда ЎзМУ тарих факультети «Ўрта Осиё археологияси ва этнографияси» кафедраси мудири сифатида фаолият юритган бўлса, 1998–2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш академияси қошидаги Ўзбекистоннинг яги тарихи маркази диретори лавозимида ишлаган.

Ҳозирги кунда Анатолий Сагдуллаев 14 (2 доктор, 12 номзод) нафар шогирдлар тайёрлаган ва жами 200 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар нашр қилдирган. Жумладан:

1. В стране Золотого огня. - Ташкент: Узбекистан, 1983. - 93 с. (совместно с Э.В.Ртвеладзе).
2. Памятники минувших веков. -Ташкент: Узбекистан, 1986. – 134 с. (совместно с Э.В.Ртвеладзе).
3. Бактрийская легенда. -Ташкент: Узбекистан, 1990. -64 с.
4. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Шарқ, 1998. – 208 б. (ҳаммуаллифликда: Э.В.Ртвеладзе, Б.Аминов, О.Н.Лушпенко, Ў.Мавлонов, Б.Якубов ва бошқалар).
5. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. - Ташкент: Узбекистан, 2006. – 50 с. (совместно с Э.В.Ртвеладзе).
6. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности // История государственности Узбекистана. Т.1. - Ташкент. 2009. – С. 61–88.
7. Поход Александра Македонского в Согдиану. Издание 2-е. - Ташкент: Узбекистан, 2009. -192 с.
8. Особенности развития государственности в Средней Азии (до середины XIX в.) // Қадимги давлатчилик ва урбанизация. – Тошкент: Mumtoz soz, 2010. – С. 41–60.
9. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. -112 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САИДОВ ИЛЬХОМЖОН МУҲИДДИНОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор И.М.Саидов 1953 йил 2 майда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1975 йил Самарқанд давлат университети тарих факультетини тугатган.

2007 йил 30 майдан Самарқанд давлат университети «Тарихшунослик ва манбашунослик» кафедраси мудири.

1 нафар шогирди бор. Ўзбекистоннинг аграр, социал-сиёсий тарихи – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

Олим 1981 йилда «Трудящиеся Узбекистана в борьбе за дальнейший подъём сельского хозяйства в годы восьмой пятилетки (1966–1970 гг.)» мавзусида номзодлик, 1992 йилда эса «Рабочий класс в аграрных преобразованиях Узбекистана (1929–1941 гг.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Кўплаб илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи. Жумладан: 7 та монография, 7 та ўқув қўлланма, 10 та услубий қўлланма, 200 дан ортиқ илмий мақолалари бор. Жумладан:

1. Проблемы взаимоотношений рабочего класса и дехканства Узбекистана в ходе аграрных преобразований в 30-е гг. – Самарканд, 1993. - 12,75 п.л.

2. Влияние экономических факторов на современное состояние исторических памятников и проблемы создания охранных зон. СамДУ международная конференция, 16–18 октября 2000. - С. 36–39.

3. Истоки независимости: политическое противоборство по национально-государственному самоопределению узбекского народа (1917-1920 гг.). В соватосрстве с А.А.Головановым. – Самарканд, 2003. – 9,0 п.л.

4. Политическое противоборство по национально-государственному самоопределению узбекского народа (1917–1920гг.). В соавторстве с А.А.Головановым. 2-ое дополненное издание. – Самарканд, 2005. – 10,0 п.л.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. «Штурмовое наступление» коммунистической идеологии в Туркестане (1917–1920 гг.). Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар китобида (Халқаро конференция материаллари) 2-қисм. - Тошкент, 2005. - 70–73 бетлар.

6. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Родина священна для каждого. В соваторстве с А.А.Головановым. ч.I. СамГУ. – Самарканд, 2006. - 172 с.

7. Жаҳон тарихи фанига оид тестлар тўплами. – Самарканд, 2008. - 176 бет.

8. Жаҳон санъати тарихи. – Самарканд: СамДУ, 2008. - 176 бет.

9. Узбекистан на пороге XXI века: «история вчера, сегодня, завтра». «Ўзбекистон XXI асрда». Халқаро илмий анжуман. - 96–98 бет.

10. «Гуманистические традиции узбекского народа и их проявление в годы войны». Материалы Международной *конференции «Победа над фашизмом в 1945 году: её значение для* народов СНГ и мира». – Москва, 8-10 апреля 2010 год, опубликована в 2011 году Москва-ОЛМА Медиа Групп.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САРЫБАЕВ МАМАН КТАЙБЕКОВИЧ



Тарих фанлари доктори М.К.Сарыбаев 1971 йил 19 июлда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида таваллуд топган. Миллати қорақалпоқ. 1992 йилда Қорақолпоқ ДУнинг тарих факультетини тамомлаган.

Олим айни пайтда Қорақалпоқ давлат университетининг «Тарих» кафедраси доценти. Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти қошидаги 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациялари ҳимояси учун Ихтиосслашган кенгаш аъзоси.

М.Сарыбаев 1998 йили «Қорақалпоғистон пахтачилик тарихи (1873–1941 йй.)» мавзусида номзодлик, 2008 йилда «Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг пахта яккаҳокимлиги сиёсати ва унинг оқибатлари (1917–1990 йй.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

2010 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши депутати. 2000 йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг «Фахрий ёрлиғи», 2011 йили «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллилига йигирма йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

М.К.Сарыбаев раҳбарлигида 4 нафар шогирди илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда, улардан 2 нафари диссертация ишларини якунлаб ҳимоя қилиш арафасида.

Қишлоқ хўжалик тарихи, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги тарихининг долзарб муаммолари – олимнинг илмий йўналиши.

М.К.Сарыбаев 3 та монография, 2 та дарслик ва республика ҳамда хорижий давлатларда 60 дан ортиқ илмий мақола ва методик қўлланмаларни нашр этган. Жумладан:

1. Қызкеткен каналы тарийхынан. – Нукус: Билим, 2003. – 20 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. ФМ-353 «Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и ее последствия», 2004 г., 2005 г., 2006 г.

3. Из истории хлопководства Каракалпакстана в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишер Навои, 2006. – 108 с.

4. Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и ее последствия (1917 – 1990 гг.). – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени *Алишер Навои, 2006. – 212 с.*

5. Об экономических преобразованиях в хлопковом комплексе Республики Каракалпакстан (1991 – 2001 гг.) // Общественные науки в Узбекистане.- Ташкент, 2006. - №6. – С.67 – 71.

6. Репрессивная политика советской власти в Каракалпакии в период коллективизации. // Тошкент давлат юридик институти илмий-тадқиқотлар ахборотномаси. – Тошкент, 2006. - №6. – Б.17 – 19.

7. Хлопковая политика советской власти в Каракалпакии в 1965 – 1985 гг. // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2008. - №1. – С.56 – 64.

8. Курс на закрепление однобокой хлопковой направленности сельского хозяйства Каракалпакстана в 1954 – 1958 гг. // Научный мир Казахстана. – Астана, 2008. –№2. – С.92 – 97.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## САТТОРОВ ТЕЛЬМАН САТТОРОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Т.С.Сатторов 1940 йил 14 январда Олмаота вилоятининг Чунжа қишлоғида таваллуд топган. Олим 1956–1963 йиллар давомида Ўрта Осиё университетининг шарқ факультетида араб мамлакатлари тарихини тамомлаган.

2012 йилда вафот этган.

1963 йил у М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти аспирантурасига юборилади. 1967 йилда Ўз ФА Шарқшунослик институтининг илмий кенгашида "Проблемы нефти в Иракской Республике" деган мавзуда номзодлик, 1982 йилда эса "Нефть и борьба народов арабских стран зоны Персидского залива за экономическую самостоятельность и социальный прогресс" деган мавзуда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Т.Сатторовнинг илмий-педагогик фаолияти 1967 йилда ТошДУнинг шарқ факультетида бошланди. У шарқ факультетининг хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва ниҳоят, 1971 йилдан доцент ловозимларида ишлаб, араб мамлакатлари тарихи, Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи каби фанлардан маърузалар ўқиди.

Т.Сатторов 1969 йилдан 1981 йилга қадар шарқ факультети хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасига мудирлик қилди.

1982–1989 йиллар давомида ТошДУ нинг шарқ факультети декани вазифасида ишлаган. 1989 йилда эса у ТошДУнинг гуманитар фанлар бўйича проректори вазифасига тайинланган ва бу лавозимда 1993 йилгача хизмат қилган. Т.Сатторов 1993 йилдан умрининг охиригача ТошШИ Тарих факультетининг Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи кафедрасига бошчилик қилган. Т.Сатторов раҳбарлигида бир фан доктори ва 10 нафар фан номзоди етишиб чиқди.

Олим самарали илмий ва педагогик фаолияти учун 1990 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Т.Сатторов ўзининг илмий ва педагогик фаолияти давомида 2 монография ва 50 га яқин илмий мақола ҳамда рисолалар эълон қилган. Жумладан:

1. Зигзаги нефтяной политики. // Азия и Африка сегодня. - М., 1966. - № 6.

2. Доходы от нефти и развитие сельского хозяйства в Ираке. – Сборник научных трудов ТашГУ, вып. 404, Востоковедение. - Ташкент, 1971.

3. Революция и Ираке 14 июля 1958 года и западные нефтяные монополии. – Сборник научных трудов ТашГУ. Востоковедение. - Ташкент, 1972. - №542.

4. Нефть и антиимпериалистическая борьба. –Ташкент: Фан, 1974.

5. Этапы сотрудничества СССР с Иракской Республикой. – Сборник научных трудов ТашГУ – Ташкент, 1977. - № 546.

6. Арабский Восток: нефть и независимость. // Коммунист Узбекистана, 1978. - № 6.

7. Рост нефтедоходов и проблема их производительного использования. – Сборник научных трудов ТашГУ. - Ташкент, 1981. -№ 589.

8. Сотрудничество СССР с развивающимися странами. – Ташкент: Узбекистан, 1982.

9. *Арабская нефть в буржуазной историографии.* – В кн.: «Фальсификаторы истории». - Ташкент, 1985.

10. Сионизм и паластинский вопрос. // Коммунист Узбекистана. - Ташкент, 1989. - № 2.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СИДДИҚОВ БЕРДИМУРОД



Тарих фанлари доктори, профессор Б.Сиддиқов 1937 йил 15 июлда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1960 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган.

Олим 1960 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университетида фаолият олиб бормоқда. Узоқ йиллар давомида кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлаган, ҳозирги кунда мазкур университетнинг "Сиёсатшунослик, социология ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бердимурод Сиддиқов Ўзбекистонда аграр сиёсат масалалари бўйича илмий иш олиб борган.

1969 йилда Бердимурод Сиддиқов "Ўзбекистон компартиясининг совхозларда пахтачиликни ривожлантиришдаги фаолияти (1956–1960 йиллар)" мавзусида номзодлик, 1994 йилда эса "60–80 йилларда Ўзбекистонда совхоз ишлаб чиқариши: сабоқлар ва муаммолар" мавзусида (07.00.02 Ватан тарихи) докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Бердимурод Сиддиқов фаолияти давомида 200 га яқин мақола, рисола, монография, ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар чоп этди. Жумладан:

1. Совхозларнинг тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1995, монография.
2. Аграрная политика партии и развитие совхозного производства в Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 1986, моногрфия.
3. Маънавий юксалиш – тараққиёт омили. (Ҳаммуаллифликда). -Т., 1999, 72 б., монография.
4. Мафкура ва миллий ғоя. (Ҳаммуаллифликда). -Т.: ТошДТУ нашриёти, 2000, Рисола, 4,5 б/т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Наврўзнинг ноёб хислат ва фазилатлари. (Ҳаммуаллифликда). -Т.: ТошДТУ нашриёти, 2005, 3,5 б/т.

6. Миллий истиқлол-маънавий-маърифий юксалиш. (Ҳаммуаллифликда). -Т., 2006, 16 б/т.

7. Тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. -Т., 2007. - №3. - 0,1 б.т.

8. Фуқаролик жамияти асослари. –Т., 2007, монография, 8,0 б.т.

9. Юксак маънавият – куч-қудратимиз манбаи. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. -Т., 2008. - №3. - 0,1 б.т.

10. Тараққиётимиз тақдири кадрлар қўлида. Илмий тўплам. – Андижон, 2009.

11. Қалбан улғайиш даври. (Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият– енгилмас куч" асарини ўқиб ... ). Ҳаммуаллифликда. – Т.: Экстремум Пресс 2011, 9,0б/т.

Олим кўплаб халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОДИҚОВА НАФИСА СОДИҚОВНА



Ўзбекитонда хизат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори Н.С.Содиқова 1930 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1949 йилда Тошкент педагогика институтининг тарих факультетини тамолаган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти аспиранти (1950–1953). ФА Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг катта илмий ходими, бўлим мудири (1954–1959), 1960–1990 йй. директор лавозимида ишлаб келган. Нафиса Содиқова "Совет Ўзбекистонида музейшунослик ишининг вужудга келиши ва тараққиёти тарихи (1917–1973)" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Мустақиллик йилларида Н.Содиқова Ўзбекистонда музейшунослик ишини ривожлантиришдаги кўп йиллик хизматлари ва жамоатчилик фаолиятлари учун "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланган (2000).

Асосий нашр қилган илмий ишлари:

1. Музейное дело в Узбекистане, 1975. – 289 с.
2. Ўзбек миллий кийимлари XIX–XX асрлар, 2001. – 302 с.
3. Ўзбек миллий кийимлари XIX–XX асрлар, 2003. –159 с. (қайта нашр)
4. Ўзбек миллий кийимлари XIX–XX асрлар, 2006. – 191 с. (альбом).
5. Национальная одежда Узбеков XIX–XX вв. Ташкента и Ферганы, 2006. – 32 с.
6. Национальная одежда Узбеков XIX–XX вв. Бухары и Самарканда, 2006. – 32 с.
7. Национальная одежда Узбеков XIX–XX вв. Хорезма, 2007. – 34 с.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОЛИЕВ СУЛТОНМУРОД



Тарих фанлари доктори, профессор Солиев Султонмурод 1921 йил 29 январда Наманган вилояти Чуст туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1951 йили Тошкент давлат университетини тугатган.

2009 йил 19 августда вафот этган.

2 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзоди тайёрлаган. Ўзбекистонда касаба уюшмалар тарихи – олимнинг илмий йўналиши. Касаба уюшмалари ва уларнинг жамиятда тутган ўрни – олимнинг мактаби ҳисобланади.

1977 йилда «Ўзбекистонда социалистик мусобақаларда партиянинг тутган ўрни» мавзусида номзодлик, 1983 йилда «Ўзбекистон саноатида меҳнатга муносабат ҳаракати» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

50 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи, шулардан 2 таси монография, 5 таси рисоладир. Халқаро анжуманларда 10 дан ортиқ тезис нашр этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СУЛАЙМОНОВ РУСТАМ ҲАМИДОВИЧ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофати лауреати, тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ.Сулаймонов 1939 йил 30 май кун Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1962 йил ТошДУ тарих факультетининг археология бўлимини тамомлаган.

Р.Ҳ.Сулаймонов «Статическое изучения культуры грота Оби-рахмат» мавзусида номзодлик, «Древняя культура южного Согда» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Р.Ҳ.Сулаймонов ўзбек археология мактабининг анъаналарини давом эттириб, Ўзбекистон жанубида қатор археолгик обидаларни тадқиқ этишда фаол иштрок этган. Унинг илмий, педагогик ва жамоатчилик соҳаларидаги фаолияти чексиз баҳоланиб "Беруний" номидаги Давлат мукофатига сазовор бўлган, "Дўстлик" ордени билан тақдирланган, Ўзбекистон фан арбоби. Р.Ҳ.Сулаймонов халқаро миқиёсида археологлар билан илмий алоқаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, у Германия Археология институтининг фахрий аъзоси этиб сайланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети "Археология" кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

10 дан зиёд шогирдлари мавжуд, улардан 8 нафари фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлган. 10 та монография, 150 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Жумладан:

1. Статистичекие изучения культуры грота Оби-Рахмат. – Ташкент: Фан, 1972.
2. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. (В соавтор.) – Ташкент: Фан, 1980.
3. Еркурган стратиграфия и периодизация. (В соавтор.) – Ташкент: Фан, 1984.
4. Истоки и особенности городской культуры Нахшаба. // Материалы международной научной конференции. Роль степных


www.ziyouz.com kutubxonasi

городов в цивилизации народов, посвященной 10-летнему юбилею города Астана. 2 июля 2008. – Астана, 2008.

5. К семантике топонимов Арсубанукет и Банукет в Испиджабе и Чаче. // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. Материалы научно-практической конференции. 16 октября 2008 г. – Шымкент, 2008.

6. *Древний Нахшаб (Проблемы цивилизации Узбекистана VII в.до н.э. - VII в. н.э.).* – Ташкент: Фан, 2000.

7. 40-лет изучения настенной живописи дворца VII в. Самарканда. // Культурные связи Кореи и Средней Азии. – Сеул, 2010.

8. Торговые трассы Нахшаба в системе Великого Шёлкового пути. // Великий Шёлковый путь. – Золотой мост: сближение культур и искусств народов. – Туркестан, 2010.

9. К этнокультурным связям Центральной Азии и Древнего Востока в древности. // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасининг 70-йиллигига бағишланган илмий анжуман. – Тошкент, 2010.

10. К символике орлиного пера в Центральной Азии. Маргулановские чтения – 2011. // Материалы международной археологической конференции. – Астана, 2011.

11. К вопросу о пратюрках. Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши, 2011.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТЕМИРОВ ҒАЙБУЛЛО



Тарих фанлари доктори, профессор Ғ.Темиров 1939 йилнинг 1 июнида Самарқанд вилояти Нурота туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1965 йилда СамДУнинг тарих факультетини тамомлаган.

Олим айни пайтда Навоий давлат педагогика институти "Ўзбекистон тарихи" кафедраси профессори вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ғ.Темиров 1972 йилда "Самарқанд меҳнаткашларининг жамоа чорвачилигини ривожлантиришдаги кураши (1959–1965 й.й.)" мавзусида номзодлик диссертациясини, 1991 йилда "Ўрта Осиё Республикаларида чорвачилик муаммолари (1960–1970 й.й.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Темиров Ғайбулло Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари юзасидан 100 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий қўлланмалар нашр эттирган. Жумладан:

1. Борьба трудяшихся Самарқандской области за развитие общественного живодноводства в годы семилетки (1959–1967). – Ташкент: Наука, 1972.

2. Борьба трудяшихся Узбекистана за развитие общественного животноводства. – Ташкент: Знание, 1985. – 10,0 пл.

3. Фан ютуклари-кишлоқ хўжалигига. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – 2,0 б.т.

4. Қишлоқ хўжалигида ижара пудрати. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 6,0 б.т.

5. Сўнмаган ёлқин. Рисола. – Тошкент: Зарафшон, 1993. – 2,0 б.т.

6. "Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи" фани буйича назорат ишларини бажариш учун методик кўрсатмалар. – Самарқанд: СамДУ, 1994. -6,0 б.т.

7. "Ўзбекистон тарихи" фанидан услубий қўлланма. – Самарқанд, 1995. – 4,0 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТИЛАВОВ БЕКМУРОТ ЭШМИРЗАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор Б.Э.Тилавов 1942 йил 13 апрельда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1968 йили Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган.

Б.Э.Тилавов 1964– 1965 йй. - Сурхондарё вилояти қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси, 1965– 1969 йй. - Тошкент давлат педагогика институти талабаси, 1969– 970 йй. - Сурхондарё вилояти Ангор педагогика билим юрти ўқитувчиси, 1970– 1972 йй. - Сурхондарё вилояти Жаркўрғон тумани 37-мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Б.Э.Тилавов 1972–1989 йилларида Термиз давлат педагогика институти "Тарих" кафедраси ўқитувчиси. 1989– 1992 йй.- Термиз давлат педагогика институти "Тарих" кафедраси катта ўқитувчиси. 1992– 2010 йй.- Термиз давлат университети "Жаҳон тарихи" кафедраси доценти. 2010– 2011 йй.- Термиз давлат университети "Жаҳон тарихи ва манбашунослик" кафедраси доценти. 2011 йилдан то ҳозирга қадар Термиз давлат университети "Жаҳон тарихи ва манбашунослик" кафедраси профессори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТИЛЛАБОЕВ РУСТАМ АБДУСАМАТОВИЧ



Тарих фанлари доктори Р.А.Тиллабоев 1945 йил 1 майда Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Пойтуғ қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1967 йилда Тошкент давлат университети шарқ факультетининг араб филологияси бўлимини тамомлаган.

Олим 1973–1976 йиллар давомида собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил кўрди. 1976 йилда ушбу “Семь муаллакат (введение, история изучения, комментированный перевод)” мавзусида номзодлик, 1994 йилда эса “Среднеазиатские географические сочинения XV–XVI вв. как исторический источник (Жития шейхов накшбандиев)” номли мавзуда докторлик диссертацияларини ёқлаган. 1983–1991 йиллар давомида мазкур институтда катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Р.Тиллабоев 1991 йилдан 1995 йилга қадар Андижон давлат педагогика институтида профессор вазифасида ва шарқ тиллари кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келди. Ҳозирги кунда у Тошкент давлат шарқшунослик институтининг исломшунослик кафедраси профессори лавозимида ишламоқда.

Олим битта монография, бир неча рисола ва илмий мақолалар муаллифи ва халқаро анжуманлар қатнашчиси. Жумладан:

1. «Зубдат ал-макамат» как источник по истории Накшбандизма. Тезисы. -М., 1987. – 88 с.
2. Суфий маслак – Нақшбандия. //Мухбир. – Тошкент, 1990. -№ 12.
3. К вопросу об ордене Накшбандия. «Из истории суфизма: источник и социальная практика». –Ташкент: Фан, 1991.
4. Суфийский орден Накшбандия // Корреспондент. – Ташкент, 1990. - №12. – С.42–43.
5. Образцы доисламской поэзии арабов (V–VII вв.): Учпос.по курсу истории арабской культуры. – Ташкент, 1993.
6. Житиё Лутфуллаха Чусти как источник по истории Мавераннахра XVI в. // Общественные науки в Узбекистане, 1994. - №3-4. – С.76–78.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТОШБОЕВА ТОХИРА ХОДЖИЕВНА



Тарих фанлари доктори Т.Х.Тошбоева 7 сентябрда Тошкент шаҳрида тавуллуд топган. Миллати ўзбек. 1960 йил Ўрта Осиё давлат университетининг тарих факультетини тамолаган.

Т.Х.Тошбоева университетни битирганидан сўнг Ўз ФА Тарих инситути этнография бўлимига ишга юборилган. Ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб этнография соҳаси бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Олиманинг илмий йўналиши – ўзбек халқи этнографияси ҳисобланади .

Т.Тошбоеванинг номзодлик ишига тарих фанлари доктори О.А.Сухарева, докторлик диссертациясига эга Т.А.Жданколар раҳбарлик қилишган.

1968 йилда «Об основных формах феодальной эксплуатации в сельском хозяйстве Узбекистана в конце XIX–начале XX вв.» мавзусида номзодлик, 1994 йилда «Современная семья и семейный быт узбекского сельского населения» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТУРСУНОВ САЙФУЛЛА НАРЗУЛЛАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор С.Н.Турсунов 1956 йил 10 майда Сурхондарё вилояти Шеробод туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1977 йилда Термез педагогика институтининг тарих ва жамиятшунослик бўлимини тамомлаган.

1977 йил август-декабрда Шеробод туманидаги 28-сон умумий ўрта таълим мактабида тарих-жамиятшунослик фани ўқитувчиси бўлган.

Олим 1978 йил январдан бошлаб Ойбек номли Термиз давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1996 йил февралдан университет тарбиявий ишлар проректори, 1997 йил январидан университет маънавий-маърифий масалалар бўйича 1 проректор вазифаларида ишлаган. 2002 йилдан ҳозирги кунгача «Жаҳон тарихи ва манбашунослик» кафедраси мудири.

С.Н.Турсунов 1985 йилда «Ўзбекистонда янги шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи» мавзусида номзодлик, 1995 йил майда «Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши (1946–1965)» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Унинг раҳбарлигида 14 нафар аспирант тарих фанлари номзодлиги учун диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бугунги кунда 4 нафар докторантга, 15 нафар аспирантга илмий раҳбарлик қилмоқда.

2002 йил июлда Англиянинг Кембридж халқаро жамияти ва Англия Кембридж университети томонидан «XXI асрнинг машҳур 2000 олими» унвонига, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар ривожланишни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан 2003 йил 27 январда «Сурхондарё тарихи», 2004 йил 14 июнда «Ўзбекистон тарихи ва маданияти Сурхондарё этнографияси», 2010 йил 25 февралда «Сурхондарё – Этнографик макон», 2011 йил февралда “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида номоддий маданият” мавзулари бўйича тасдиқланган давлат инновация грантлари совриндори.

Олим ҳозирги вақтда Англиянинг Кембридж халқаро биографик жамияти ва университети, Японияниг Сока



www.ziyouz.com kutubxonasi

университети, АҚШнинг Бостон, Релиж, Франциянинг халқаро Археология-этнография институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. 1997 йилдан бошлаб, Термиз давлат университети қошидаги «Археология-Этнография» маркази раҳбари. 1996 йилдан бошлаб этнографик тадқиқотлар бўйича илмий ишлар олиб бориб, мақолалар, рисолалар ва монографиялар чоп эттирган.

С.Н.Турсуновнинг Миллий дастур талаблари асосида:

1. Сурхандарё тарих кўзгусида, мустабид тузим аграр сиёсати, "Шеробод тарихи", "Сурхондарё тарихи", "Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси", "Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш", "Шерободликлар", "Сурхондарё вилояти топонимлари".

2. Раҳбар манавияти, "Жарқўрғон", "Денов", Бойсун".

3. Сурхандарё этнографик макон, миллий маданият баркамол авлод тарбиясида, ўзбек хонликлар ҳудудларида маданият тарихи, "Хотира барҳаёт – Қадр мангу", "Сурхондарё – этнографик макон", "Маҳалла – мустақил юрт таянчи" илмий тарихий монографиялари, "Сурхондарё тарихи", "Сурхондарё этнографияси", дарслик ва ўқув қўлланмалари, 200 дан ортиқ илмий, услубий, ўқув, оммабоп мақолалари, рисолалари ва монографиялари чоп этилган бўлиб, республика тарихига оид 12 та монография ва 32 та рисоласи чоп этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЎРАЕВ ХУДОЙҚУЛ



Тарих фанлари доктори, профессор Х.Тўраев 1948 йил 4 сентябрда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1971 йил Қарши давлат педагогика институти тарих факультетининг тарих-география бўлимини тугатган.

Олим 1974 йилда «Развитие потребительской кооперации Узбекистана в период строительства общества (1959–1970 гг.)» мавзусида номзодлик, 1991 йилда эса «Интернациональная деятельность молодежи республик Средней Азии в период 60-х середины 80-х годов» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Х.Тўраев 1975–1980 йилларда Ўзбекистон Ёшлар Марказий Қўмитасида турли лавозимларда ишлаган. 1980–1987 йилларда Тошкент Политехника институтида доцент вазифасида фаолият кўрсатган.

1988 йилдан Тошкент халқ хўжалиги институти ҳозирги ТДИУ Фалсафа кафедрасида доцент, 1989–1992 йилларда Тошкент Молия институти Ўзбекистон тарихи кафедрасида доцент вазифасида ишлаган.

1992 йилда профессор илмий даражаси берилган. Х.Тўраев 1992–1996 йилларда Термиз давлат университети тарих факультети декани лавозимида ишлаган. 1996–1997 йили Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатган.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси кўкрак нишони, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги эсдалик кўкрак нишони, 2008 йилда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси унвонига сазовор бўлган.

1997–2011 йили Тошкентдаги иқтисодиёт лицейи директори лавозимида ишлаган. Х.Тўраев лицейда ўқув ишлари билан илмий



www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолиятини бирга қўшиб олиб борди ва кўпгина амалий натижаларга эришди.

Х.Тўраев 2011 йилдан ТДИУ «Иқтисодиёт тарихи» кафедраси профессори лавозимида ишламоқда.

Х.Тураев кўплаб илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Потребительская кооперация и культура села. – Ташкент: Узбекистан, 1981. –6,0 п.л.

2 Ёшлик куйини янгратамиз биз ёшлар (Песни дружбы воспевает молодежь). – Ташкент: Ёш гвардия, 1986. –5,0 п.л.

3. Международное сотрудничество молодежи Республик Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1991. –10,0 п.л.

4. Истиқлол истиқбол чироғи. – Тошкент: Меҳнат, 1999. –15,0 п.л.

5. Истеъдодли ёшлар келажагимиз эгалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. –10,0 б.т.

6. Ёшлар. Истиқлол. Мафкура. – Тошкент: Шарқ, 2005. –8,0 б.т.

7. Ёшлар диний экстремизм ва террорчиликка қарши. – Тошкент: Зар қалами, 2006. –8,0 б.т.

8 Ёшлар ватан қаноти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. –20,0 б.т.

9. Ёшлар – таянчимиз, ишончимиз, келажагимиз. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2009. –20,0 б.т.

10 Баркамол авлод истиқлол гарови. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. – 20,0 б.т.

11. Мустақил юрт фарзандлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2011. – 25,0 б.т.

12. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2011. – 15,0 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# УВАТОВ УБАЙДУЛЛА



Тарих фанлари доктори, профессор Уватов Убайдулла 1940 йилнинг 23 февралида Қашқадарё вилояти Ғузор тумани, Пачкамар қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1964 йилда Тошкент давлат университетининг шарқ тиллари факультети араб бўлимини тамомлаган.

Олим ҳозирги кунда Имом ал-Бухорий халқаро маркази диретори. Ўрта Осиёдан, айниқса, Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Мансур ал-Мотуридий, ал-Ҳаким ат-Термизий, насафийлар каби кўплаб буюк алломаларнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси доираси У.Уватовнинг асосий илмий йўналиши ва илмий мактаби ҳисобланади.

Олим 1974 йилда XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий асари асосида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиб, 2002 йилда "Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий)" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Профессор У.Уватов IX–XII асрларда юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қолдирган бой илмий-маънавий меросни нодир қўлёзма манбалар асосида ўрганган, чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган етук манбашунос олим сифатида юртимизда ва хорижда танилган.

У.Уватов узоқ йиллардан буён юртимиздан чиққан кўплаб алломаларнинг ҳаёти ва улар қолдирган бой илмий-маънавий меросни илмий жамоатчиликка танитиб, бу мероснинг кенг халқ оммасининг маънавий мулкига айлантириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Олим, жумладан қуйидаги ишларни нашр эттирган:


www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ибн Арабшах о Темуре. // Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Вып.1. – Ташкент, 1970. – С.108-105.

2. *Сведения ибн Арабшаха о Мавераннахре.* // // Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Вып.2. – Ташкент, 1975. – С.98–105.

3. Об Абу Насре ал-Утби и о его труде «Тарих ал-Йамини». // Труды ТашГУ. Сер. «Востоковедение», Ташкент, 1983. - №690. – С.80–87.

4. Ал-Касим ибн ал-Хусайн – хорезмский поэт и литератор средних веков. // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1989. - №9. – С.49–52.

5. *Ибн Арабшах. История Амира Темура. – Ташкент, 1992. –* 326 с.

6. Махмуд аз-Замахшари. – Ташкент, 1995. – 70 с.

7. Сохибкирон в глазах арабских историков. – Ташкент, 1996. – 157 с.

8. Жизнь Имама ал – Бухари. – Ташкент, 1998. – 90 с.

9. Выдающиеся мухаддисы (ал-Бухари, Муслим, ат-Термизи). – Ташкент, 1998. – 63 с.

10. Жизнь и творчество ал-Матруди. – Ташкент, 2000. – 48 с.

11. Ал-Хаким ат-Темизи. – Ташкент, 2001. – 40 с.

12. Абул Муъин ан-Насафи. – Ташкент, 2002. – 36 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎЛЖАБОЕВА НОРТОШ ҚУРБОНОВНА



Тарих фанлари доктори, профессор Ўлжаева Нортош Қурбоновна 1940 йил 2 январьда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1963 йилда Қарши давлат университети филология факультетини тамомлаган.

Олима 1974 йил Ўзбекистон ФА Тарих институтида «Ўзбекистонда 1946-1970 йилларда халқ маорифининг ривожланиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1991 йилда Қашқадарё вилояти хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлди. 2009 йилда Ўзбекистон халқ табобати Академиясининг ҳақиқий аъзоси – академик қилиб сайланган.

Қарши давлат педагогика институти ва Қарши давлат университети дастлаб ташкил этилганда ректор вазифасида фаолият кўрсатган, кейинчалик вилоят ҳокимлиги миллатлараро муносабатлар, жамоат ташкилотлари, фахрийлар ва ёшлар иши, дин масалалари бўйича бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган.

1983–1994 йилларда халқ депутатлари Қарши шаҳри ва Қашқадарё вилояти Кенгашлари депутати бўлган, Кенгашларда фан, маориф ва ёшлар комиссияси раиси лавозимида ишлаган. «III даражали Оналик шуҳрати» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Халқ маорифи аълочиси», «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари, «Абу Али ибн Сино олтин медали» соҳибасидир.

Нортош Қурбоновна Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистонда маданият, маориф, фан тараққиёти, ирригация ва суғорма деҳқончиликни ривожланиши тарихи масалаларига бағишланган илмий ишлар муаллифи. Халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида иштирок этган.

100 дан ортиқ илмий ва 30 дан зиёд ўқув-услубий ишлари мавжуд. Жумладан:

1. Развитие орашаемого земледелия и ирригационного строительства на юге Узбекистана. – Ташкент, 1985. –2,0 п.л.


www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Народное образование на юге Узбекистана. – Карши: Насаф, 1991. – 8,0 п.л.

3. Исторический опыт орошаемого земледелия в Узбекистане (1917-1945 гг.) – Ташкент: Фан, 1991. –15,0 п.л.

4. Ўрта таълим мактабларида тарих фанини ўрганиш масалалари. Ёш ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Қарши, 1994. –3,5 б.т.

5. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. –71,5 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎЛЖАЕВА ШОХИСТАХОН МАМАЖОНОВНА



Тарих фанлари доктори Ш.М.Ўлжаева 1967 йили Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1990 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

Олима 1999 йилда «XX асрнинг 50–60 йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 2008 йилда «Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ш.М.Ўлжаеванинг илмий ишларида ўрта асрлар давлат бошқарув йўналишлари алоҳида сиёсий институтлар сифатида очиб берилган.

Ш.М.Ўлжаева томонидан 120 дан ортик илмий ва ўкув-услубий ишлар чоп этилган. Жумладан:

1. Музейшунослик. Ўкув қўлланм. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. - 76 б.
2. Тарих фанининг илмий-тадқиқот усуллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2003. - 48 б.
3. Амир Темур ва темурийлар ташқи сиёсати ва дипломатияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТКТИ, 2004. - 128 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. – Тошкент: ТКТИ, 2004. - 126 б.
5. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. – Тошкент: ТКТИ, 2004. - 160 б.
6. Ўзбекистон давлатчилик тарихи анъаналари (қадимдан XV асргача). Ўкув қўлланма. – Тошкент: ТКТИ, 2006. - 68 б.
7. Мовароуннаҳрнинг ўчмас юлдузлари Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТКТИ, 2006. - 45 б.
8. Ўзбекистон // Ўқув қўлланма (Power Point асосида) Part 1 қисм. М.Ҳасанова билан ҳамкорликда – Тошкент: ТКТИ, 2009. - 155 б.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## УСМОНОВ ҚАМАРИДДИН



Усмонов Қ. тарих фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим аълочиси. 1935 йилда Самарқанд (ҳозирги Жиззах )вилояти Фориш туманида деҳқон оиласида туғилган. Миллати ўзбек.

Қ. Усмонов 1952–1956 йилларда Жиззах педагогика билим юртида, 1956–1961 йилларда Самарқанд давлат университетининг тарих факултетида таҳсил олган. Олим 1964–1967 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институти тарих кафедраси асперантурасида тахсил олиб, “Инжинер-техник ва иқтидорли кадрларни таёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш (1959–1965 йиллар)” мавзусида номзодлик дисертациясини ҳимоя қилиб, Тошкент халқ хужалиги институтида асистент, катта ўқитувчи, доцент ва тарих кафедраси мудири бўлиб ишлаган. 1987–1989 йилларда Тошкент шаҳар халқ депутати бўлган.

Олим 1990 йилда “Ўзбекистонда зиёли кадрларни шакиллантиришга партиявий раҳбарлик (1961–1985 йиллар)” мавзусида докторлик дисертациясини ёқлаган. 1991 йилда олимга профессор унвони берилган. Қ.Усмонов олий ўкув юртлари талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, мактаб ўқувчилари учун Ўзбекистон тарихи фанидан дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш ва нашр этишда фаол иштирок этмоқда. Қ.Усмонов Мустақиллик йилларида Республика таълим маркази қошидаги Ўзбекистон тарихи фанидан дарслик ва ўқув қўлланмалари таёрлаш бўйича илмий- методик кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Ўзбекистон тарихи бўйича ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси вазифаларини жамоатчилик асосида бажариб келмоқда.

Қ.Усмонов тарих фани соҳасида илмий-педагогик кадрлар – фан номзодлари тайёрлаш борасида ҳам фаол қатнашмоқда. Унинг илмий раҳбарлигида 3 нафар фан доктори ва 4 нафар фан номзоди тайёрланди. 40 дан ортиқ илмий тадқиқотчиларнинг номзодлик ва докторлик ишларига расмий оппонентлик қилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нашр этилган дарсликлари :

1. Ўзбекистон тарихи. Олий ўкув юртлари учун дарслик.-Т.: Иктисод-молия, 2006, 500 бет.

2. Ўзбекистон тарихи. (1917–1991 йиллар) Академик-лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун дарслик. –Т.: Шарк , 2002–2010 йилларда ўзбек ва рус тилларида 4 марта нашр этилган.

3. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. Академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи , 2003–2011 йилларда ўзбек ва рус тилларида 8 марта нашр этилган.

4. Тарихдан ҳикоялар. 5- синф учун дарслик. –Т.: Чўлпон, 2003, 2011.

5. Ўзбекистон тарихи. 7- синф учун дарслик. –Т.: Ўз МЭ, 2005.

6. Ўзбекистон тарихи. 8- синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2006, 2010.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎРИНБОЕВ АСОМ



Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори А.Ўринбоев 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1950 йилда САГУ (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетини тамомлаган.

Олим А.Ўринбоев 2009 йилда вафот этган.

Олим 1953 йилдан умрининг оҳиригача ЎзФА ШИда илмий ходим, яъни: 1953–1969 йиллар кичик ва катта илмий ходим (1964), 1969 йилдан бўлим мудири, 1987–1993 йиллардан институт директори, 1993 йилдан яна бўлим бошлиғи, 1994 йилдан етакчи илмий ходим бўлим фаолият кўрсатган.

1984 йилда А.Ўринбоев «Письма – автографы Абдурахмана Джами из «Альбома Навои» как исторический источник» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Тарихий манбашунослик, тарихий тадқиқотлар методлари – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

Олим А.Ўринбоев 300 дан ортиқ илмий мақола, монография, ўкув-услубий қўлланмаларнинг муаллифи. Жумладан:

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 5 томлик. – Т., 1954.
2. Неизвестная рукопись из истории Кокандского ханства. // Известия АН РУз. Серия общ.н. – Т., 1957. - №3. – С.33-38.
3. Абдураззоқ Самарқандий. – Т.: Фан, 1965. – 45 б.
4. Рукописи произведений Абдурахмана Джами в Собрании института востоковедения АН РУз. – Т.: Фан, 1965. – 101 с.
5. Абдураҳмон Жомийнинг «Навоий альбоми»даги дастхат мактублари. – Т.: Фан, 1982. – 160 б.
6. Собрание вост.рукописей АН Уз. – Т.: Фан, Т.5., 1960. – 540 с.
7. Письма – автографы из «Альбома Навои» - источник для изучения налогообложения в Хорасане XV в. // Бартольские чтения. Тезисы докладов и сообщений. – Москва: Наука, 1987.
8. Абдураҳмон Жомий. Намаҳо. – Душанбе: Ирфон, 1989. (Ҳаммуалифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ФАРМОНОВ РАХМОН



Тарих фанлари доктори, профессор Р.Фармонов 1945 йил 24 январда Самарканд вилояти, Самарканд туманининг Тойлок кишлогида туғилган. Миллати тожик. 1967 йилда Тожикистон давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

Ҳозирги кунда Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университетидаги Ижтимоий-гуманитар фанлари кафедраси мудири.

12 та фан номзодига илмий раҳбарлик қилган, улардан иккитаси тарих фанлари номзоди ва 10 таси сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олган. Шу билан бирга 3 та фан доктори тайёрлаган.

Франциянинг янги тарихи ва унинг сиёсий тизимларини ўрганиш масалалари – олимнинг илмий йўналиши ҳисобланади.

Р.Фармонов 1974 йил “1851 йил Франциядаги бонапартистик давлат тўнтаришининг француз публицистикасида акс этиши” мавзуси бўйича номзодлик, 1992 йилда эса Россия бошқарув академиясида “Францияда 1848 – 1849 йиллардаги революция ва II Республиканинг сиёсий эволюцияси (1848 – 1851 й.й.)” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Олим Р.Фармонов 100дан ортиқ илмий мақола, монография, ўқув-услубий қўлланмаларнинг муаллифи. Жумладан:

1. Франциянинг II Республика давридаги ижтимоий-сиёсий ғоялари ривожи (1848–1851 й.й.). –Москва, 1992. – 10,0 б.т. Монография. Рус тилида.
2. Қиёсий сиёсий тизимлар ва кўппартиявийлик. - Тошкент, 2000. – 7,0 б.т. (Ҳаммуалифликда).
3. Р.Фармонов Жаҳон тарихи (янги тарих даври) Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг 8-синф ўқувчилари учун ўқув қўлланма. - Тошкент, 2001. Иккинчи нашри 2003 ва 2006 йилдан бошлаб. Дарслик. –15,0 б.т. (Ҳаммуалифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Р.Фармонов *Замонавий сиёсатшунослик: назария ва амалиёт.* Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2008. – 18,0 б.т. (Ҳаммуалифликда).

5. Р.Фармонов Халқаро муносабатлар тарихи. Олий ўқув юртларининг “Халқаро муносабатлар” таълим йўналиши бўйича ўқув қўлланма.- Тошкент, 2011. – 14,0 б.т. (Ҳаммуалифликда).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХАЗРАТҚУЛОВ АБРОР



Тарих фанлари доктори А.Хазратқулов 1952 йил 21 апрельда Жиззах вилоятининг Жиззах туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

Олим айни пайтда Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг ректори. Ангрен шаҳар халқ депутатлари Кенгаши депутати. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил", "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Икки нафар шогирди номзодлик диссертациясини ва битта шогирди докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Олимнинг асосий илмий йўналиши - Ўзбекистонда ижтимоий муаммолар. Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг ошиши масалалари ҳисобланади.

1978 йилда «Ўзбекистон деҳқонларининг моддий турмуш даражасининг юксалиши (1966–1975й.й.)» мавзусида номзодлик, 1993 йилда «Ўзбекистоннинг ижтимоий муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари: хусусият, тажриба, муаммолар (1971–1990 й.й.)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилагн.

Бир қатор илмий ва ўқув-услубий ишларнинг муаллифи. Жумладан:

1. Развитие системы социального обеспечения тружеников села Узбекистана (1965-1975гг.). // Общественные науки в Узбекистане, 1977. - №12. - 0,5 б.т.

2. На городской лад. // Экономика и жизнь, 1978. -№3. - 0,5 б.т.

3. Социальное обеспечение тружеников села. //Агитатор Узбекистана, 1978. - №2. – 0,8 б.т.

4. Межхозяйственные комбинаты. // Сельское хозяйство Узбекистана, 1978. - №7.-0,6 б.т.

5. Ижтимоий фанлар бўйича мутахассис ҳамда ёш олимларнинг Республика илмий – назарий анжумани. –Тошкент, 1978.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАЙИТОВ ШОДМОН АҲМАДОВИЧ



Тарих фанлари доктори Ш.А.Ҳайитов 1962 йил 1 майда Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги Диосиё қишлоғида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1984 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-педагогика факультетини тамомлаган.

Ш.А.Ҳайитов 1984–1986 йилларда Бухоро тумани 35-сонли мактабда тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1986 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг "Умумий тарих" кафедрасида фаолиятини бошлаган. 1986–1988 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб, 1989–1991 йилларда Фарғона давлат университети кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олган. 1992–2003 йилларда Бухоро давлат университети "Жахон тарихи ва тарихшунослик" кафедрасида ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаган. 2003–2006 йилларда Наманган давлат университети "Ватан тарихи" кафедраси докторанти. 2006 йилдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар Бухоро давлат университети "Тарих" кафедраси доценти лавозимида фаолиятини давом эттиряпти.

Ҳозирда 3 нафар шогирди Ўзбекистон ва Бухоро тарихининг долзарб муаммолари устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

1991 йилда "Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг мамлакат халқаро алоқаларини ривожлантиришдаги иштироки (70–80 йиллар)" мавзусида номзодлик диссертациясини, 2009 йилда эса "XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

5 та монография, 180 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишлар муаллифи. Жумладан:

1. Хориждаги ўзбеклар. – Тошкент: Фан, 1992.
2. БХСР ва Германия ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари. - Тошкент, Фан, 2004.
3. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). – Тошкент: ABU MATBUOT KONSALT, 2008.
4. Уруш ва муҳожирлик.- Бухоро: Бухоро, 2010.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАМИДОВ ҲОЖИАКБАР



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳамидов 1949 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1973 йилда Тошкент давлат университети тарих факультетининг кечки бўлимни тамомлаган.

Олим меҳнат фаолиятини 1968 йилдан бошланган. 1974–1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975 йилдан 1986 йилгача Тошкент давлат педагогика институти тарих факультетида аввал катта лаборант, кабинет мудири, сўнг сиртқи бўлимда методист, кейин эса "Тарих" кафедрасида аспирант ва ассистентлик лавозимларида ишлаган.

Педагогик фаолияти 1977 йилдан бошланган. 1982–1985 йилларда аспирантурада ўқиб, "Республикада бадиий ҳаваскорлик тарихи (1971–1980 й.й.)" мавзусида номзодлик, 1997 йилда эса "Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи (энг қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача)" мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Ҳ.Ҳамидов айни вақтда, бадиий ҳаваскор қўшиқчилик йўналишида ҳам 1968 йилдан то ҳозирги вақтгача хизмат қилиб келмоқда. Бир неча марта турли кўрик- танловларнинг совриндори бўлиб келган.

1986 йилдан то шу кунгача Тошкент давлат иқтисодиёт университетини "Иқтисодий тарих" кафедрасида аввал доцент, сўнгра профессорлик лавозимида ишлаб келмоқда.

1999 йилда "Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

1992 йилда илм-фандаги ва педагогик фаолиятидаги меҳнатлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони билан тақдирланган. Шу вақтгача 1 та фан номзоди етиштириб чиқарди ва 3 та фан номзодига ҳамда 1 та фан доктори иши олиб бораётган тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилиб келяпти.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2006 йилда ва 2011 йилда Ўзбекистон мустақиллигининг 15 ва 20 йиллигига бағишлаб чиқарилган Президентнинг махсус фармони билан таъсис этилган кўкрак нишони соҳиби бўлди. Бир қатор республика ва халқаро анжуманлар иштирокчиси.

3 та монография, 20 дан ортиқ услубий қўлланма, илмий рисолалар нашр этган. 50 дан ортиқ илмий мақолалар чиқарди. Жумладан:

1. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Монография. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. - 10,0 б.т.
2. Ўзбекистон тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2001. -8,0 б.т.
3. Мени ёд эт. Набижон Боқий билан ҳаммуаллифликда маданиятимиз намоёндалари тарихи ҳақида – Тошкент: Шарқ, 2000. – 12,0 б.т.
4. Ўзбекистон тарихидан маъруза ўтишнинг ўзига хос ҳусусиятлари. I-II-III услубий қўлланмалар. – Тошкент: ТДИУ, 2003, 2004, 2005.
5. Мустақиллик дарслари ўтиш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – 8,0 б.т.
6. Донишмандлар оила ҳақида. Илмий-оммабоп рисола. Ҳаммуаллифликда. – Тошкент: Фан, 1999. – 6,0 б.т.
7. Хоразм Маъмун академияси: шаклланиши, жаҳон тараққиётидаги ўрни. Илмий рисола. – Тошкент: ТДИУ, 2007. - 3,5 б.т.
8. Хоразм Маъмун академияси олимлари илмий меросидан намуналар. Илмий рисола. – Тошкент: Фан, 2010. - 3,5 б.т.
9. Талабаларни янги илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишнинг ўзига хос ҳусусиятлари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2011. - 3,5 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАСАНОВ АҲАДЖОН АҲМАДЖОНОВИЧ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, тарих фанлари доктори, профессор А.А.Ҳасанов 1940 йилнинг 29 мартида Тошкент вилояти Пискент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1964 йилда Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетини тамомлаган.

А.А.Ҳасанов меҳнат фаолиятини мазкур факультетда "Араб давлатлари тарихи" фанидан дарс беришдан бошлади. Сўнгра катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Миср, Ливия ва бошқа араб давлатларида узоқ муддат хизмат сафарида бўлди. 13 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президент девонида масъул вазифада ишлади. Шу билан баробар у кенг кўламдаги илмий-педагогик фаолиятини тўхтатмади. 1975 йилда "Социально – политический строй мамлюкского Египта при черкесских султанах (1382 - 1517)" мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 1994 йилда эса «История древней Аравии и проблемы ее изучения» мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2000 йил 16 сентябрда Тошкент ислом университетида ЮНЕСКО Бош котиби Коичиро Мацууро иштирокида "Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО" кафедраси очилди. Мазкур кафедра ўз йўналиши бўйича дунёдаги 12 та кафедранинг бири, профессор А.Ҳасанов эса унинг илк раҳбари бўлди. Олим мазкур кафедра фаолиятини ташкил этишда, унинг дунё олий ўкув юртларидаги турдош диншунослик кафедралари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда самарали меҳнат қилди. У Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Москва, Қозон, Қоҳира, Бухарест, Париж, Южин (АҚШ)да ўтказилган халқаро илмий конференцияларда инглиз, араб ва рус тилларидаги маърузалари билан иштирок этди.

Тарих фанлари доктори А.Ҳасанов айни пайтда Тошкент ислом университети "Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси" профессори. Олим "Динлар тарихи", "Ислом тарихи" "Қиёсий диншунослик" каби йўналишларда ўзига хос илмий мактаб яратди. 7 та номзодлик ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

битта докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. У Тошкент ислом университети қошидаги Ихтисослашган илмий кенгаш раисининг ўринбосари ва ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги ихтисослашган илмий кенгашнинг аъзосидир.

Устознинг илмий-ижодий ва таълим-тарбия соҳасидаги узоқ йиллар давомида олиб борган самарали фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Профессор А.Ҳасанов 2011 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Аҳаджон Ҳасанов 200 га якин илмий мақола, монография, дарслик, ўқув қўлланма ва рисолалар муаллифи. Олимнинг масъул муҳаррирлиги ва тақризи остида 30 дан ортиқ монография, рисола ва ўқув қўлланмаси чоп этилди. Жумладан:

1. Формирование черкесской группировки мамлюков в Египте. // Арабские страны, Турция, Иран, Афганистан. История, экономика. – М., 1973. – С.158–166.

2. Система управления и суда в малюском Египте конца XIV – начала XVI вв. // История и экономика стран Арабского Востока и Северной Африки. – М., 1975. – С.364–386.

3. История Мекки и Медины. – Ташкент, 1992. – 80 с.

4. К историографии Древней Аравии. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1995. - №1-2-3. –С.50–53.

5. Истоки нашей духовности и ислам. // Ислам: толерантность и экстремизм. – Ташкент, 1998. – С.19–32.

6. Древняя Аравия и ранний ислам. Кн.1. Эпоха «Жахилии» (доисламская Аравия). – Ташкент, 2001. – 256 с.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАСАНОВ БАХТИЁР ВАҲОБОВИЧ



Тарих фанлари доктори Б.В.Ҳасанов 1961 йилда Тошкент вилояти Қибрай туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1981 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган.

Мактаб даврида ўқиш билан бирга санъат ва спорт билан мунтазам шуғулланди. Бокс бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган.

1981–1986 йилларда Тошкент шаҳридаги 121–ўрта мактабда тарих, жамиятшунослик ва ҳуқуқ фанлари бўйича ўқитувчи бўлиб иш фаолиятини бошлаган. 1986–1991 йилларда ФА Тарих институтида, 1991–1992 йиллар Тошкент давлат педагогика институтида фаолият кўрсатган.

1992–2007 йилларда Тошкент Олий Милиция мактаби (1994 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси)да ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2007–2008 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Тарих» кафедраси доценти лавозимида ишлаган.

Б.В.Ҳасанов 2008 йилдан то ҳозирги кунгача ФА "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Олим 1991 йилда «1946–1960 йилларда Ўзбекистон ишчиларининг моддий фаровонлигидаги ўзгаришлар» мавзусида номзодлик, 2000 йилда эса «Ўзбекистон миллий зиёлилари ва тарихий жараёнлар (1917–1950 йиллар)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Б.В.Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

«Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, Ўзбекистон тарихчилари жамияти раиси. Бир неча халқаро анжуманлар иштирокчиси. 100 дан ортиқ нашрлари мавжуд. Жумладан:


www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ўзбек бадиий адабиётининг тарихий манба сифатидаги ўрни.//Ижтимоий-сиёсий фанларни ўзбек тилида ўқитишнинг баъзи муаммолари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий Мактаби, 1993. – 0,5 б.т. (Ҳаммуалифликда).

2. Политическая история Узбекистана. ЎзР ИИВ Олий Мактаби, 1993. –1,0 б.т. – 17 б.

3. Методические рекомендации и примерная тематика контрольных работ по курсу «Полит.история Узбекистана» для слушателей 1-курса ФЗО. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий Мактаби, 1993. –1,0 б.т.

4. Ўзбекистон сиёсий тарихи. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий Мактаби, 1993. –1,0 б.т.

5. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий Мактаби, 1993. –1,0 б.т.

6. Происхождение и формирование узбекского народа. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий Мактаби, 1994. –1,0 б.т.

7. Кўчманчи ўзбеклар давлати ва Ўрта Осиёнинг босиб олиниши. ЎзР ИИВ Академияси, 1995. –1,0 б.т.

8. Исторические материалы по изучению курса «История Узбекистана». ЎзР ИИВ Академияси, 1997. –0,5 б.т.

9. V-IX асрларда Марказий Осиёдаги тарихий ва сиёсий жараёнлар. ЎзР ИИВ Академияси, 1997. –1,0 б.т.

10. "Равзат ар-ризвон" – Бухоро тарихи бўйича муҳим манба. – Инсониятнинг илмий ва маданий – учинчи минг йилликга. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари, 1997. –0,5 б.т.

11. К проблеме изучения истории интеллигенции Узбекистана. 1917-начала 50-х гг. // Ўзбекистоннинг янги тарихи. "Концептуал-методологик муаммолар" мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари, 1998. –0,5 б.т.

12. Тарихнинг номаълум саҳифалари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 17,9 б.т.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАСАНОВ МАҲМУДЖОН



Тарих фанлари доктори М.Ҳасанов 1943 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1968 йилда ЎзМУ (ТошДУ)нинг шарқ факультети Эрон-афғон бўлимини тамомлаган.

Олим 1977 йилда "Научное наследие Юсуфа ибн Мухаммада и его место в истории культуры Центральной Азии в XVI в." мавзусида номзодлик, 2006 йилда "X–XVIII асрлардаги табобатга оид форс тилида ёзилган назмий манбалар" мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

1977 йилдан Тошкент давлат Шарқшунослик институти доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

2003 йили Республика ҳукумати томонидан "Меҳнат шуҳрати ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Илмий йўналиши – тарих, табобат, фиқҳ, ҳадис, тасаввуф, адабиёт. Айниқса, унинг қадимий табобат тарихига қизиқиши кучли бўлиб, бу соҳа бўйича 30 га яқин китоб ва кўплаб мақолалар эълон қилган. Бир қатор республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар иштирокчиси.

30га яқин илмий, ўқув-услубий ишлар муалифи. Шу жумладан, асосийлари қуйидагилардир:

1.Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" асарида Жалолиддин Мангуберди зикри. – Тошкент: Фан, 1998.

2.Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Тошкент: Халқ мероси, 2000.

3.Устоз ва шогирд. Бухонуддин ал-Марғиноний, Шайх ул-Имом аз-Зарнужий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

4.Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000.

5.Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. – Тошкент: Фан, 2003.


www.ziyouz.com kutubxonasi

6.Амоний Арабоний. Исмидур Обиравон. – Тошкент: Фан, 2003.

7.Фахруддин Али Сафий. "Рашаҳот". – Тошкент: "Абу Али ибн Сино" номидаги нашриёт, 2003.

8.Қонуни Боситий (II). – Тошкент: "Абу Али ибн Сино" номидаги нашриёт, 2003.

9.Хожаи Жаҳон Абдулхолий Ғиждувоний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

10.Фарҳанг ал-Мабсут ёки истилоҳот ул-атиббо фи-интифоот ил-аҳиббо. Т.: *Янги аср авлоди*, 2004.

11.Мавлоно Хароботий. Маснавийи Мавлоно Хароботий. (Ҳаммуаллифликда). – Тошкент: Мовароуннахр, 2005.

12. Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд. – Тошкент: Адолат, 2005.

13.Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. "Мифтоҳ ул-асрор" ("Маснавийи маънавий" тафсири). – Тошкент: Мусиқа, 2006.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХОЛИҚОВА РАҲБАР ЭРГАШЕВНА



Тарих фанлари доктори Р.Э.Холиқова 1957 йил 1 сентябрда Қашқадарё вилояти Косон туманида таваллуд топган. Миллати ўзбек. 1979 йили Тошкент давлат университети тарих факультетини тамомлаган.

1994 йили «Развитие высшего исторического образования в Узбекистане (на примере исторического факультета ТашГУ) (1935–1994 гг.)» мавзусида номзодлик, 2005 йили «XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия–Бухоро муносабатлари тарихи» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ҳозирда Тошкент давлат техника университети «Узбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири лавозимларида ишламоқда.

1 нафар шогирди фан номзоди илмий даражани олган. Бир қатор республика ва халқаро миқёсидаги анжуманлар иштирокчиси.

100 дан зиёд илмий нашрлари мавжуд, жумладан:

1. Марказий Осиёдаги давлат бошқарув тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. Монография (Ҳаммуаллифликда).

2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонган ғалабага қўшган ҳиссаси. – Тошкент, ТДТУ, 2007. – 3,7 б.т. Услубий қўлланма.

3. Ўзбекистон тарихи фанидан маърузаларни тинглаш ва семинар машғулотларига тайёрланиш бўйича услубий кўрсатмалар. I боскич талабалари учун. ТошДТУ, 2006. Услубий қўлланма. (Ҳаммуаллифликда).

4. Бухорода Россия императорлиги сиёсий агентлигининг ташкил этилиши. // Жайхун, 2005. - №2. – 36 б.

5. Сардоба // Жаннатмакон. – Тошкент, 2008.

6. Абу Убайдуллоҳ Тошкандий «ҳулосот ул-аҳвол» // Мозийдан садо, 2009. - №2. – 33–36 б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7. Торгово-хозяйственные отношения казахских жузов с Бухарой в XIX веке. Сборник материалов международной научно-теоретической конференции, посвященной десятилетию независимости Республики Казахстан. – Ташкент, 2002. – 36–39 с.

8. Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Насабнома» (Аа-Ансоб) асарида термизлик олимлар шарҳи. «Ал-Ҳаким Ат-Термизий ва унинг даври» мавзусидаги халқаро илмий конференция маруза матнлари баёни. 2004 йил 16–17 декабрь.

9. Мусулмон аристократия шажараси: XIX аср Бухородаги Уламо силсиласи. Ўзбекистонда этнодемографик жраёнлар (халқаро конференция материаллари). I қисм. – Тошкент, 2005.

10. Ўзбекистонда Ал- Ҳаким Ат-Термизий меросини ўрганиш. «Ал-Ҳаким Ат-Термизий ҳаёти ва мероси», «Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари» халқаро илмий конференцияси материаллари. – Термез, 2009 йил, 21–24 бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХЎЖАЕВ АБЛАТ (АБДУЛАҲАД)



Тарих фанлари доктори А.Хўжаев 1942 йилнинг 27 октябрида Шарқий Туркистоннинг (ҳозирги ХХР Шинжонг уйғур мухтор ўлкаси) Ғулжа шаҳрида туғилган. Миллати уйғур. 1969 йилда Тошкент давлат университети шарқ факультетининг хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи бўлимини тамомлаган.

А.Хўжаев 1971–1973 йиллар давомида Москвадаги собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олиб, 1973 йилда "Карательные походы Цинских войск против восстаний народов Джунгарии и Восточного Туркестана в 1964–1969 гг." мавзуда номзодлик диссертациясини, 1991 йилда эса "Взаимоотношения Цинской империи с Джунгарским и Яркентским ханствами (1700–1760)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

А.Хўжаевнинг илмий тадқиқот йўналиши Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиш тарихи (этногенези), бу минтақа давлатларининг халқаро муносабатлари, Хитойнинг мазкур минтақада олиб борган сиёсати каби масалалардан иборат. Тадқиқотларнинг кўпчилиги Москвада, Олмаотада ва бошқа шаҳарларда чоп этилган.

А.Хўжаев Анқара ва Москва каби шаҳарларда ўтказилган қатор анжуманларда маъруза билан қатнашган. Олим ўзи ўқиган факультетининг илмий-педагогик ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқда. У бу ерда ҳозирги ва қадимги замон хитой тили ва Хитой давлатчилиги тарихи курсларидан дарс бериб келмоқда.

А.Хўжаев 2 монография, 50 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилган. Жумладан:

1. Цинская империя, Джунгария и Восточный Туркестан. – В кн.: "Колониальная политика цинского Китая во второй половине XIX в." -М., 1979.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Захват цинским Китаем Джунгарии и Восточного Туркестана. Борьба против завоевателей. – В кн.: "Китай и соседи в новое и новейшее время". - М., 1982. - с. 153–215.

3. Международные отношения в Центральной Азии XVII–XVIII вв. Документы и материалы (Б.П.Гуревич ва бошқалар билан ҳаммуаллифликда). -М., 1989.

4. Взаимоотношения Минской империи и Джунгарского ханства в первой четверти XVIII в. – в кн.: Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV–XIX вв. - Ташкент, 1989. - с.37–58

5. Торговые связи между Джунгарским ханствам и Цинской империей в 1744–1754 гг. – В кн.: Из истории международных отношений в Центральной Азии. - Ама-Ата, 1990. - с. 26–43.

6. Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII в. – В кн.: Из истории международных отношений в Центральной Азии. - Ташкент, 1991.

7. Хитойда ислом дини, мусулмонларининг ҳозирги аҳволи ва уларни ўрганиш масалалари. – Ислом ва хорижий Шарқ китоби. - Тошкент, 1992. - 154–172 бб.

8. Китайский источник о Средней Азии. – В кн.: «Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии». - Ташкент, 1993. - с.161-176.

9. Маҳмуди Аъзам. // Мулокот. – Тошкент, 1993 . -№ 3–4.

10. Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XV–XIX вв. (В соавторстве с К.Хафизовой и др.). - Алма-Ата, 1994.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЧОРИЕВ АҲМАД ХУВАЕВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор А.Х.Чориев 1952 йил 18 январда Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Бешкент шаҳрида таваллуд топган. Миллати тожик. 1979 йилда Қарши давлат педагогика институти тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1988 йилда «1917–1930 йилларда Ўзбекистон халқ маорифининг ривожланиши» мавзусида номзодлик, 1998 йилда «Мустабид шўролар тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий анъанавий ва шўро тузумлари ўртасидаги зиддиятлар (20–30 йиллар)» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ҳозирда Қарши давлат университетида тарих факультети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири лавозимда ишламоқда.

1 нафар шогирди фан номзоди илмий даражани олган. Бир қатор республика ва халқаро миқёсидаги анжуманлар иштирокчиси.

100 дан зиёд илмий нашрлари мавжуд.

Бир қанча илмий, ўқув-услубий ишлар муалифи. Шу жумладан, асосийлари қуйидагилардир:

1. Проблемы народного образования и подготовки педагогических кадров Узбекистана (вторая половина 20-х – 30-е годы). – Ташкент: Фан. 1997.

2. Ўзбекистонда умумий таълим ва унинг муаммолари. – Т:. "Билим" жамияти. 1991.

3. Ўзбекистонда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш жараёни ва унинг аҳволи (20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йиллар). ЎзР ФА Тарих институти. – Т.: Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти. 1995.

4. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манoқиби. – Тошкент: Шарқ, 1996.

5. Ҳазрати Башир манoқиби. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЧОРИЕВ ЗОИР УСМАНОВИЧ



Тарих фанлари доктори, профессор З.У.Чориев 1957 йил Сурхондарё вилояти Термиз туманида таваллуд топган. 2012 йил 30 январда вафот этган. Миллати ўзбек. Олим 1974-1979 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетини тамомлаган.

З.У.Чориев аспирантурада таҳсил олиб, 1982–1988 йилларда тарих факультети "Тарих" кафедраси ўқитувчиси лавозимида ишлаган.

1985 йилда "XX асрнинг 60–80-йилларида Сурхон–Шеробод воҳаси қўриқ ерларининг ўзлаштирилиши тарихи" мавзусида номзодлик диссертациясини, 1999 йилда эса "XX аср бошида Туркистон ўлкаси мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмнинг кучайиши ҳамда унинг оқибатлари (мардикорликка сафарбарлик мисолида)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1989–1996 йилларда Тошкент давлат университети тарих факультети кечки-сиртқи бўлими декани муовини, 1996–1998 йилларда "Манбашунослик, тарихшунослик ва архившунослик" кафедраси мудири. 1998–1999 йилларда тарих факультети декани ва университет маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори вазифасини бажарган.

1999–2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида декан ва "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири лавозимида ишлаган.

2001–2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти халқаро алоқалар бўйича проректор, 2002–2004 йилларда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозимид фаолият кўрсатган.

2004–2009 йилларда Термиз давлат университети ректори бўлиб ишлаган. 2009 йилдан Тошкент Кимё-технологиялари институти профессори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

З.Чориев 2012 йилнинг 30 январида Тошкент шаҳрида вафот этган.

Олим ўз фаолияти давомида 4 та фан номзодини тайёрлаган. Унинг илмий йўналиши асосий моҳиятини – Туркистон мардикорлари, уларнинг тақдирлари ва 1916 йилги сиёсий воқеалар ташкил этади. З.Чориевнинг 100 ортиқ илмий мақолалари республика ва хорижий мамлакатларнинг журналларида чоп этилган бўлиб, у бир қатор монографиялар муаллифи ҳамдир. Жумладан:

1. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари. - Тошкент: Шарқ, 1999.
2. Чориев З., Т. Аннаев., Муртазоев Б, Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
3. Чориев З. У., Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т. Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАДМАНОВА САНАВАР БАЗАРБАЕВНА



Тарих фанлари доктори С.Б.Шадманова 1965 йил 4 февралда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1987 йилда ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетини тамомлаган.

1987–1990 йилларда Тошкент давлат ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари Институтида тарих фанидан дарс берган. 1990–1993 йилларда Тошкент Давлат Университети аспирантурасида ўқиди. 1993 йилда ЎзР ФА Тарих Институтида кичик илмий ходим вазифасида ишлай бошлади. 2003–2007 йилларда ЎзР ФА Тарих Институти докторантурасида ўқиган.

2007 йилдан шу кунга қадар ЎзР ФА Тарих Институтининг "Ўзбекистоннинг XIX аср охири – XX асрлар тарихи" бўлимида катта илмий ходим лавозимида, ўриндошлик асосида Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультетида доцент сифатида фаолият юритиб келмоқда.

2002 йилда "Немис ва турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917–1924 йилларда совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари" мавзусида номзодлик диссертациясини, 2011 йилда эса "Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари (1870 – 1917 й.)" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Унинг раҳбарлигида ҳозирда 5 та номзодлик ҳамда 4 та магистрантлик ишлари олиб борилмоқда.

Шадманова Санавар Базарбаевна 2 та монография, 70 тадан ортиқ мақолалар муаллифидир. Жумладан:

1. Туркистон истиқлоли учун кураш масалалари хорижий тарихчилар талқинида // Ўзбекистон тарихи, 2000. - № 1-2. - Б. 89–95.
2. Манбалар сўзлаганда // Фан ва турмуш, 2000. - № 4. - Б. 24–25.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. 1917 йилда Туркистонда ижтимоий-иктисодий аҳволнинг даврий матбуотдаги мониторинги // Ижтимоий фикр, 2006. - №1. - Б.173–178.

4. Туркистон хотин - қизларининг жамиятда тутган ўрни // Жамият ва бошқарув, 2006. - №2. - Б.91– 93.

5. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистон даврий матбуотида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт хизмати масалалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2006. - №3. - Б.234–235.

6. Туркистонда реклама ва матбуот // Жамият ва бошқарув, 2006. - №4. - Б.67– 69.

7. Ушалмаган орзулар // Соғлом авлод учун, 2006. - № 8. - Б.28–30.

8. Social Views State Sustem in the National Press of Turkistan // Ижтимоий фикр, 2007. - № 1. - Б. 144–149.

9. Журналимиз тарихига назар // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2007. - №7. - Б.39

10. Туркистонда сайлов ҳуқуқи ва матбуот (XX аср бошлари мисолида) // Фалсафа ва хуқуқ, 2007. - №4. - Б. 28–31.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАЙДУЛЛАЕВ ШАПУЛАТ БАЗАРОВИЧ



Тарих фанлари доктори Ш.Б.Шайдуллаев 1960 йил 12 августда Сурхондарё вилояти Қумқўргон туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1982 йилда Тошкент давлат университети (ЎзМУ) тарих факультетини тамомлаган.

Олим 1982 йилда 2004 йилга қадар ФА Археология институтида фаолият юритиб, қадимги Бактрия ҳудудларидаги кўплаб археологик қазилмаларда иштирок этган. Илк темир даври археологияси бўйича янгиликлар ва кашфиётлар муаллифи. Ҳозирги кунда Термиз давлат университети "Ўзбекистон тарихи" кафедрасининг мудири.

Марказий Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва давлатчилик муносабатларининг ўрнатилиши – Ш.Шайдуллаевнинг асосий илмий йўналиши хисобланади.

